- возможность предоставления видеолекции со встроенными презентациями, интерактивными заданиями и применением других современных образовательных технологий;

- мультимедийные короткие видео со встроенными

вопросами и одновременным семантическим анализом ответов на вопросы;

- легкая связь с преподавателем при помощи чата, почты, форума или аудио/видеосвязи на платформе для дистанционного обучения;

- онлайн-обучение позволяет легко выбрать удобное время и место для обучения, как и собственный темп занятий;

- гибкость во времени выполнения заданий с соблюдением определенных временных рамок;

- возможность доступа к массовому открытому онлайн-курсу (MOOC) в любой обстановке, где есть возможность подсоединения к интернету;

- быстрое прохождение курса в зависимости от времени, посвященного изучению курса;

- обучение происходит в неофициальной обстановке;

- возможность изучения курса на многих языках одновременно;

- возможность использования любых онлайн-инструментов [20, 21].

Как и в любом деле, у онлайн-обучения есть и отрицательные стороны:

- плохое качество связи или отсутствие Интернета;

- отсутствие живого общения с преподавателем и курсниками;

- неумение самостоятельно организовать учебный процесс. Не каждый способен сам себя организовать и заниматься самостоятельно.

Выводы. Подводя итог рассмотрению такой важной проблемы, как повышение квалификации специалистов, особое внимание следует обратить на главное условие эффективности процесса повышения квалификации. Это - соотношение умелого подбора и использования разнообразных, наиболее адекватных тематике и ситуации методов обучения, а также активизация всего учебного процесса.

№	Литература	References
1	Постановление Президента Республики Узбекистан от 27 ноября 2017 года № ПП-3405 «О Государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на период 2018–2019 годы». – Ташкент, 2017.	<i>Postanovlenie Prezidenta Respubliki Uzbekistan ot 27 noyabrya 2017 goda № PP-3405. «O Gosudarstvennoy programme razvitiya irrigatsii i uluchsheniya meliorativnogo sostoyaniya oroshaemykh zemel' na period 2018-2019 gody».</i> [On the State Program for the Development of Irrigation and Improvement of the Reclamation Condition of Irrigated Lands for the Period 2018-2019], Tashkent. 2017 (in Russian)
2	Постановление Президента Республики Узбекистан от 12 июня 2015 г. № ПП-4732 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы переподготовки и повышения квалификации высших учебных заведений». – Ташкент, 2015.	<i>Postanovlenie Prezidenta Respubliki Uzbekistan ot 12 iyunya 2015 g. № PP-4732. «O merakh po dal'neshemu sovershenstvovaniyu sistemy perepodgotovki i povysheniya kvalifikatsii vysshikh uchebnykh zavedeniy».</i> [On measures to further improve the system of retraining and advanced training of higher educational institutions], Tashkent. 2015 (in Russian)
3	Вачков И.В. Основы технологии группового тренинга. Учебное пособие. – Москва: изд-во «Ось-89», 1999. – 136 с.	<i>Vachkov I. V. Osnovy tekhnologii gruppovogo treninga</i> [Basics of group training technology]. Tutorial. Moscow.: publishing house «Os-89», 1999. 136 p. (in Russian)
4	Приходченко Е.И., Капацина Н.Н., Мотузенко Н.И. Интерактивное обучение как способ формирования творческой среды // Вестник Донецкого педагогического института. – Донецк, 2017. – №2.	<i>Prihodchenko E.I., Kapatsina N.N., Motuzenko N.I. Interaktivnoe obuchenie kak sposob formirovaniya tvorcheskoy sredy</i> [Interactive learning as a way to create a creative environment]. Bulletin of the Donetsk Pedagogical Institute. Vestnik Donetskogo pedagogicheskogo instituta. 2017. No2. (in Russian)
5	Интерактивные методы обучения в образовательных учреждениях высшего профессионального образования. Информационно-аналитический обзор. http://apu-fsin.ru/service/omumr/material_int_form.html	<i>Interaktivnyye metody obucheniya v obrazovatel'nykh uchrezhdeniyakh vysshego professional'nogo obrazovaniya</i> [Interactive teaching methods in educational institutions of higher professional education]. Informational and analytical review. http://apu-fsin.ru/service/omumr/material_int_form.html . (in Russian)
6	Ломакина Т.Ю., Коржуев А.В., Сергеева М.Г. Поискво-творческое самообразование преподавателя профессиональной школы: Дидактический аспект. Scientific magazine "Kontsep. 2011. №1.	<i>Lomakina T.Yu., Korjuev A.V., Sergeeva M.G. Poiskovo-tvorcheskoe samoobrazovanie prepodavatelya professional'noy shkoly: [Search and creative self-education of a professional school teacher]: didactic aspect. Scientific magazine "Kontsep. 2011. No1. (in Russian)</i>

7	Девид Ли. Практика группового тренинга. Практическое пособие. 3-е издание изд-во «Питер», 2001. – 224 с.	Devid Li. <i>Praktika gruppovogo treninga</i> [Practice group training] Practical. Guide. 3rd Edition Publishing House «Piter», 2001. 224 p. (in Russian)
8	Косолапова М.А. Технологические подходы в организации профессиональной подготовки к педагогической деятельности в высшей школе. Томский государственный педагогический университет. – Томск, 2007. – 177 с.	Kosolapova M.A. <i>Tekhnologicheskie podkhody v organizatsii professional'noy podgotovki k pedagogicheskoy deyatel'nosti v vysshey shkole</i> [Technological approaches in the organization of vocational training for pedagogical activities in higher education]. Tomsk State Pedagogical University. Tomsk, 2007. 177 p. (in Russian)
9	Зеер Э.Ф., Павлова А.М., Сыманюк Э.Э. Модернизация профессионального образования: Компетентностный подход. – Москва: Московский психолого-социальный институт, 2005. – 216 с.	Zeer E.F., Pavlova A.M., Simanyuk E.E. <i>Modernizatsiya professional'nogo obrazovaniya: Kompetentnostniy podkhod</i> [Modernization of vocational education: Competency-based approach]. Moscow: Psychological and Social Institute, 2005. 216 p. (in Russian)
10	Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования // Высшее образование сегодня. – Москва, 2003. – № 5. – С. 34–42.	Zimnyaya I.A. <i>Kluchevye kompetentsii - novaya paradigma rezul'tata obrazovaniya</i> [Key competencies – anew paradigm of education outcome]. 2003. No 5. Pp. 34–42. (in Russian)
11	Карпенко М. Новая парадигма образования XXI в. // Высшее образование в России. – Москва, 2007. – №4. – 93 с.	Karpenko M. <i>Novaya paradigma obrazovaniya XXI v. Vyshee obrazovanie v Rossii</i> [The new education paradigm of the 21st century]. Moscow, 2007. No4. 93 p. (in Russian)
12	Кононец А.Н. Инновационные подходы к организации образовательного процесса в современном техническом вузе. Дальневосточный государственный университет путей сообщения. – Хабаровск: Изд-во ДВГУПС, 2008. – С. 22–31.	Kononets A.N. <i>Innovacionnye podkhody k organizatsii obrazovatel'nogo processa v sovremennom tekhnicheskom vuze</i> [Innovative approaches to the organization of the educational process in a modern technical university]. Far Eastern State Transport University. Khabarovsk: Publishing House DVGUPS. 2008. Pp. 22-31. (in Russian)
13	Созоров А.Н. Flash-технологии в образовании // Тезисы докладов Всероссийской научно-методической конференции с международным участием «Повышение качества непрерывного профессионального образования». – Красноярск: Издательско-почтовый центр Калининградского государственного технического университета, 2006. – С. 233–234.	Sozorov A.N. <i>Flash-tehnologii v obrazovanii</i> [Flash-technologies in education] Abstracts of the All-Russian scientific-methodical conference with international participation "Improving the quality of continuing professional education" Krasnoyarsk: Publishing and postal center of Kaliningrad State Technical University, 2006. Pp. 233- 234. (in Russian)
14	Двуличанская Н.Н. Интерактивные методы обучения как средство формирования ключевых компетенций // Наука и образование: электронное научно-техническое издание, 2011. http://technomag.edu.ru/doc/172651 .	Dvulichanskaya N. N. <i>Interaktivnye metody obucheniya kak sredstvo formirovaniya klyuchevykh kompetentsiy</i> [Interactive teaching methods as a means of forming key competencies] Science and Education: Electronic Scientific and Technical Edition, 2011. http://technomag.edu.ru/doc/172651 . (in Russian)
15	Косолапова М.А., Ефанов В.И. Развитие профессиональной компетентности преподавателя технического вуза при повышении квалификации // Материалы международной научно-методической конференции «Современное образование: проблемы обеспечения качества подготовки специалистов в условиях перехода к многоуровневой системе высшего образования». – Томск: Томский государственный университет систем управления и радиоэлектроники, 2012. – С. 161–162.	Kosolapova M.A., Efanov V.I. <i>Razvitie professional'noy kompetentnosti prepodavatelya tekhnicheskogo vuza pri povyshenii kvalifikatsii</i> [The development of professional competence of a teacher at a technical university with advanced training] Materials of the international scientific-methodological conference "Modern Education: Problems of Ensuring the Quality of Training of Specialists in the Transition to a Multilevel Higher Education System" Tomsk: Tomsk State University of Control Systems and Radio Electronics, 2012, Pp. 161-162. (in Russian)
16	Возгова З.В. Содержание системы мониторинга качества сформированности профессиональной компетентности слушателя факультета переподготовки и повышения квалификации. Вестник Челябинского государственного педагогического университета. 2010. №12.	Vozgova Z.V. <i>Soderzhanie sistemy monitoringa kachestva sformirovannosti professional'noy kompetentnosti slushatelya fakul'teta perepodgotovki i povysheniya kvalifikatsii</i> [The content of the system for monitoring the quality of the formation of professional competence of students of the faculty of retraining and advanced training]. Bulletin of the Chelyabinsk State Pedagogical University. 2010. No12. (in Russian)
17	Возгова З.В. Принципы непрерывного повышения квалификации научно-педагогических работников. Современные проблемы науки и образования. – Челябинск, 2011. – №3.	Vozgova Z.V. <i>Printsipy nepreryvnogo povysheniya kvalifikatsii nauchno-pedagogicheskikh rabotnikov</i> [The principles of continuing professional development of scientific and pedagogical workers]. 2011. No3. (in Russian)
18	Бим-Бад Б.М. Педагогический энциклопедический словарь. – Москва, 2002. – 107 с.	Bim-Bad B.M. <i>Pedagogicheskii entsiklopedicheskii slovar'</i> [Pedagogical Encyclopedic Dictionary]. Moscow. 2002. 107 p. (in Russian)
19	Daphne Koller. What We Are Learning From Online Education. Дэфна Коллер. https://ideanomics.ru/lectures/14119	Daphne Koller. What We Are Learning From Online Education. Дэфна Коллер. https://ideanomics.ru/lectures/14119
20	Полехин А. Онлайн-образование: как было и куда двигаться. https://newtonew.com/tech/future-of-online-ed	Polexin A. <i>Onlajn-obrazovanie: kak bylo i kuda dvigat'sya</i> [Online education: how it was and where to move]. (in Russian) https://newtonew.com/tech/future-of-online-ed
21	Тренинги и виды тренингов. https://studbooks.net/907578/menedzhment/treningi_vidy_treningov	<i>Treningi i vidy treningov</i> [Trainings and types of trainings]. (in Russian) https://studbooks.net/907578/menedzhment/treningi_vidy_treningov

УЎТ: 631.587:004:631.6(575.171)

ХОРАЗМ ВОҲАСИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИНИ ГИДРОМОДУЛЬ РАЙОНЛАШТИРИШДА ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ҒЎЗАНИНГ СУҒОРИШ ТАРТИБЛАРИ

М.Х.Хамидов - қ.х.ф.д., профессор, К.Т.Исабаев - қ.х.ф.н., доцент, У.П.Исломов - ассистент
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада сув танқислиги тобора ошиб бораётган шароитда Хоразм воҳасининг суғориладиган ерларини гидрому- дуть районлаштирилишига ўзгартиришлар киритиш, гидрому- дуть районлар бўйича суғориладиган ерларни тақсим- лаш ва Хоразм воҳасидаги асосий гидрому- дуть районлар бўйича ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини аниқлаш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг натижалари ва воҳанинг тупроқ ва гидрогеологик ша- роитларини ўрганиш, воҳанинг янги гидрому- дуть районлар бўйича суғориладиган ерлари майдонларини аниқлаш туғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: гидрому- дуть районлаштириш, ғўза, суғориш тартиби, суғориладиган ерлар; суғориш даври.

ГЕОИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИ ГИДРОМОДУЛЬНОМ РАЙОНИРОВАНИИ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ И РЕЖИМЫ ОРОШЕНИЯ ХЛОПЧАТНИКА

М.Х.Хамидов – д.с/х.н., профессор, К.Т.Исабаев - к.т.н., доцент, У.П.Исломов - ассистент
Тошкентский институт инженеров ирригация и механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье рассматриваются изменения гидрому- дельного районирования орошаемых земель Хорезмского оазиса в ус- ловиях растущей нехватки воды, результаты научных исследований по распределению орошаемых земель по гидрому- дельным районам и научно обоснованным условиям полива хлопчатника в основных гидрому- дельных регионах, а также почве и гидрологии. Определение орошаемых площадей оазиса по новым гидрому- дельным районам приведено.

Ключевые слова: гидрому- дельное районирование, хлопок, режим орошения, орошаемые земли; период полива.

GEOINFORMATION TECHNOLOGIES FOR HYDROMODULAR ZONING OF IRRIGATED LANDS OF THE KHOREZM REGION AND COTTON IRRIGATION REGIMES

M.Kh. Khamidov - doctor of agricultural sciences, professor., K.T. Isabayev - associate professor, U.P. Islomov - assistant
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

The article discusses the changes in the hydromodular zoning of the irrigated lands of the Khorezm oasis in conditions of increasing water shortage, the results of scientific studies on the distribution of irrigated lands by hydromodular areas and scientifically based conditions for irrigation of cotton in the main hydromodular regions, as well as soil and hydrology. The name of the irrigated oasis area for new hydromodular areas is also given.

Key words: hydromodular zoning, cotton, irrigation regime, irrigated land; watering period; agricultural engineering; water scarcity.

Кириш. Глобал иқлим ўзгариши муаммоси инсоният кун тартибида долзарб бўлиб, бу сайёраимизда фақат ҳароратнинг ўртача йиллик кўтарилиши эмас, балки барча геотизимнинг ўзгариши, жаҳон океани сатҳининг кўтарили- шининг юзага келиши, муз ва доимий музликларнинг эри- ши, ёғингарчиликнинг бир текисда ёғмаслигининг ортиши, дарёлар оқими режимининг ўзгариши ва иқлимнинг беқа- рорлиги билан боғлиқ бошқа ўзгаришлар ҳам демакдир.

Глобал исиш туфайли тоғли ҳудудларда музликларнинг эриши, улар ҳажмининг камайиши яқин 20 йилда дарёлар оқими, хусусан, Амударё ҳамда қисман Сирдарё ва Зараф- шонга қуйиладиган сувларнинг 25–30 фоизга қисқариши мумкин бўлиб, минтақага жиддий муаммолар туғдириши, қурғоқчил йилларда Амударёнинг қуйи қисмида сув мине- рализациясининг ўртача йиллик миқдори 1,5 мартага орти- ши мумкин.

Сўнгги 50 йил давомида Ўзбекистонда ҳарорат динами- каси режимининг кузатувлари шуни кўрсатдики, максимал ҳароратнинг ўсиш суръати йилига 0,22 даражага, минимал

эса -0,36 даражани ташкил қилди. Шунга асосланган ҳол- да, 20 йилдан кейин республиканинг шимолий қисмида ўр- тача йиллик ҳарорат 2–3 даражага, жанубий қисмда эса 1 даражага ортади.

Иқлим ўзгариши сув юзаларидан сувнинг буғланиши- ни 10–15 фоизга, ўсимликлар транспирацияси ва суғориш меъёрларининг ортиши туфайли сувнинг 10–20% кўпроқ сарфланишига олиб келади. Бу эса сувнинг тикланмай истеъмол қилинишини ўрта ҳисобда 18 фоизга ортишига олиб келади. Бу, шубҳасиз, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқа- ришининг кейинги ўсишини қийинлаштиради.

Республикаимизда мустақиллик йилларида сувдан фой- даланish тизими тубдан ўзгарди. Илгари Хоразм воҳаси- да сентябр ойида дарёлардан сув олиш тўхтатилар ҳамда шўр ювиш бошлангунга қадар канал ва зовур тармоқла- ри қуриқдан ўтказилиб, таъмирлаш-тиклаш тадбирлари амалга оширилар эди. Ҳозирги кунда пахта-қузги буғдой навбатлаб экиш тизими қўлланиши натижасида суғориш тармоқлари йил давомида узлуксиз ишламоқда. Коллек-

тор-зовур тармоқларига тушаётган юк жуда ошиб кетди. Булар ўз навбатида Хоразм воҳасида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига ҳам таъсир қилмоқда, воҳада гидроморф тупроқлар майдонларининг ошиши кузатилмоқда. Шунинг учун 80-йилларда ишлаб чиқилган Хоразм воҳасининг суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштирилишига ўзгаришлар киритиш, гидромодуль районлар бўйича суғориладиган ерларни тақсимлаш ва ҳар бир гидромодуль районлари бўйича ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини аниқлаш масалаларини ҳал қилишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари иқлим ўзгариши ҳамда Республикамизда кузатилаётган ва тaborо ошиб бораётган сув танқислиги шароитида долзарб ҳисобланади.


Суғориш майдонларини гидромодуль районлаштириш - ҳудудни тақсономик бирлик майдонларга бўлиш бўлиб, унинг мақсади ер ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва у ерларда илмий-асосланган суғориш тартибларини қўллаш, ҳамда экинлардан юқори ҳосил олишдир. Гидромодуль районлаштиришнинг асосий принциплари: Ўрта Осиё учун 1932–1951 йилларда В.М.Легостаев, Б.С.Коньков ва Г.П.Гельцерлар томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосида тупроқнинг механик таркиби ва ер ости сизот сувларининг жойлашиши ётади [3]. 1948–1957 йилларда С.Н.Рыжов, Б.В.Федоров ва В.Е.Еременколар районлаштиришнинг асосий принципларини такомиллаштиришди ва Ўрта Осиё ерларини 10 та гидромодуль районга бўлишди (1-жадвал).

Кейинги такомиллаштириш собиқ «Средазгипроводхлопок» (ЎзГИП МЧЖ) институти томонидан (Шредер ва б.) 1968 йилда олиб борилди. Улар юқоридагидан ташқари гидрогеологик-мелиоратив областларини ажратдилар (1-расм).

1-жадвал

Ўрта Осиё ерларини гидромодуль районга бўлиши

Гидромодуль районларининг номерлари	Тупроқнинг механик таркиби	Сизот сувларининг сатҳи, м
1	Енгил	3-4 дан чуқур
2	Ўрта	-»-
3	Оғир	-»-
4	Енгил	2 дан 3 гача
5	Ўрта	-»-
6	Оғир	-»-
7	Енгил	1 дан 2 гача
8	Ўрта	-»-
9	Оғир	-»-
10	Турлича	0 дан 1 гача



1-расм. Гидромодуль районлаштириш кенглик минтақалари

Булар:

- чуқур жойлашган грунт сувлари яхши оқимга эга ва улар тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида иштирок этишмайди (грунт сувларини ер остига сингиш области);

- ер юзига яқин жойлашган грунт сувлари, ташқаридан оқиб келиши яхши, лекин оқиб чиқиб кетиши қийинлашган ҳудуд, улар тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида иштирок этади (Грунт сувларининг ер юзига қалқиб чиқиш области);

- грунт сувларининг доимий сатҳи бўлмағи, маълум жойдаги табиий шароитга қараб ўзгарадиган, ташқаридан оқиб келиши ва кетиши қийинлашган ҳудудлар (грунт сувларини ёйилиши области).

Шредер ва б. (1968) таъкидлашларича, ер ости сувлари сатҳи ва тупроқнинг механик таркиби бир хил бўлса ҳам, гидрогеологик-мелиоратив области ҳар хил бўлса, суғориш тартиби ҳам турлича бўлади. {3}

Гидромодуль район – тупроқ-мелиоратив областнинг бир қисми бўлиб, тупроқ қатламининг қалинлигини яқинлиги, механик таркибини, азрация зонасида уларнинг жойлашиши, сув-физик хоссалари, сизот сувлари сатҳини жойлашуви, умуман қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш тартибини, меъёрини ва гидромодуль ординатасини белгилловчи омилларнинг бир-бирига яқинлиги билан характерланади (2-жадвал).

2-жадвал

Гидромодуль районлаштириш жадвали

№ т/б	Гидромодуль районларнинг номери	Тупроқнинг ҳолати	Сизот сувларининг сатҳи, м
1	I	Автоморф тупроқлар кум-шағал устида жойлашган кам қатламли кумоқ ва қалин қатламли кумли	>3,0
2	II	Кум-шағал устида жойлашган ўрта қатламли кумоқ ва қалин кумоқ ва енгил кумоқ	-»-
3	III	Қалин ўрта ва оғир кумоқ ва лойли	-»-
4	IV	Ярим автоморф тупроқлар кумоқ, ўрта ва кам қалинликдаги қатламли кумоқ ва лойли	2-3
5	V	Енгил ва ўрта кумоқ, пастга енгиллашувчи бир қатламли оғир кумоқ	-»-
6	VI	Оғир кумоқ, лойли, бир хил қатламли ва турли механик таркибли, қатламли	-»-
7	VII	Гидроморф тупроқлар кумли ва кумоқ, кам ва ўрта қалинликдаги қатламли кумоқ ва лойли	1-2
8	VIII	Енгил ва ўрта кумоқ, бир қатламли, пастга енгиллашувчи оғир кумоқ	-»-
9	IX	Оғир кумоқ ва лойли, бир хил қатламли, турли механик таркибли, қатламли	-»-

Ушбу районлаштиришга биноан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг суғориладиган ерлари битта тупроқ-иқлим зона – чўл зонасига, ушбу зона ичидаги учта тупроқ- мелиоратив областга таълуқлидир. Булар:

- сизот сувлари 3 метрдан чуқур бўлган автоморф тупроқлар;
- сизот сувлари 2–3 метр бўлган ярим гидроморф тупроқлар;
- сизот сувлари 1–2 метр бўлган гидроморф тупроқлар.

Бугунги кунда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг суғориладиган ерлари азрация қатламида тупроқларнинг қалинлиги, механик таркиби, жойлашишига ва сизот сувларининг сатҳига кўра 6 та: IV, V, VI, VII, VIII ва IX гидромодуль районларга

ажратилиши мумкин (3-жадвал).

Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг

3-жадвал

Хоразм воҳасидаги айрим туманларнинг суғориладиган ерларини гидромодуль районлар бўйича тақсимоти, %

№ Т/р	Туманлар	Суғориладиган майдон, минг га.	Гидромодуль районлари					
			IV	V	VI	VII	VIII	IX
Хоразм вилояти								
1	Гурлан	30.36	-	5,5	8,6	14,3	45,8	25,8
2	Шовот	28.98	-	10,3	9,2	15,9	43,7	20,9
3	Урганч	28.95	2,2	11,6	7,3	20,1	35,7	14,1
4	Янгибозор	23.77	2,5	5,6	5,4	17,3	46,1	22,1
Қорақалпоғистон Республикаси								
5	Беруний	29.83	0,15	0,10	0,15	39,8	24,9	34,9

жанубий туманларининг суғориладиган ерлари асосан 3 та: VII, VIII ва IX гидромодуль районларга мансублигидан, шу шароитлар учун ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини аниқлаш бўйича дала тадқиқотлари ПСУЕ-АИТИ методикаси асосида олиб борилди.

Илмий тадқиқот ишлари Хоразм вилояти Шовот туманидаги “Эргаш Рўзимов” фермер хўжалиги (IX гидромодуль район)нинг оғир қумоқ (1-тажриба), Беруний туманидаги “Реимбай бошлиқ” фермер хўжалиги (VIII гидромодуль район)нинг ўрта қумоқ (2-тажриба) ва Гурлан туманидаги “Тўлқин Мирзабек Асилбек” фермер хўжалиги (VII гидромодуль район) нинг енгил қумоқ (3-тажриба) суғориладиган ерларида олиб борилди. Барча фермер хўжаликларининг ерларида коллектор-зовур тармоқлари барпо қилинган, суғориш тармоқлари инженерлик хусусиятга эга. Қишлоқ хўжалиги экинларни суғориш учун сув далаларга шох ва ўқариқлар орқали етказилади ва экинлар эгатлаб суғорилади. Хўжаликнинг тупроқлари кучсиз ва ўртача даражада шўрланган. Дала тажрибалари қуйидаги тизимда амалга оширилди (4-жадвал).

Тажриба далалари тупроғининг ҳажм оғирлиги. Тупроқ

4-жадвал

Дала тажрибасини амалга ошириш тизими

№ Т/р	Суғориш олди тупроқ намлиги, ЧДНС га нисбатан % да	Суғориш меъёри, м ³ /га
1	Ишлаб чиқариш назорати	Фактик ўлчовлар
2	70-70-60	70-100-70 см қатламдаги намлик дефицити бўйича
3	70-80-60	70-100-70 см қатламдаги намлик дефицити бўйича
4	70-80-60	70-100-70 см қатламдаги намлик дефицити 30 фоизга оширилган

ҳайдов қатламининг тузилишини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири унинг ҳажмий оғирлиги ҳисобланади.

Тажриба далаларида тупроқ ҳажмий оғирлиги бўйича олинган натижалар кўра, 1-тажрибада вегетация бошида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдаладиган 0–30 см қатламда 1,37 г/см³ ни, ҳайдов ости (30–50 см) қатламда 1,43 г/см³ ва 0–100 см қатламда 1,41 г/см³ ни ташкил қилди.

2-тажрибада вегетация бошида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдаладиган 0–30 см қатламда 1,36 г/см³ ни,

ҳайдов ости (30-50 см) қатламда 1,38 г/см³ ва 0–100 см қатламда 1,38 г/см³ ни ташкил қилди.

3-тажрибада вегетация бошида тупроқнинг ҳажмий оғирлиги ҳайдаладиган 0–30 см қатламда 1,32 г/см³ ни, ҳайдов ости (30–50 см) қатламда 1,35 г/см³ ва 0–100 см қатламда 1,33 г/см³ ни ташкил қилди.

Тажриба далалари тупроғининг чекланган дала нам сифими. Тупроқнинг чекланган дала намлик сифими деганда, унинг ўзига маълум миқдорда сувни сингдириш ва ушлаб туриш қобилияти тушунилади. Тупроқда сувни сақлаш ҳолати, кучи ва шароитига боғлиқ намлик сифими қуйидагича: максимал адсорбцион намлик сифими, максимал молекуляр, капилляр, дала ва тўлиқ нам сифимларига ажралади.

Дала тажрибалари маълумотларига кўра, 1-тажриба дала бўйича тупроқнинг чекланган дала нам сифими ҳайдалма 0–50 см қатламида қуруқ тупроқ оғирлигига нисбатан 22,4 фоизни, тупроқнинг 0–100 см қатламида чекланган дала нам сифими қуруқ тупроқ оғирлигига нисбатан 22,5 фоизни, 2-тажрибада 0–50 см қатламда 21,1 фоизни, 0-100 см қатламда 21,4 оизни, 3-тажрибада 0-50 см қатламда 19,6 фоизни, 0–100 см қатламда 19,3 фоизни ташкил этди.

Тажриба далалари тупроғининг сув ўтказувчанлиги. Сув ўтказувчанлик тупроқнинг муҳим сув-физик хусусиятларидан бири бўлиб, у тупроқнинг сувни сингдириш ва пастки қатламларга ўтказиш қобилиятини тавсифлайди, ушбу жараён филтрация деб аталади. Сув ўтказувчанлик тупроқнинг механик таркиби, структураси, чиринди миқдори ва шўрхоклик даражасига боғлиқ ҳолда турлича бўлади. Тупроқ сув ўтказувчанлиги тупроқнинг механик таркибига ва сув-физик хоссасига, унинг структура ҳолатига, зичлиги, говаклиги, намлик ҳамда намланиш давомийлигига ҳам боғлиқ. Тадқиқот олиб борилган ўтлоқи тупроқлар С.В. Астапов бўйича ўртача сув ўтказувчанликка эга бўлиб, ҳар турли суғориш тартиблари таъсирида унинг қийматлари вариантлар бўйича турли миқдорларни ташкил этди.

Тажриба далаларида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги бўйича олинган натижаларга биноан 1-тажрибада вегетация даврининг бошида тупроқ сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 996 м³/га ёки 0,277 мм/мин. ни ташкил қилди.

2-тажриба участкасида вегетация даврининг бошида тупроқ сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 1292 м³/га ёки 0,359 мм/мин. ни ташкил қилди.

3-тажриба участкасида вегетация даврининг бошида тупроқ сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 1501 м³/га ёки 0,417 мм/мин. ни ташкил қилди.

Ўзанинг суғориш тартиблари. Қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда суғориш тартиби аниқ бир иқлимий шароитда, ҳар бир ўсимлик тури бўйича сув режимини таъминлаш зарур. Қишлоқ хўжалик экинлари ғўзанинг биологик хусусиятларига биноан сув билан таъминланиш шароитига турлича муносабатда бўлади. Лекин одатда бутун ўсиш ва ривожланиш даври давомида сувга бўлган талаби узлуксиз қондирилса, барча ўсимликлар максимал даражадаги ҳосилдорлиги таъминланади.

Суғориш меъёри қуйидаги формула бўйича аниқланди.

$$m = 100 \cdot h \cdot J \cdot (W_{\text{чднс}} - W_{\text{он}}) + K \cdot m^3/\text{га}$$

$W_{\text{чднс}}$ – тупроқ оғирлигига нисбатан чекланган дала нам сифими, %; $W_{\text{он}}$ – тупроқ оғирлигига нисбатан суғоришдан олдинги ҳақиқий намлиги, %; J – тупроқнинг ҳажмий оғирлиги, г/см³; h – ҳисобий қатлам қиймати, м; k – суғоришда буғланишга сарфланган сув сарфи, м³/га (ҳисобий қатламда етишмаган намликнинг 10 фоизи).

Тажриба даласида экиб парваришланган ғўзалар белгиланган намлик асосида суғорилди. Вегетация даврида ғўзанинг ҳар бир вариантдаги суғоришлар сони, унинг муддатлари ва умумий берилган сув миқдорлари бир-бирдан сезиларли даражада фарқ қилди (5-жадвал).

3-жадвал

Хоразм воҳасидаги айрим туманларнинг суғориладиган ерларини гидромодуль районлар буйича тақсимоти, %

Вариантлар	Суғоришлар	1	2	3	4	5	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га		
1-тажриба	1	муддати	08.07	03.08	30.08			3866	
		меъёри	1345	1297	1224				
	2	муддати	07.07	30.07	23.08			3257	
		меъёри	1101	1086	1070				
	3	муддати	08.07	26.07	17.08			2234	
		меъёри	745	760	729				
	4	муддати	08.07	04.08	29.08			2905	
		меъёри	988	969	948				
2-тажриба	1	муддати	18.06	13.07	08.08	3.09		4678	
		меъёри	1247	1126	1164	1141			
	2	муддати	20.06	14.07	06.08	03.09		3205	
		меъёри	650	891	921	743			
	3	муддати	19.06	07.07	24.07	17.08		2854	
		меъёри	643	663	693	855			
	4	муддати	18.06	08.07	30.07	25.08		3731	
		меъёри	823	883	901	1124			
3-тажриба	1	муддати	15.06	06.07	28.07	16.08	05.09	5222	
		меъёри	1131	1012	1027	1034	1018		
	2	муддати	15.06	02.07	19.07	05.08	28.08	3832	
		меъёри	620	813	827	820	752		
	3	муддати	17.06	01.07	14.07	28.07	12.08	02.09	3756
		меъёри	620	609	595	600	590	742	
	4	муддати	17.06	06.07	26.07	14.08	05.09	4116	
		меъёри	792	774	792	780	978		

Кейинги йилларда карталар яратишнинг қозғош кўринишидан электрон рақамли кўринишига ўтиш, яъни график ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда карталар яратишнинг компьютерли технологиясига ўтиш жадал суратлар билан ривожланмоқда. Маълумотларнинг кўллаб турларини вақт ўтиши билан тез-тез ўзгариб туриши, оддий усулда тузиладиган қозғошли картадан фойдаланишни анча қийинлаштириб юбормоқда. Бугунги кунда тезкор ахборотларни қабул қилиш, уларнинг долзарблигини кўрсатиш фақатгина автоматлаштирилган тизим кафолатлаши мумкин.

Шу ўринда замонавий ГИС – бу кўп миқдордаги графикли ва мавзули маълумотлар базасига эга бўлган, база асосида иш бажариш имкониятига эга бўлган моделли ва ҳисобли функциялар билан бирлашган, фазовий маълумотларни картографик шаклга айлантириш, турли хулосалар чиқариш ва мониторинг ишларини амалга оширадиган автоматлашган тизим, деб қаралади.

Бугунги кунда компьютер саводхонлиги омма орасида анча ошган. ГИС да тузилган карта оддий қозғошли картадан яхши безалгани, компьютерли шаклдалиги, кўлда бажариб бўлмас даражадаги аниқлиги ва бошқа бир қатор афзалликлари билан фарқ қилади.

Картага истаганча ўзгартириш киритиш, янги мазмун

ва бўёқ бериш, диаграмма ва бошқа маълумотларни киритиш, ўчириш ва ҳоказо ишларни бажарса бўлади.

Карта яратишнинг бу технологияси бугунги кунда, биринчидан - сезиларли даражада универсаллашган, иккинчидан - жуда тез ривожланаётган, инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларини қамраб олаётган жараёндир. Бугунги кунда ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда карта ва планларни қозғош кўринишидан электрон рақамли кўринишига ўтказиш ишлари юқори даражада олиб борилмоқда.

ARC GIS дастури карталарни қозғошли кўринишдан электрон рақамли кўринишига ўтказишда хизмат қилади. Карта ва планлар тузишнинг геоахборот тизими технологияси орқали яъни электрон карта ва планлар кўринишида тузиш, жумладан ARC GIS дастури орқали қуйидаги кетма-кетликда тузиш жараёнини тавсия қилиш мумкин:

- тайёргарлик ишлари. Электрон тахеометрлар ва GPS асбобларидан, тасвирларни қайта ишлаш воситаларидан, изланишлар рақамли маълумотларидан, авторлик оригиналлардан, мавжуд фонд карталари ва бошқалардан дастлабки маълумотларни тўплаш;

- картографик ва фонд материалларини, растрли тасвирларни бир хил масштабга келтириш, сўнгра уларни компьютер хотирасига жойлаш;

- қишлоқ хўжалиги ҳудудининг сканер қилинган карта ва планлари, растрли тасвирлар, аэросуратлари ва GPS асбобида бажарилган съёмка натижалари маълумотларини компьютер хотирасига киритиш;

- яратилаётган картанинг мавзули қатламларини, уларга тегишли жадалларни ишлаб чиқиш ва уларни таҳлил қилиш;

- маълумотлар базасини яратиш. Объектлар таснифи мавжуд жадаллар (атрибутлар) ва матн маълумотларни ЭХМ хотирасига киритиш. Шартли белгилар тизимини ишлаб чиқиш ва қатламларга киритиш;


- тузилаётган картага контурлар, фермер

хўжаликлари чегаралари, фермер хўжалик тўғрисида маълумотлар (фермер хўжалигининг ташкил тошган йили, кадастр рақамлари, йўналиши ва бошқалар)ни киритиш.

Тузилган электрон рақамли карта ва пландан хўжаликлар, СИУларининг сизот сувлари жойлашиши, тупроқ шароитини ўрганиш, улар асосида қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш тартибларини аниқлаш, шўрланган тупроқлар шўрини ювиш тартибларини аниқлаш ишларида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари электрон рақамли карта ва планлар суғориладиган ерлар мониторингини олиб боришда ҳам катта хизмат қилади (2-расм).

Хоразм вилояти суғориладиган ерларнинг гидрогеологик ХАРИТАСИ
1:100000





2-расм. Гидромуль районлаштириш кенглик минтақалари

Хулосалар. Хоразм воҳасининг қадимдан суғорилиб келинаётган ўтлоқи аллювиал тупроқларида ғўзани илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилаётган изланишлар бўйича қуйидаги бирламчи хулосалар қилиш мумкин:

1. Бирламчи гидромуль районлаштиришга биноан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг суғориладиган ерлари битта тупроқ-иқлим зона – чул зонасига, ушбу зона ичидаги учта ту-

проқ-мелиоратив областга тааллуқлидир. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларининг суғориладиган ерлари азрация қатламида тупроқларнинг қалинлиги, механик таркиби, жойлашишига ва сизот сувларининг сатҳига кўра 6 та: IV, V, VI, VII, VIII ва IX гидромуль районлар мавжуд бўлиб, уларнинг энг кўп тарқалганлари эса, VII, VIII ва IX гидромуль районлардир.

2. 1-тажрибада ғўзани суғоришда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60% бўлган 3-вариантда ғўза 0-3-0 схема бўйича гуллаш-ҳосилга кириш даврида уч маротаба 729–760 м³/га суғориш меъёрлари билан суғорилди. Мавсумий суғориш меъёри 2234 м³/га ни ташкил қилди ёки назоратга нисбатан 1632 м³/га сув кам сарфланиб, энг юқори пахта ҳосили олинди.

2-тажрибада ҳам ғўзани суғоришда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60% бўлган 3-вариантда ғўза униб-чиқиш гуллаш даврида 643 м³/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди, гуллаш-кўсак тугуш даврида 663–693 м³/га суғориш меъёрлари билан ғўза икки маротаба суғорилди ва ҳосил пишиш даврида 855 м³/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди. Мавсумий суғориш меъёри – 3205 м³/га. ни ташкил қилди ёки назорат вариантга нисбатан 1473 м³/га дарё суви иқтисод қилинди ва ғўзадан юқори ҳосил олинди.

3-тажрибада ғўзани суғоришда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60% бўлган 3-вариантда ғўза униб-чиқиш гуллаш даврида 620 м³/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди, гуллаш-кўсак тугуш даврида 590–609 м³/га суғориш меъёрлари билан ғўза тўрт маротаба суғорилди ва ва пишиш даврида 742 м³/га суғориш меъёри билан бир маротаба суғорилди. Мавсумий суғориш меъёри 3756 м³/га. ни ташкил қилди ёки назорат вариантга нисбатан 1466 м³/га дарё суви тежалиб, ғўзадан юқори ҳосил олинди.

3. 1-тажриба даласида ғўза суғоришда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ЧДНСга нисбатан 70-80-60% бўлган 3-вариантда ғўзадан юқори - 40,3 ц/га ҳосил олинди. Бу назорат вариантга нисбатан 4,1 ц/га кўп бўлиб, 1 центнер пахта етиштириш учун энг кам: 55,4 м³ дарё суви сарфланди.

2-тажриба даласида ҳам 3-вариантда энг яхши натижалар қайд этилди: ҳосилдорлик 38,2 ц/га, яъни назоратга нисбатан 3,8 ц/га кўп ва 1 центнер пахта етиштириш учун энг кам: 74,7 м³ дарё суви сарфланди.

3-тажриба даласида ғўза суғоришда тупроқнинг суғоришдан олдинги намлиги ни ЧДНС га нисбатан 70-80-60 % да ушлаб туриш натижасида ҳосилдорлик 35,5 ц/га, яъни назоратга нисбатан 3,9 ц/га кўп ва 1 центнер пахта етиштириш учун энг кам: 105,8 м³ дарё суви сарфланди.

№	Адабиётлар	References
1	"2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". – Тошкент: "Адолат", 2017.	2017-2021 yillarda Uzbekiston Respublikasini rivozhlantirishning beshta ustuvor yunalishi buyicha Xarakteratlar strategiyasi ["Action strategies on Five Priorities for the Development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021"] Tashkent, "Adolat", 2017. (in Uzbek)
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнь куни қабул қилинган "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони. – Тошкент, 2019.	Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 17 iyun kuni kabul qilingan "Kishloq hujaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari tugrisida" farmoni [On June 17, 2019, the Presidential Decree of the Republic of Uzbekistan said.] "On the effective use of land and water resources in agriculture". Tashkent, 2019. (in Uzbek)
3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 ноябрда "2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида"ги 3405-сонли қарори. – Тошкент, 2019.	Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 27 noyabrda "2018-2019 yillarda irrigatsiyani rivojlantirish va sugoriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash davlat dasturi tugrisida"gi 3405-sonli qarori [Decree of the Republic of Uzbekistan dated 27 November 2017 № 3405] "The state program on development of melioration and improvement of irrigating lands in irrigation for 2018-2019". Tashkent, 2019. (in Uzbek)

4	ҚХ-А-ҚХ-2018-297-сонли "Хоразм воҳаси (Хоразм вилояти ва ҚҚР нинг жанубий туманлари) нинг суғориладиган ерларини гидромодуль районлаштириш ва ғўзанинг илмий асосланган суғориш тартибларини ишлаб чиқиш" мавзусидаги амалий лойиҳасисосидаги илмий-тадқиқот ишининг ярим йиллик ҳисоботи.	QX-A-QX-2018-297-sonli "Khorazm vokhasi (Khorazm viloyati va KKR ning zhanubiy tumanlari) ning sugoriladigan yerlarini gidromodul rayonlashtirish va gozaning ilmiy asoslangan sugurish tartiblarini ishlab chikish" mavzusidagi amaliy loyihasi asosidagi ilmiy-tadqiqot ishinining yarim yillik hisoboti". [Project KX-A-QX-2018-297 "Quarterly Report of Research on Hydromodul Zoning (Khorezm Region and Southern Republic of Karakalpakstan) for Irrigation of Khorezm oasis"]. (in Uzbek)
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги 1958 сонли қарори. – Тошкент, 2013.	Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2013 yil 19 apreldagi "2013-2017 yillar davrida sugoriladigan yerlarning meliorativ holatini yanada yaxshilash va suv resurrlaridan okilona foydalanish chora-tadbirlari tugrisida" gi 1958 sonli Karori [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 19, 2013 № 1958] "On measures to further improve the reclamation state of irrigated lands and rational use of water resources for 2013-2017". Toshkent, 2013. (in Uzbek)
6	Раҳимбаев Ф.М. Ҳамидов М.Ҳ. Беспалов Ф.А. Амударё кўйи қисмида қишлоқ хўжалик экинларини суғоришнинг ўзига хослиги. – Тошкент: Фан, 1992. – 167 б.	Rakhimbaev F.M. Hamidov Vespallov F.A. Amudaryo kuyi kismida kishlok huzhalik ekinlarni sugurishning uziga khosligi [Agricultural crop irrigation characteristics of Amu Darya sheep]. Tashkent: Science, 1992. 167. (in Uzbek)
7	Э.Ю. Сафаров, И. Мусаев, Х. Абдурахимов. Геоахборот тизими ва технологиялари. – Тошкент ТИМИ, 2009. – 160 б.	E.Yu. Safarov, I. Musaev, H. Abdurakhimov. Geoaxborot tizimi va texnologiyalari [Geographic Information Systems and Technologies] Tashkent TIIM, 2009, 160 p. (in Uzbek)
8	Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – Москва: «Колос», 1985. – 317 с.	Dospexov B.A. Metodika polevogo opita [Methodology of field experience] Moskva: "Kolos", 1985. 317 p. (in Russian)
9	Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения. – Ташкент, СоюзНИИ, 1981.	Metodika polevix opitov s khlopchatnikom v usloviyakh orosheniya [The methodology of field experiments with cotton under irrigation conditions]. Tashkent, SoyuzNIH, 1981. (in Uzbek)
10	Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. – Ташкент, 1962. – 440 с.	Metodi agrohimicheskikh, agrofizicheskikh i mikrobiologicheskikh issledovaniy v polivnix khlopkovix rayonakh [Methods of agrochemical, agrophysical and microbiological studies in irrigated cotton areas]. Tashkent: 1962. 440 p. (in Uzbek)
11	Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. – Ташкент, 1977. – 187 с.	Metodi agrohimicheskikh analizov pochv i rasteniy Sredniy Azii [Methods of agro-chemical analysis of soils and plants of Central Asia]. Tashkent: 1977. 187 p. (in Uzbek)
12	Нурматов Ш., Мирзажонов Қ., Авлиёқулов А., Безбородов Г., Аҳмедов Ж., Тешаев Ш., Ниёзалиев Б., Холиқов Б., Хасанова Ф., Маллабоев Н., Тиллабеков Б., Ибрагимов Н., Абдулимов Ш., Шамсиев А. «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» услубий қўлланма ЎзПИТИ. Тошкент, 2007. 146 б.	Nurmatov Sh., Mirzazhonov K., Avliyokulov A., Bezborodov G., Akhmedov Zh. Dala tazhribalarini utkazish uslublari [Field observational methods], A handbook UzPITI, Toshkent, 2007, 146 b. (in Uzbek)
13	Авлиёқулов А.Э., Баталов А. Ғўзанинг ўрта толали "Бухро-6" навини парваришlash агротадбирлари тизими фермер хўжаликлариди пахтачилик ва галлачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. – Тошкент, 2006. – Б. 238–239.	Avliyokulov A.E. Batalov A. Guzaning urta tolali "Bukhoro-6" navini parvarishlash agrotadbirlari tizimi fermer khuzhaliklarida pahtachilik va gallachilikni rivozhlantirishning ilmiy asoslari [System of agricultural cotton cultivation "Bukhoro-6" agrarian farm Scientific basis of cotton growing and grain cultivation on farms: Proceedings of the international scientific-practical conference]. Tashkent, 2006. Pp. 238–239. (in Uzbek)
14	Авлиёқулов А.Э., Истомин В.М. Ғўзанинг ўрта толали "Денов" навини парваришlash агротадбирлари тизими тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. 1. Том. – Тошкент, 2007.	Avliyokulov A.E. Istomir V.M. Guzaning urta tolali "Denov" navini parvarishlash agrotadbirlari tizimi tuproq unumdorligini oshirishning ilmiy va amaliy asoslari [System of agribusiness maintenance of cotton fiber "Denov" Scientific and practical bases of increasing soil fertility: Collection of articles based on reports of the International Scientific and Practical Conference]. 1. Volume. Tashkent, 2007. (in Uzbek)
15	Авлиёқулов А.Э., Творогова А.А. Ғўзанинг ингичка толали "Термиз-31" навини парваришlash агротадбирлари тизими // Фермер хўжаликлариди пахтачилик ва галлачиликни ривожлантиришнинг илмий асослари: Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги мақолалар тўплами. – Тошкент, 2006.	Avliyokulov A.E. Tvorogova A.A. Guzaning ingichka tolali "Termiz-31" navini parvarishlash agrotadbirlari tizimi ["Fertilizing system of agribusiness maintenance of thin-fiber cotton" Termez-31 "Scientific basis of cotton and grain cultivation on farms: Proceedings of the international scientific-practical conference]. Tashkent, 2006. (in Uzbek)
16	Бейсенбоев Т.Ш., Беспалов Н.Ф. Динамика засоления орошаемых почв и урожайность хлопчатника. – Ташкент: Узбекистан, 1993.	Beisenboyev T.Sh., Bepalov N.F. Dinamika zasoleniya orashaemikh pochv i urozhaynosti khlopchatnika [Salinization dynamics of irrigated soils and cotton productivity]. Tashkent: Uzbekistan, 1993. (in Uzbek)
17	Беспалов Н.Ф. Гидромодульное районирование и режим орошения сельскохозяйственных культур по областям Республики Узбекистан. – Тошкент: Фан, 1992.	Bepalov N.F. Gidromul'noe rayoniravanie i rezhim orosheniya seliskokhozyastvennikh kultur po oblastyam Respubliki Uzbekistan [Hydromodular zoning and irrigation regime of crops in the regions of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent: Fan, 1992. (in Uzbek)
18	Ботиров Ш. Ингичка толали пахта етиштириш // "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – Тошкент, 2005. – №11.	Botirov Sh. Ingichka tolali pakhta yetishtirish Uzbekiston kishlok khuzhaligi zhurnali [Cotton Fiber Uzbekistan Agricultural Journal]. Tashkent, 2005. No11. (in Uzbek)
19	Бердибоев Е.Ю. Тошкент вилоятининг ўтлоқи тупроқларида етиштириладиган кузги буғдойнинг суғориш режими: қ.х.ф.н. ... дис. автореф. – Тошкент, 2007.	Berdiboev E.Yu. Tashkent viloyatining utloki tuproklarida yetishtiriladigan kuzgi bugdoyning sugurish rejimi: [Irrigation mode for winter wheat cultivated on grassy soils of Tashkent region]: science. name. dis. autoref. Tashkent, 2007. (in Uzbek)
20	Исабоев Қ., Хамидов М., Алиева Д. Экинларни суғориш ва ҳосилдорлик. – Тошкент: Меҳнат, 1991.	Isabaev Q, Khamidov M., Alieva D. Ekinlarni sugurish va khosildorlik [Irrigation and crop yields]. Tashkent. Mehnat, 1991. (in Uzbek)

УЎТ: 634.1.047*385.6: 532.712 (575.1)

СУВ МАНБАЛАРИНИНГ ИНТЕНСИВ ОЛМА БОҒЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

М.М.Саримсақов - қ.х.ф.н., к.и.х. доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

З.Т.Умарова - қ.х.ф.н., доцент, Тошкент давлат аграр университети

М.Ахмаджонов - Асака туманидаги "Автосаноат Агро" агрофирмаси раҳбари

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг тоғли ҳамда тоғ олди ҳудудларининг ўрта ва оғир қумоқли, ўтлоқи ва типик бўз тупроқлари шароитида (Андижон вилояти, Асака тумани, Асака адир ҳудуди) интенсив олма боғларини парваришлаш, томчилатиб суғориш тизимини қўллашда артезиан ва дарё сувларининг олма дарахтларининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича 2015–2018 йилларда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бунда интенсив олма боғларини томчилатиб суғоришда тупроқнинг 0,5 метр қатламини намлантириш, суғориш тартибини ЧДНСга нисбатан 80-80-75 фоизда белгилаш натижасида ҳар гектар суғориладиган майдондан 1200–1800 м³ дарё сувини тежашга эришилди. Мева ҳосили сифатли ва юқори бўлиши таъминланди. Мазкур технологияни боғдорчиликда қўллаш қўл меҳнати ва бошқа харажатларни 60 фоизгача тежаб қолишимконини беради, натижада хўжаликнинг иқтисодий барқарорлиги таъминланади. Шунингдек, агроф-муҳитнинг экологик ҳолати соғломлашади.

Таянч сўзлар: интенсив олма боғи, мевали дарахт кўчатлари, томчилатиб суғориш, суғориш меъёри, тупроқнинг намланиш чуқурлиги, ирригация эрозияси, тупроқнинг механик таркиби.

ВЛИЯНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ НА УРОЖАЙНОСТЬ ИНТЕНСИВНЫХ ЯБЛОНЕВЫХ САДОВ

М. Саримсаков - к.с.х.н., с.н.с., доцент

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

З.Т. Умарова - к.с.х.н., доцент, Ташкентский государственный аграрный университет

М. Ахмаджанов - руководитель агрофирмы «Автосаноат Агро» Асакинского района

Аннотация

В статье рассматриваются результаты научных исследований, проведенных в условиях средних и тяжелых песчаных, луговых и типичных сероземах (Андижанской и Ташкентской области) Узбекистана при поливе интенсивных яблоневых садов с использованием артезианских и речных вод и их влияние на рост, развитие и урожайность в 2015–2018 годах. Капельное орошение интенсивных яблоневых садов привело к экономии воды 1200–1800 м³/га, при слое увлажнения почвы 0,5 м, режиме орошения 80-80-75% от предельно-полевой влагоемкости. При этом обеспечивается высокий и качественный урожай фруктов. Использование этой технологии в садоводстве позволяет сэкономить до 60% на прочих расходах, в результате обеспечивается экономическая стабильность хозяйства, улучшается экологическая ситуация.

Ключевые слова: интенсивный яблоневый сад, саженцы плодовых деревьев, капельное орошение, норма полива, глубина увлажнения почвы, ирригационная эрозия, механический состав почвы.

INFLUENCE OF WATER RESOURCES IN INTENSIVE GARDENS

M. Sarimsakov - c.a.s., senior researcher, associate professor

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Z. Umarova - PhD, associate professor, Tashkent State Agrarian University

M. Akhmadzhanov-Head of the agricultural company Avtosanoat Agro in Asaka district

Abstract

This article discusses the results of scientific research conducted in medium and heavy sandy, meadow and typical gray soils (Andijan and Tashkent region) of Uzbekistan when watering intensive apple orchards using artesian and river waters and their impact on growth - development and productivity of intensive apple orchards in 2015–2018. In this case, drip irrigation of intensive apple orchards led to water savings of 1200–1800 m³ per hectare as a result of moistening of 0.5 m of the soil layer, setting the irrigation regime at the level of 80-80-75% of the maximum field moisture capacity. At the same time, a high and high-quality fruit crop is provided. Using this technology in gardening can save up to 60% on other expenses. As a result, economic stability of the economy is ensured. It will also improve the environmental situation.

Key words: intensive apple orchard, seedlings of fruit trees, drip irrigation, irrigation rates, soil moisture depth, irrigation erosion, soil composition.

Кириш. XX асрнинг иккинчи ярми (75–80-йиллар) ва XXXI асрнинг бошлари (2000–2015 йиллар)да бутун ер юзида чучук сув тақчиллиги муаммоси йилдан йилга ортиб бориши, бунинг оқибатида қишлоқ хўжалиги алмашлаб экиш тизимидаги суғориладиган ерларнинг сезиларли даражада камайиши кузатилди. Бунда асосан ерларнинг шўрланиши, саҳроланиши, шамол эрозиясига чалиниши каби салбий оқибатлар ортган.

Бугун она сайёраимизда сув тақчиллиги, қурғоқчилик му-

аммоси сабабли чучук сув етишмовчилиги юзага келмоқда. Бундай салбий оқибат эса қишлоқ хўжалик экинлари ҳамда мевали боғлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришга тўсқинлик қилмоқда [1, 2].

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида томчилатиб суғориш тизимига бугунги кунда саноат даражасига кўтарилди. Сув танқис бўлган ҳудудларда ҳеч бир суғориш усулитомчилатиб суғориш усули каби юқори самарадорликни таъминлай олмайди. Замонавий деҳқончилик юри-

тиш стратегиясини жадал ривожланиши натижасида, дунё аҳолиси сонининг ортиб бориши, катта миқдорда қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариши тақозо этмоқда. Интенсив боғдорчилик ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориладиган ерлар маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек, озиқ-овқат таъминотини яхшилашга қаратилган интенсив технологияларга асосланган соҳадир [3, 4, 5, 6, 7, 8].

Томчилатиб суғориш тизими, ёмғирлатиб суғоришидан кўра сув тақсимотининг яхлитлигига эга, аммо суғориш мосламаларини ўрнатиш дизайни 100–120 м. дан ошиқ дарахтлар қатори бўйлаб сувнинг нотекис тақсимланишига олиб келади [9]. Дунё бўйича энг кўп етиштириладиган мева олма бўлиб, ҳар йили 40 млн. тоннадан кўпроқ етиштирилади. Ҳар йили дунё бўйича 63 млн. тоннадан ортиқ узум етиштирилади. Унинг 83 фоизи Европа ва Осиё давлатлари улушига тўғри келади. Етиштирилган узумнинг 83%и вино тайёрлашга, 12 фоизи ейишга ва 5 фоизи қуруқ мева (майиз) тайёрлашга сарфланади.

Ўзбекистонда паст бўйли пайвандтагларни илмий асосда ўрганиш Р.Р.Шредер томонидан ўтган асрнинг бошларига (1909 й.), "Парадизка VIII", "Дусен III" ва уруғли пайвандтагга уланган "Қандил синап", "Бельфлер" ва "Розмарин белый" навларида боғларни барпо қилиш билан бошланган.

4	Liu C., Walling D.E., He Y. The International Sediment Initiative case studies of sediment problems in river basins and their management. International Journal of Sediment Research. Elsevier, 33(2), 2018. Pp. 216–219.	Liu C., Walling D.E., He Y. The International Sediment Initiative case studies of sediment problems in river basins and their management. International Journal of Sediment Research. Elsevier, 33(2), 2018. Pp. 216-219.
5	Walling, D.E. The sediment delivery problem, Journal of Hydrology. Elsevier, 65(1–3), 1983. Pp.209–237.	Walling, D.E. The sediment delivery problem, Journal of Hydrology. Elsevier, 65(1–3), 1983. Pp.209–237.
6	Jurik L., Zelenakova M., Kaletova T., Arifjanov A. Smal Water Reservoirs: Sources of Water for Irrigation. Water resources in Slovakia: Part 1. Elsevier, 2019.	Jurik L., Zelenakova M., Kaletova T., Arifjanov A. Smal Water Reservoirs: Sources of Water for Irrigation. Water resources in Slovakia: Part 1. Elsevier, 2019.
7	Pierre Julien Y. River mechanics Second Edition Colorado State University Cambridge University Press 2018. Pp.115-118.	Pierre Julien Y. River mechanics Second Edition Colorado State University Cambridge University Press 2018. Pp.115-118.
8	Raveendra K. Design of Irrigation Canals. Planning and Evaluation of Irrigation Projects, Elsevier, Academic Press, 2017. Pp. 283–318.	Raveendra K. Design of Irrigation Canals. Planning and Evaluation of Irrigation Projects, Elsevier, Academic Press, 2017. Pp. 283–318.
9	Arifjanov A.M., Babayev A.R. Determination of hydraulic parameters of hydro transport in pressure pipelines International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Press, 2019. Pp. 9855–9859	Arifjanov A.M., Babayev A.R. Determination of hydraulic parameters of hydro transport in pressure pipelines International Journal of Advanced Research in Science, Engineering and Technology. Press, 2019. Pp. 9855–9859
10	Абальянц С.Х. Устойчивые и переходные режимы в искусственных руслах. – Ленинград: Гидрометеиздат 1981. –245 с.	Abalyants S.Kh. <i>Ustoychivyye i perekhodnyye rezhimy v iskusstvennykh ruslakh</i> [Stable and transient modes in artificial channels]. Gidrometeoizdat. Leningrad. 1981. Pp. 245. (Russian)
11	Mead T.C. An investigation of the suitability of two-dimensional mathematical models for prediction sand deposition in dredged trenches across estuaries Journals of Hydraulic research. 1999. Vol. 35. No 4. Pp. 447 - 464.	Mead T.C. An investigation of the suitability of two-dimensional mathematical models for prediction sand deposition in dredged trenches across estuaries Journals of Hydraulic research. 1999. Vol. 35. No 4. Pp. 447 - 464.
12	Hsu C.A. SEC-HY21: a numerical model for two-dimensional open channel flows. Proc. XXIX IAHR Congress. Beijing, 2001. Theme D. Pp. 821 - 827.	Hsu C.A. SEC-HY21: a numerical model for two-dimensional open channel flows. Proc. XXIX IAHR Congress. Beijing, 2001. Theme D. Pp. 821 - 827.
13	Kusakade S., Michue M., Hinokidani O., Fujita M. A numerical simulation of pattern and widening steep slope channels Proc. XXX IAHR Congress. Thessalonici. 2003. Theme D. Pp. 335 - 342.	Kusakade S., Michue M., Hinokidani O., Fujita M. A numerical simulation of pattern and widening steep slope channels Proc. XXX IAHR Congress. Thessalonici. 2003. Theme D. Pp. 335 - 342.
14	Arifjanov A.M., Otaxonov M.Y., Samiev L.N., Akmalov Sh.B. Hydraulic calculation of horizontal open drainages E3S Web of Conferences 97, 05039 (2019) FORM-2019 Pp. 1–10.	Arifjanov A.M., Otaxonov M.Y., Samiev L.N., Akmalov Sh.B. Hydraulic calculation of horizontal open drainages E3S Web of Conferences 97, 05039 (2019) FORM-2019 Pp. 1–10.
15	Исаков Х. Самиев Л.Н., Бабажанов Ф.К. Дарё чукиндиларининг оқим узунлиги бўйича тақсимотини ҳисоблаш услублари // "Агро-Илм" журнали Тошкент, 2019, №1(55) – Б. 71-74.	Isakov H, Samiev L.N., Babajanov F.K. <i>Daryo chukindilarining okim uzunligi buyicha taksimotini hisoblash uslublari</i> [Methods for calculating the flow distribution of river sediment] Journal of "Agro-Ilm" No1 2019 Pp. 71-74. (in Uzbek)
16	Исаков Х. Ахмедов И.Ф., Атакулов Д.Е., Арифжанов С. Тоғ олди дарёларда туб чукиндилар сарфининг ҳисобини такомиллаштириш "Архитектура қурилиш дизайн" журнали №2-сон 2019 й. Б. 245-248.	Isakov H, Ahmedov I.G., Ataqulov D.E., Arifjanov S. <i>Tog oldi daryolarda tub chukindilarilar sarfining khisobini takomillashtirish</i> [Improvement of bottom sediment consumption in mountain rivers] Journal of "Arhitektura qurilish dizayn" No1 2019. Pp 245-248. (in Uzbek)
17	Арифжанов А.М., Фатхуллоев А.М., Абдураимова Д.А., Формирование поля скоростей по глубине потока в оросительных каналах // Актуальные проблемы естественных наук. – Москва, 2013. – №05(23) – С.397-399.	Arifjanov A.M., Fathulloev A.M., Abduraimova D.A. <i>Formirovaniye polya skorostey po glubine potoka v orositel'nykh kanalakh</i> [Formation of a velocity field along the depth of a stream in irrigation canals]. Actual problems of the natural sciences. Moscow, 2013. No5 (23). Pp.397-399. (in Russian)
18	Фатхуллоев А.М., Самиев Л.Н., Ахмедов И.Ф., Жумабоев Х. Эшев С.С., Арифжанов С. Боғланмаган грунтлардан ташкил топган узанларда ювилмаслик тезликларини аниқлаш // "Irrigatsiya va melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2019. – №1(15). – Б. 27-31.	Fathulloev A.M., Samiev L.N., Ahmedov I.G., Jumaboyev X, Eshv S.S., Arifjanov S. <i>Boglanmagan gruntlardan tashkil topgan uzanlarda yuvilmaslik tezliklarini aniklash</i> [Determination of the nonwashing rate in the wells, which are composed of unconnected soil]. Journal "Irrigatsiya va melioratsiya". Tashkent, 2019. No1. (15). Pp.27-31. (in Uzbek)
19	Арифжанов А.М., Фатхуллоев А.М., Динамика взвешенного потока в руслах. – Ташкент: Фан. 2014. – 124 с.	Arifjanov A.M., Fathulloev A.M., <i>Dinamika vzvesenesushchego potoka v ruslakh</i> [Dynamics of a suspended flow in the channels]. Fan. Tashkent, 2014. Pp.124 (in Russian)
20	Фатхуллоев А.М., Арифжанов А.М. Расчет оросительных каналов устойчивого сечения в земляных руслах // Журнал "Гидротехника". – Санкт-Петербург, 2017. – №2(3). – С.78-79.	Fathullaev A.M., Arifjanov A.M. <i>Raschet orositel'nykh kanalov ustoychivogo secheniya v zemlyanykh ruslakh</i> [Calculation of irrigation channels of sustainable cross section in earthen bedsm] Journal "Hydrotechnics". Sankt-Petersburg, 2017. No2(3). Pp.78-79. (in Russian)

УЎТ: 631. 312:631.51

БОҒДОРЧИЛИКДА КЎЧАТЛАР ҚАТОР ОРАЛАРИДАГИ ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРУВЧИ КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ТЕКИСЛАГИЧНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

*Т.С.Худойбердиев - т.ф.д., профессор, А.Н.Худоёров - т.ф.н., профессор, Б.Р.Болтабоев - т.ф.н., доцент
А.Абдуманнопов - мустақил тадқиқотчи, Тошкент Давлат агарар университетининг Андижон филиали*

Аннотация

Маълумки, боғдорчиликда кўчат қатор ораларидаги асосий майдондан самарали фойдаланишнинг муҳим омилларидан бири тупроққа ўз вақтида сифатли ишлов беришда юмшатишган тупроқни текислаш алоҳида ўрин тутади ва текислаш даражаси юқори бўлиши учун қабул қилинган текислагичнинг параметрларини туғри танлаш зарур бўлади. Мақолада, тадқиқот натижалари асосида, текислагичнинг баландлиги, текислагичнинг олдида тўпланган тупроқ уюмининг оғиш бурчаги β ва текислагичнинг вертикал текисликдан оғиш бурчаги γ нинг ортиб бориши асосланди. Текислагичнинг қаршилиги унинг баландлиги ортиб бориши билан кўпайиб боради, шунинг учун текислагичнинг қиялиги ва тупроқ уюми ташқи сиртининг қиялиги муҳим роль ўйнайди ва текислагичнинг қиялиги ортиб борган сари қаршилик камайиб боради. Бурчак γ нинг 30° ва 40° оралığında қаршиликнинг камайиши, тўпланган тупроқ уюмини текислагичдан ошиб тушиш ҳисобига рўй беради. Бурчак $\beta=20^\circ$ га тенг бўлганида эса қаршиликни кўпайишининг сабаби аниқланди, бунда текислагич тупроқ уюмини ҳосил қилиши чун $\beta=30^\circ$ бўлгандагига қараганда тупроқ кўпроқ сурилиб бориши натижасида қаршилик ортади.

Таянч сўзлар: боғнинг қатор оралари, тупроққа ишлов бериш, экиш учун ерларни тайёрлаш, тупроқ уюми, текислагич, янч қилдираклари, комбинациялашган агрегат, технологик жараён, юмшатишган юзани текислаш, тупроқ уюми сиртининг оғиш бурчаги, текислагич баландлиги ва унинг оғиш бурчаги.

ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ РАЗРАВНИВАТЕЛЯ КОМБИНИРОВАННОГО АГРЕГАТА ДЛЯ ОБРАБОТКИ ПОЧВЫ В МЕЖДУРЯДЬЯХ САЖЕНЦЕВ В САДОВОДСТВЕ

*С.Худойбердиев - д.т.н., профессор, А.Н.Худоёров - к.т.н., профессор, Б.Р.Болтабоев - к.т.н., доцент
Абдуманнопов - соискатель, Андижанский филиал Ташкентского государственного аграрного университета*

Аннотация

Известно, что для эффективного использования основной площади в междурядьях саженцев в садоводстве необходима своевременная и качественная обработка почв, для чего применяется разравниватель разрыхленной площади, это требует правильного выбора его параметров. В статье на основании исследований обоснована оптимальнаясота, угол наклона разравнивателя в вертикальной плоскости β и угол наклона собранного разравнивателем слоя почвы γ . Сопротивление разравнивателя повышается с увеличением его высоты, в связи с этим важными являются угол наклона разравнивателя и угол наклона собранного слоя почвы, так как с повышением угла наклона разравнивателя сопротивление уменьшается. Так, при γ в промежутке между 30° ... 40° наблюдается уменьшение сопротивления за счет переброса слоя почвы через разравниватель, а при $\beta=20^\circ$ наблюдается уменьшение сопротивления разравнивателем по сравнению с $\beta=30^\circ$... 40° , из-за увеличения слоя собранной почвы.

Ключевые слова: Междурядья саженцев сада, обработка почвы, подготовка почвы к посеву, слой почвы, разравниватель, опорные колёса, комбинированный агрегат, технологический процесс, разравнивание разрыхленной почвы, угол наклона поверхности слоя почвы, высота и угол наклона разравнивателя.

BASE OF PARAMETERS OF COMBINED AGGREGATE PLAINER THAT WORKS OUT THE SOIL BETWEEN PLANT ROWS IN GARDENING

*Xudoyberdiev - d.t.s., professor, A.N.Xudoyorov - c.t.s., professor, B.R.Boltaboev - c.t.s., associate professor
Abdumannopov - researcher, Andijan branch of the Tashkent State Agrarian University*

Abstract

We know that, one of the factors of effective utilization of main field in row interspaces of gardening is qualitative softened soil or in time. Therefore it is important to choose the right parameters of the given plainer so that to plain the land in high quality. The β is written on the basis of research results. Here we have given bending corner of the gathered soil clot before the plainer as β the curving corner from vertical plainness as γ and we have based its increase. The contradiction of the plainer increases with the β if its height. That is why the curviness of the plainer and the outer curviness of soil clot play a great role. As the curviness of the β rises, the contradiction decreases. The decrease of the contradiction of γ between 30° and 40° is due to the increase of soil clot the plainer. We have identified the reason of the increase of contradiction when B corner is equal to $\beta=20^\circ$. Here, the contradiction rises as more soil is absorbed than when the corner B is equal to $\beta=30^\circ$ so that to make a soil clot.

Key words: rows between gardens, working out the soil, preparing the land for planting, soil clot, plainer, vehicles of stability, combined aggregate, technologic process, making the softened land plain, curving corner of the surface of soil clot, height and curving of the plainer.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Сабзавот-полиэтилен, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжалиқларининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилингандан сўнг боғдорчиликдаги кўчатлар қатор ораларидаги майдонлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилди [1]. Чунки бу майдондан олинadиган маҳсулотлар фермерлар учун қўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Кўчатлар қатор ораларидан юқори ҳосил олиш учун (1-босқич даврида) майдонлардаги тупроқларга баҳорги ишлов беришни сифатли амалга ошириш керак. Айниқса, ишлов бериб тупроқ юмшатиладиган кейин, майдонни текислаш жараёни муҳим ҳисобланади. Чунки экишга тайёрланган майдон тўғри ва текис, юқори қаватнинг кесаклари майда, намлиги керакли даражада бўлиши, тоза ва бегона ўтлардан ҳоли бўлиши керак [2].

Текислагичлар қуйидаги вазифаларни бажариши керак:

► юмшатиладиган майдонни текис ҳолатга келтириш;

► текислаш даврида катта ўлчамдаги кесакларни талаб даражасигача майдалаш (0–10 см қатламда тупроқ фракциясининг таркиби 25 мм ўлчамдаги кесаклар миқдори 80 фоиздан кам бўлмаслиги);

► юмшатиладиган тупроқ қатлами зичлигини талаб даражасига кўтариш (1,1–1,2 г/см³).

Юмшатиладиган майдонни текислаш узоқ ўтмишга эга бўлиб, текислаш учун ёғоч бруслардан фойдаланиб келинган, тортиш кучига қараб уларнинг кенглиги ва оғирлиги танланган. Кейинчалик бруслар тагига темир қопланган. Бундай мола - текислагичлар шу кунга келиб ҳам ишлатилиб келинмоқда. Ҳозирги мола - текислагичларнинг вазифалари юқоридаги масалаларнинг вазифаларидан келиб чиқиб белгиланган ва ҳозиргача такомиллашиб келинмоқда. Бу жараёнга туртки бўлган сабаблар, ўсимликларнинг агро-техникасини ўрганиш, плуглар ва ҳар хил юмшатиладиган пайдо бўлиши, энг асосийси, ҳар хил қувватга эга бўлган тракторларнинг яратилиши ҳисобланади. Ёғочли бруслар ўрнига ичи бўш металл бруслардан ясалган текислагич ричагли ПМ [3] ва битта металл рамкада бир неча, яъни ҳаракатта қўндаланган ва қия жойлашган текислагич ПР-5 яратилди [4]. Ўтказилган синовлар натижасида текислагичларнинг текислаш сифати талаб даражасида бўлган. Текислагичнинг аҳамияти муҳим эканлиги сезилгандан сўнг уларни такомиллаштиришга эътибор ортиб борди, уларнинг комбинациялашган хиллари яратила бошланди [5, 6, 7].

Кейинги яратилаётган текислагичнинг олдига энди кўпроқ вазифа юклатила бошланди, яъни текислашдан аввал юмшатиш [8], тупроқ фракцияларини майдалаш [9], текислаш – зичлаш – майдалаш – юмшатиш – бегона ўтларни қирқиш ва уларни чуқурликка босиб кетиш [10] каби жараёнлар. Юқорида кўриб чиқилган текислагичларнинг ишига асосан, тупроқни текислаш, зичлаш ва майдалашларнинг сифатига қараб баҳо берилган ва уларнинг конструкцияси нисбатан соддароқ бўлган. Текисланиши керак майдонларда уларнинг ҳаракати, асосан, ҳайдовга диагональ йўналишда бўлган. Ҳайдов йўналиши бўйича ҳаракатланганида уларнинг самараси паст бўлиб, текисланган майдонда поғоналар ҳосил бўлган.

Экин экиладиган майдонларни текислаш ва тупроқнинг зичланишини орттириш билан ҳосилдорликнинг ортишига, сўғориш учун сарфланадиган сувнинг миқдорини камайтиришга ва агрегатнинг иш унумига таъсирини ўрганишга кўплаб тадқиқотчиларнинг изланишлари бағишланган [11, 12, 13, 14, 6, 15, 16]. Ўтказилган тажрибалар текисланган майдонда сўғориш учун сарфланган сувнинг миқдори 66% га қисқарган, пахта ҳосили эса 1,25 т/га га кўпайган [12], уруғни бир хил чуқурликка экиш таъминлангани учун дон экиннинг ҳосилдорлиги 10–25 фоизга, агрегатнинг тезлиги эса 30 фо-

изга кўпайган [17,18]. Текислагичнинг самарасини юқорилтиришдан келиб чиқиб, уларнинг конструкцияси мураккаблашса ҳам такомиллаштириш борасида ишлар олиб борилган. Бундай ишлар нафақат Ўзбекистон шароитида, балки ривожланган мамлакатларда ҳам долзарб ҳисобланиб, текислагич–зичлагичлар ишлаб чиқарилган [18, 19, 20, 21, 22, 23].

Ўрганилган тадқиқотлар бўйича қуйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин.

► барча текислагич–зичлагичлар иш органининг текисловчиси горизонтта нисбатан тик, ўткир ва ўтмас бурчак бўйича жойлаштирилган. Буларнинг ўрнатилиши бўйича аниқ тавсиялар мавжуд эмас;

► барча текислагичнинг кенглиги тортувчи тракторнинг колеясидан 1,5–2,5 баробарга кўп бўлгани учун боғдорчиликда кўчат қатор ораларида ҳаракат қила олмайди;


► текислагичлар текисланиши керак бўлган майдонда диагональ бўйлаб ҳаракат қилади.

Агрегат йўналишида ҳаракат қилинса, майдон кенг бўлгани учун текисланган юза маълум ўлчамда поғоналаниб қолиши мумкин. Бундай кўрсаткичларга эга бўлган текислагичларни боғдорчиликда кўчатлар орасидаги майдонда ишлатиш яхши самара бермайди.

Шунинг учун ҳам боғдорчиликда кўчатлар қатор ораларида полиз, сабзавот ва доривор ўсимликларни экиш учун тупроқ юмшатиладиган кейин текислаш ишларини олиб бориш муаммолигига бўйича қолиб кетмоқда. Бу муаммонинг ечими эса қатор ораларига мос параметрларга эга бўлган текислагичнинг турини танлаш ва агрегатнинг бир бориб келишида тупроқни юмшатиш, текислаш ва эгатларни олувчи универсал комбинациялашган агрегатга ўрнатиш ҳисобланади. Мазкур ишнинг вазифаси шу муаммони ҳал қилишга бағишланган.

Асосий қисм. Универсал - комбинациялашган агрегатга текислагич икки қисмдан (чап ва ўнг) иборат қилиб ўрнатиладиган [24], 1-расм. Қатор ораларининг кенглиги 5 м бўлганда полиз-сабзавот экинларини экиш майдонининг кенглиги 3,4 м, 4 м бўлганда 2,6 м бўлгани учун текислагич фақат бир йўналишда ҳаракат қилади. Бундай ҳолатта мола - текислагичнинг самараси камроқ бўлгани учун текислагичнинг пичоқсимон шакли қабул қилинди. Текислагичнинг ишлаш сифатини ошириш учун, унинг ҳар хил ҳолатда жойлаштириш мақсадида икки қисмдан иборат қилиб ўрнатиладиган, 2-расм.


2-расмда текислагичлар а) тупроқни олдига сурувчи, б)



В - текисланган майдоннинг кенглиги. 1-рама, 2,4 - юмшатиладиганнинг биринчи ва иккинчи қатори, 3,10 - агрегатнинг олдинги ва кейинги таянч гўлдираклари, 5- кўчатлар ёнбошига ишлов берувчи қанотлар, 6,7 - чап ва ўнг текислагичлар, 8,9 - сўғориш ариғи ва эгат ариқчаларини олувчи иш органлари

1-расм. Боғдорчиликда кўчат қатор ораларига ишлов берувчи универсал - комбинациялашган агрегатнинг шакли

проқни икки томонга сурувчи, в) тупроқни ўртага сурувчи, тупроқни ўнг томонга сурувчи, д) тупроқни чап томонга рувчи ҳолатлари келтирилган. Юмшатиш майдоннинг рельефига қараб, текислагичнинг ҳолатини танлаш мумкин. Эғдорчиликда кучат қатор ораларидаги асосий майдондан марали фойдаланишнинг муҳим омилларидан бири тупроққа ўз вақтида сифатли ишлов беришдир. Бунда юмшатиш тупроқни текислаш алоҳида ўринда туради. Текислаш



1-текислагичнинг чап қисми, 2-текислагичнинг ўнг қисми.

2-расм. Агрегатга жойлаштирилган текислагичларнинг ўрнатиш ҳолатлари

ражаси юқори бўлиши учун қабул қилинган текислагичнинг раметрларини тўғри танлаш зарур бўлади.

3-расмда маълум ҳажмдаги майдонни ҳайдалган ва юмшатишдан кейинги кўндаланг профили акс эттирилган.

Ҳайдов ва юмшатишдан кейин тупроқнинг юзаси нокис ҳолатга келиб қолади. Агар тупроқ қатламнинг нотекислигидан $x-x$ чиқиқ ўтказсак, унинг юқорисидан тупроқнинг ртамлари, пастидан эса ўйиқлари пайдо бўлади. Ҳайдалган юмшатиш майдоннинг кенлиги, узунлиги ва юмшатиш қурлиги аниқ бўлган ҳолатда, ҳосил бўлган бўртмаларнинг жми V_6 ўйиқлар ҳажми V_7 га тенг бўлиши керак, яъни:

$$V_6 = V_7 \quad (1)$$

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, текисловчи иш органнинг энг пастки нуқтаси юқоридан белгиланган, яъни $(x-x)$ чиқ бўйича ҳаракатланиши керак бўлади, 4-расм.



3-расм. Ҳайдалган ва юмшатиш майдон юзасининг кўндаланг кесими

Агар иш органлари кўрсатилган шакл бўйича ҳаракат тса $x-x$ чиқиғидан юқоридан бўртмалар (1) шартга кўра чиқдан пастдаги ўйиқларга тўлдирилади. Ўйиқларнинг ҳажми э куйидаги ифодадан аниқланади [25], (1 кўриниш).


$$V_7 = \frac{2B \cdot S_0 \cdot h_0}{\kappa} \quad (2)$$

бу ерда: h_0 - ўйиқларнинг чуқурлиги; S_0 - ўйиқлар асоинг кенлиги; κ - юмшатишчилар ёрдамида нотекисликлар қурлигини (баландлигини) камайишини ҳисобга олувчи коэффицент, $\kappa = 1.4-1.5$; B - текислагичнинг кенлиги.

Ҳосил бўлган ўйиқларни тўлдириш учун иш органнинг дидаги бўртмаларни сурилишидан ҳосил бўлган тупроқ мининг ҳажми куйидагича аниқланади.

$$V_6 = \frac{1}{2} B \cdot h_0^2 (ctg\beta - tgy) \quad (3)$$

бу ерда: h_0 - текислагичнинг баландлиги.



1-текислагич; 2-тупроқ уюми.

4-расм. Юмшатиш майдонни текислашда иш органнинг ишлаши

Иккала ҳажмининг тенглигидан иш органнинг баландлиги аниқланади: яъни

$$h_0 = \sqrt{\frac{4 \cdot S_0 \cdot h_0}{\pi \cdot \kappa \cdot (ctg\beta - tgy)}} \quad (4)$$

Текислаш тўлақонли бўлиши учун, яъни текислагичнинг олдида ҳосил бўлаётган тупроқ уюми ўйиқларга тўла ётқирилиши учун тупроқ уюмининг ҳажми ўйиқлар ҳажмидан бироз катта бўлиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун куйидаги шарт мавжуд бўлиши керак:

$$V_6 > V_7 \quad (5)$$

Бу шартни бажариш учун текислаш чуқурлигини h_1 миқдорга орттириш керак бўлади, (4- расм, II кўриниш). У ҳолда иш органнинг баландлиги куйидагича:

$$h = h_0 + h_1 \quad (6)$$

Бу ифодада (4) ифодани қўйсақ h_n тенг бўлади:

$$h_n = \sqrt{\frac{4 \cdot S_0 \cdot h_0}{\pi \cdot \kappa \cdot (ctg\beta - tgy)}} + h_1 \quad (7)$$

Тупроқ уюмининг ҳажми эса куйидагича аниқланади

$$V_7 = \frac{1}{2} \cdot B \cdot (h_n + h_1)^2 \cdot (ctg\beta - tgy) \quad (8)$$

Агар $S_0 = 45$ см, $h_0 = 12$ см (ўқ ёйсимон юмшатишчининг изида ҳосил бўладиган ўйиқлар ҳисобга олинди), $\kappa = 1.5$, $h_1 = 3$ см деб қабул қилиниб, $\beta = 20^\circ, 30^\circ, 40^\circ$ ва $\gamma = 0^\circ, 10^\circ, 20^\circ, 30^\circ, 40^\circ$ қийматлари учун аниқланган h_n нинг ўзгариши 5-расмда келтирилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, текислагичнинг олдида тўпланган тупроқ уюмининг оғиш бурчаги β ва текислагичнинг вертикал текисликдан оғиш бурчаги γ нинг ортиб бориши билан текислагичнинг баландлиги ортиб боради.


Шаклдан тупроқ уюми сиртининг оғиш бурчаги β учун текислагичнинг баландлиги h_n ва оғиш бурчаги γ нинг чега-равий қийматларини аниқлаш. Кўришиб турибдики, $\beta = 20^\circ$ бўлганда, $h_n = 15$ см ва унинг оғиш бурчаги $\gamma = 20^\circ$ гача, $\beta = 30^\circ$ бўлганда, $h_n = 20$ см, оғиш бурчаги $\gamma = 25^\circ$ гача бўлиш керак. Бу қийматлардан бурчак γ нинг ортиши, тупроқ уюмини текислагичнинг юқорисидан ошиб ўтишига сабаб бўлади. Демак, $\beta = 20^\circ$ бўлганда текислагичнинг баландлиги $h_n = 15$ см, $\beta = 30^\circ$ бўлганда эса $h_n = 20$ см га тенг бўлиши мақбул ҳисобланади.

Текислагични синаш учун унинг кенлигини билиш зарур бўлади. У эса куйидагича аниқланади:

$$b = \frac{h_n}{\cos\gamma} \quad (9)$$

Агар $\gamma = 20^\circ$, $\beta = 20^\circ$, $h_n = 15$ см бўлса, $b = 15.95 \approx 16$ см; $\gamma = 30^\circ$ да $b = 17.44 \approx 17.5$ см. ни ташкил этади. Ҳисоблар учун $b = 20$ см. га тенг деб қабул қилинди. Юмшатиш майдонни текислаш пайтида текислагични икки хил вазифаси мавжуд. Биринчиси, текислагичнинг олдида тўпланган тупроқ уюмини кўпайтириш ва суриш, иккинчиси, ўйиққа келганда текислагичнинг олдида тўпланган уюмини унга тўкиш.

Биринчи вазифа. Ҳаракат пайтида текислагичга олдидаги тупроқ уюмининг босим кучи қаршилик кўрсатади. Босимни энгиш учун текислагичда қарши куч ҳосил бўлади. Бу



5-расм. Иш органнинг баландлиги h_n ни параметрлар β ва γ бўйича ўзгариши

куч P билан белгиланди. Бу кучни бир вақтда текислагич томонидан тупроқни суришга қаршилик қилувчи куч, деб ҳам айталади. Бу куч куйидагича тенг:

$$P_y = f \cdot m_y \cdot g \quad (10)$$

бу ерда: f - сурилаётган тупроқнинг тупроқ билан ишқаланиш коэффицентини; m_y - сурилаётган тупроқ уюмининг массаси; g - эркин тушиш тезланиши.

Тупроқ уюмининг массаси қуйидаги ифода орқали топилади

$$m_v = V_v \cdot \rho \quad (11)$$

У ҳолда (8) ифодани ҳисобга олсак,

$$P_y = V_v \cdot \rho \cdot g \cdot f \quad (12)$$

ёки

$$P_y = \frac{1}{2} (h_0 + h_1) (\operatorname{ctg} \delta - \operatorname{tg} \gamma) \cdot \rho \cdot g \cdot f \cdot B \quad (13)$$

Текислаш пайтида тупроқ уюми суришдаги кучлар 6-расмда кўрсатилган. Бу куч иккита ташкил этувчига ажралади. Бири текислагичга тик йўналган бўлгани учун нормал N куч дейилади, иккинчисини эса текислагич юзаси бўйлаб юқорига йўналган бўлгани учун $P_{\text{ю}}$ деб белгиланади. Бу куч тупроқ уюмини юқорига йўналтиради. Тупроқ билан текислагични бир бири билан ишқаланиши рўй бергани учун ишқаланиш кучи T ҳосил бўлади. Тупроқ уюми юқорига силжигани учун ишқаланиш T кучи юқорига йўналган $P_{\text{ю}}$ кучига қарама-қарши йўналади. Тупроқ уюмининг ҳосил бўлиши ва кўпайиши учун қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$P_{\text{ю}} > T \quad (14)$$

у ҳолда $P_{\text{ю}} = P_y \cdot \sin \gamma$ $T = N \operatorname{tg} \phi = P_y \cdot \cos \gamma \cdot \operatorname{tg} \phi$ (15)


Бу шарт бажарилиши учун қуйидаги тенгсизлик мавжуд бўлиши керак, яъни $\gamma > \phi$ (16)

Иккинчи вазифа. Бу ҳолатда текислагич олдида тупроқ уюми нотекисликнинг ўйиғи устига тўғри келади (7-расм).

Бу ҳолатда ҳам уюмининг қаршилик кучи P_y иккита кучга бўлинади, яъни T ва P_n . Бу ҳолатда T кучи тупроқ уюмининг пастга, яъни ўйиқни тўлдирish учун P_n кучи таъсирида силжигани учун, юқорига йўналган бўлади. Бундан ташқари тупроқ уюмининг остида бўшлиқ (ўйиқ) бўлгани учун, пастга йўналган оғирлик кучи m ҳам пайдо бўлади. Текислагичнинг юзасидаги $m g \cos \gamma$ кучи пастга йўналган P_n кучи билан бирга тупроқ уюмини ўйиқ томон суради. Бу ҳолда ҳам P_y кучи орқали пайдо бўлган P_n ва T кучлари ўртасидаги шарт биринчи ҳолатдагидек бўлиши керак, яъни

$$P_n > T \quad \text{ёки} \quad \gamma > \phi \quad (17)$$

Бунда қўшимча равишда тупроқ уюмининг оғирлиги



6-расм. Текислагич томонидан тупроқ уюмини суриш пайтидаги кучлар




7-расм. Текислагичнинг тупроқ олдидаги уюмининг ўйиқ устига жойлашгандаги кучлар схемаси

ҳам тупроқни ўйиққа тушишини тезлаштиради. У ҳолда шарт қуйидагича $P_n - m g \cos \gamma > T$ (18)

Текислагичнинг тортишга қаршилиги. Текислагич тўртта таянч ғилдирақларга ўрнатилган рама қаттиқ бириктирилгани учун текислагичга оғирлик кучи таъсир этмайди. Агар текислагичнинг чуқурлиги ўзгартириладиган бўлса, рамага қатирилган жойидан ўзгартирилади ва яна қотирилади. Бундай ҳолатда текислагичнинг тортишга бўлган қаршилиги унинг олдидаги тупроқ уюмининг сурилишига бўлган қаршилиги ҳисобланади. Тупроқ уюмининг сурилишига бўлган қаршилиги эса (13) ифода орқали аниқланади, яъни:

$$P_y = \frac{1}{2} h_n \cdot (\operatorname{ctg} \beta - \operatorname{tg} \gamma) \cdot \rho \cdot g \cdot f \cdot B \quad (19)$$

Катталиқлардан $\rho = 1,12 = 1120 \text{ кг/м}^3$; $g = 9,81 \text{ м/с}^2$; $f = 0,7$; $B = 1 \text{ м}$; тенг деб $P_n = 5; 10; 15; 20; 25 \text{ см}$; $\gamma = 10^\circ, 20^\circ, 30^\circ, 40^\circ$ ва $\beta = 20^\circ, 30^\circ$ учун P_y нинг қийматлари аниқланди. Натижалар 8-расмда келтирилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, текислагичнинг қаршилиги унинг баландлиги ортиб бориши билан кўпайиб боради. Бу ўринда текислагичнинг қиялиги ва тупроқ уюми ташқи сиртининг қиялиги муҳим роль ўйнаши



8-расм. Текислагични тортишга бўлган қаршилигини β , γ ва h_n параметрларга боғлиқ равишда ўзгарishi

аниқланди. Текислагичнинг қиялиги ортиб борган сари қаршилик камайиб боради. Бурчак γ нинг 30° ва 40° қийматларида қаршиликнинг камайиши, тўпланган тупроқ уюмини текислагичдан ошиб тушиш ҳисобига рўй беради. Бу ҳолат 5-расмдаги катталиқларни ўзгарishiнинг таҳлилида ҳам айтилган. Шундай ҳолат β ни 20° ва 30° га тенг бўлган ҳолатларида ҳам рўй беради. Бурчак $\beta = 20^\circ$

га тенг бўлганида қаршилик кўпайishiнинг сабаби шу ки, бунда текислагичнинг тупроқ уюмини ҳосил қилиши учун $\beta = 30^\circ$ бўлгандагига қараганда тупроқнинг кўпроқ масофага суриб бориши ҳисобига рўй бериши инobatга олинади. Аввал айтилганидек, $\beta = 20^\circ$ бўлганда текислагичнинг баландлиги $h_n = 15 \text{ см}$, қиялиги эса $\gamma = 20^\circ$ гача бўлиши аниқланган. Бунда текислагичнинг қаршилиги $P_y = 20^\circ \text{ Н/м}$, $\beta = 30^\circ$ да текислагичнинг баландлиги $h_n = 20 \text{ см}$, қиялиги эса $\gamma = 25^\circ$ гача эканлигини ҳисобга олсак, $P_y = 215\text{--}220 \text{ Н/м}$, га тенг бўлишлиги аниқланади.

Хулосалар: 1. Кўчатлар қатор ораларидан юқори ҳосил олиш учун майдонлардаги тупроқларга баҳорги ишлов бериб, тупроқ юмшатиладиган кейин, майдоннинг текислаш жараёни муҳим ҳисобланади. Чунки экишга тайёрланган майдон тўғри ва текис, юқори қаватнинг кесаклари майда, намлиги керакли даражада бўлиши, тоза ва бегона ўтлардан ҳоли бўлиши керак.

2. Текислагичнинг самараси юқориликдан келиб чиқиб, уларнинг конструкциясини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тадқиқотлар бўйича қуйидаги хулосалар қилинди:

► барча текислагич – зичлагичлар иш органининг текисловчиси горизонтга нисбатан вертикал, ўткир ва ўтмас бурчак бўйича жойлаштирилган. Буларнинг ўрнатилиши бўйича аниқ тавсиялар мавжуд эмас;

► барча текислагичнинг кенглиги тортувчи тракторнинг колеясидан 1,5–2,5 баробарга кўп бўлгани учун боғдорчиликда кўчат қатор ораларида ҳаракат қила олмайди;

► текислагичлар текисланиши керак бўлган майдонда диагональ бўйлаб ҳаракат қилади. Агрегат йўналишида ҳаракат қилинса, майдон кенг бўлгани учун текисланган юза маълум ўлчамда поғоналаниб қолиши мумкин.

3. Тупроқ уюми сиртининг оғиш бурчаги β учун текислагичнинг баландлиги h_n ва оғиш бурчаги γ нинг чегаравий қийматини қуйидагича қабул қилиш мумкин; яъни $\beta = 20^\circ$ бўлганда текислагичнинг баландлиги $h_n = 15 \text{ см}$, оғиш бурчаги $\gamma = 20^\circ$ гача; $\beta = 30^\circ$ бўлганда эса $h_n = 20 \text{ см}$, оғиш бурчаги $\gamma = 25^\circ$ гача бўлиши мақбул ҳисобланади.

4. Юмшатиладиган майдоннинг текислаш пайтида текислагични икки хил вазифаси мавжуд, биринчиси, текислагичнинг олдида тўпланган тупроқ уюмини кўпайтириш ва суриш, иккинчиси, ўйиққа келганда текислагичнинг олдида тўпланган уюмини унга тўкиш.

5. Текислагичнинг қаршилиги унинг баландлигини ортиб бориши билан кўпайиб бориши текислагичнинг қиялиги ва тупроқ уюми ташқи сиртининг қиялиги муҳим роль ўйнаши аниқланди.

6. Текислагичнинг қиялиги ортиб борган сари унинг қаршилик камайиб боради. Бурчак γ нинг 30° ва 40° қийматларида қаршиликнинг камайиши, тўпланган тупроқ уюмининг текислагичдан ошиб тушиш ҳисобига рўй бериши, $\beta = 20^\circ$ га тенг бўлганида қаршиликни кўпайishiнинг сабаби шу ки, бунда текислагич тупроқ уюмини ҳосил қилиши учун $\beta = 30^\circ$ бўлгандагига қараганда туп-

қни кўпроқ масофага суриб бориши билан изоҳлаш мумкин.
7. Тупроқ уюми сиртининг оғиш бурчаги $\beta=20^\circ$ бўлганда
кислагичнинг баландлиги $h_n = 15$ см ва қиялиги $\gamma=20^\circ$ бўл-

ганда, $P_p=200$ Н/м; $\beta=30^\circ$ да текислагичнинг баландлиги h_n
 $= 20$ см, қиялиги эса $\gamma=25^\circ$ бўлганда, $P_p=215-220$ Н/м га тенг
бўлишлиги аниқланди.

Адабиётлар	References
Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Сабзавот – полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер хўжалиklarининг ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 258-сон қарори. Тошкент, 2018.	Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 3 apreldagi 258-son karori [On Measures to Increase the Efficiency of Use of Soil Plots, Gardening and Grapevine Farms by Land Plots] Tashkent, 2018 (in Uzbek)
Рудаков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. – Ташкент: Фан. 174-244 с.	Rudakov G.M. <i>Tekhnologicheskiye osnovy mekhanizatsii seva khlopchatnika</i> [Technological basis for the mechanization of cotton seeding] Tashkent; Fan, Pp. 174-244. (in Russian)
Протокол № 8-49. Планировщик-мала ПМ. САМИС –Ташкент, 1949, – 43 с.	Protocol No 8-49. <i>Planirovshchik mala PM. SAMIS</i> [The scheduler is small PM.] Tashkent, 1949, 43 p. (in Russian)
Протокол № 36-58 Планировщик разравниватель/ ПР-5 САМИС. – Ташкент, 1958. – 57 с.	Protokol № 36-58 <i>Planirovshchik razravnitel/ PR-5 SAMIS</i> [Level Planner / PR-5] Tashkent, 1958-57 p. (in Russian)
Протокол № 16-59 Выравниватель предпосевной ВП-8,0 САМИС. – Ташкент, 1965. – 51 с.	Protokol №16-59 <i>Vyrvnivatel predposevnoy VP-8,0 SAMIS</i> [Equalizer preseeding VP-8.0] Tashkent, 1965. 51 p. (in Russian)
Эгамов А.Т. Обоснование параметров малы-выравнивателя с регулируемым давлением на почву: Дисс...канд.техн. наук. – Янгиюль, 1988. – 151 с.	Egamov A.T. <i>Obosnovaniye parametrov малы-vyrvnivatelya s reguliruyemym davleniem na pochvu</i> [Substantiation of the parameters of a low level equalizer with adjustable pressure on the soil] Diss. kand.tehn.nauk. Yangiyul, 1988-151 p. (in Russian)
Протокол № 26-34-77. Государственные испытания малы- выравнивателя МВ-6,5 / САМИС. – Ташкент, 1977. – 24 с.	Protokol No. 26-34-77. <i>Protokol № 26-34-77. Gosudarstvennyye ispytaniya малы-vyrvnivatelya MV-6,5 SAMIS</i> [State tests are small equalizer MV-6.5] Tashkent, 1977. 124 p. (in Russian)
Мизюков В.В. “Тракторы и сельскохозяйственные машины” № 9. 1990. –34 с.	Mizyukov V.V. <i>Mizyukov V.V. "Traktoriy i sel'skokhozyastvennyye mashiny</i> [Tractors and agricultural machines] No9.1990 with 34 (in Russian)
А.С. 1463144 (СССР) Почвообрабатывающие орудия. Б.М.Тишин, А.Н.Новиков, Т.Ц. Назиров. Москва. – 1989. Бюл. – № 9.	A.S. 1463144 (SSSR) <i>Pochvoobrabatyvayushchie orudiya. B.M.Tishin, A.N.Novikov, T.TS.Nazirov</i> [Soil-cultivating arms.] Moscow. 1989. B yul. No9. (in Russian)
А.С. 1727563 (СССР). Устройство для обработки почвы. А.Н. Коперин. –1989. Бюл. – №15.	A.S. 1727563 (SSSR) <i>Ustroystvo dlya obrabotki pochvy</i> [Device for tillage] A.N. Koperin-1989. Byul. No 15. (in Russian)
Соколов В.Н. Исследование параметров орудия для предпосевного уплотнения и выравнивания почвы в хлопководстве. Дисс. канд. техн. наук. – Янгиюль – 150 с.	Sokolov V.N. <i>Issledovaniye parametrov orudiya dlya predposevnogo uplotneniya i vyrvnivaniya pochvy v khlopkovodstve</i> [Investigation of the parameters of tools for pre-sowing compaction and leveling of the soil in cotton growing] Diss. kand. texn. nauk. Yangiyul 150 p. (in Russian)
Ахмаджонов М.А. Планировка орошаемых земель. – Ташкент: “Меҳнат”, 1991. – 112 с.	Axmadjonov M.A. <i>Planirovka oroshaemy zemel</i> [Planning irrigated land] Tashkent “Mehnat” 1991. 112 p. (in Russian)
Вакин А.Т., Майонов В.В., Смец И.А., Лепешко Р.П. Результаты изучения влияния предпосевной обработки почвы на работу зерновых сеялок. – Минск: Урожай, 1969.Труды ЦНИИМЭСХ. –Том 6.	Vakin A.T., Mayonov V.V., Smets I.A., Lepeshko R.P. <i>Rezultaty izucheniya vliyaniya predposevnoy obrabotki pochvy na rabotu zernovykh seyalok</i> [The results of studying the effect of pre-sowing tillage on the work of grain seeders] Minsk, Uroжай, 1969. Trudi TSNIIIMESX, Tom.6. (in Russian)
Титов В.С. Влияние выравнивателя и прикатывания среднесуглинистых зерново-подзолистых почв на их физические свойства и урожай силосных культур. Автореф. Дисс. канд.техн.наук. М.1968. –16 с.	Titov V.S. <i>Vliyaniye vyrvnivatelya i prikatvaniya srednesuglinistykh zemovo-podzolistykh pochv na ikh fizicheskiye svoystva i urozhay silosnykh kultur</i> [The influence of equalizer and rolling, medium loamy grain-podzolic soils on their physical properties and yield of silage crops] Avtoref. Diss. kand.tehn.nauk. M.1968 16 p. (in Russian)
Мухаммедсадыков К.Д. Обоснование параметров и режимов работы предпосевного выравнивателя: Дисс.. канд. техн. наук. – Янгиюль, 1988. – 151 с.	Muxammedsodikov K.D. <i>Obosnovaniye parametrov i rezhimov raboti predposevnogo vyrvnivatelya</i> [Justification of the parameters and modes of operation of the preseeding equalizer] Diss.. kand.tehn.nauk. Yangiyul, 1988 151 p. (in Russian)
Утепберганов Б.К. Обоснование параметров выравнивающего рабочего органа рыхлителя-выравнивателя Дисс..канд. тех. наук. – Янгиюль, 2001. – 147 с.	Utepbergenov B.K. <i>Obosnovaniye parametrov viravnivayushchego rabocheho organa rykhlyatelya viravnivatelya</i> [Justification of the parameters of the leveling tool of the ripper of the equalizer] Diss...kand.nauk. Yangiyul, 2001. 147 p. (in Russian)
Купченко А.И. Изыскание и исследование параметров рабочего органа для предпосевного выравнивания поверхности почвы в условиях Нечерноземной зоны.Дисс..канд. тех. наук. – Минск, 1975. – 188 с.	Kupchenko A.I. <i>Izyskaniye i issledovaniye parametrov rabocheho organa dlya predposevnogo viravnivatelya poverkhnosti pochvy v usloviyakh Nechozozemnoy zoni</i> [Exploration and study of the parameters of the working body for the preplant soil leveling device under the conditions of the Nonchernozem zone] Diss...kand. nauk. Minsk 1975. 188 p. (in Russian)
Вилде А.А. Комбинированные почво – обрабатывающие машины. Ленинград, Агропромиздат. 1986. – 128 с.	Vilde A.A. <i>Kombinirovannyye pochvo – obrabotivayushchiye mashiny</i> [Combined soil – processing machines] Leningrad. Agropromizdat. 1986. 128 p. (in Russian)
Мухин Ю.С. Семейство комбинированных орудий типа РВК для предпосевной обработки почвы // Тракторы и сельхозмашины. 1995, №9-45 с.	Muxin YU.S. <i>Semeystvo kombinirovanykh orudiy tipa RVK dlya predposevnoy obrabotki pochvy</i> [Family of Combined Tools type RVK for pre-sowing tillage] Tractors and agricultural machinery. 1995.No Pp. 9-45. (in Russian)
Патент Швеции № 316942, кл. 45 а 49/02 выдан 03.11.69.	Patent Shvetsii No316942, kl. 45 a 49/02 vidan 03.11.69.
The green boor 1975 Edition the Authority on Tractors / Farm and Forestry Equipment	The green boor 1975 Edition the Authority on Tractors / Farm and Forestry Equipment.
Патент США 3225839 кл. 172-398 Заяв 02.11.64 выдан 28.12.65.	Patent SSHA 3225839 kl. 172-398 Zayav 02.11.64 vidan 28.12.65.
Калимбетов М.П. Усовершенствованный мола-выравниватель // Ж.: Сельское хозяйство Узбекистана, Тошкент, 2006. № 5. – 37 с.	Kalimbetov M.P. <i>Usovershenstvovanniy mala-viravnivatel</i> [Improved low-leveler] Agriculture of Uzbekistan, Tashkent, 2006 No5, 37 p. (in Russian)
ГОСТ – 20915-75 Сельскохозяйственная техника. Методы определения условий испытаний. – Москва, 1985. – 34 с.	GOST - 20915-75 <i>selskoxozyaystvennaya texnika Metodi opredeleniya usloviy ispitaniy</i> [Agricultural machinery Methods for determining the test conditions] Moscow: 1985. 34 p. (in Russian)

УЎТ: 631.36

МОШ ДОНИ ЎЛЧАМЛАРИНИНГ КОРРЕЛЯЦИЯВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ ВА ФРАКЦИЯВИЙ ТАҚСИМОТИНИ АНИҚЛАШ

К.Д. Астанақулов - т.ф.д., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

А.Д. Расулов - таянч докторант, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти

Аннотация

Мақолада мош донининг ўлчамлари, улар орасидаги корреляциявий боғлиқлик ва фракциявий тақсимоти аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Мошнинг "Турон" навида дон узунлигининг 4,6 мм. дан 6,5 мм. га ортганда уларнинг эни 3,5 мм. дан 4,5 мм. гача, "Дурдона" навида дон узунлигининг 4,3 мм. дан 6,2 мм. гача ортганда эни 3,5 мм. дан 4,7 мм. гача, "Қахрабо" навида дон узунлигининг 4,6 мм. дан 6,5 мм. гача ортганда эни 3,5 мм. дан 4,8 мм. гача ва "Радость" навида дон узунлигининг 3,6 мм. дан 5,3 мм. гача ортганда эни 3,0 мм. дан 4,0 мм. оралиғида бўлиши аниқланди. Тажириба натижаларига кўра, мош донининг эни билан қалинлиги орасида боғлиқлик мавжуд бўлиб, бундан корреляциявий боғлиқлик коэффициенти 0,716–0,827 оралиғидани ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, мош донини фракцияларга ажратиш тозалашда унинг асосий ўлчами сифатида энини қабул қилиш мақсадга мувофиқ ҳамда мош донининг фракциявий таркибига кўра уларни фракцияларга ажратиш тозалайдиган машина ғалвири ишчи юзасининг 25 фоизининг эни 3,5 мм. гача, 60 фоизининг эни 4,5 мм. гача ва 15 фоизининг эни 5,0 мм. дан юқори бўлган донларни ажратиш олишга мўлжалланган бўлиши керак.

Таянч сўзлар: мош дони, узунлиги, қалинлиги, эни, корреляция коэффициенти, боғлиқлик, фракциявий таркиби, тозалаш.

КОРРЕЛЯЦИОННАЯ ЗАВИСИМОСТЬ РАЗМЕРОВ ЗЕРЕН МАША И ОПРЕДЕЛЕНИЕ ФРАКЦИОННОГО РАСПРЕДЕЛЕНИЯ

К.Д. Астанақулов - д.т.н., доцент

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

А.Д. Расулов - базовый докторант, Научно-исследовательский институт механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье приведены результаты исследований по определению размеров зерен маша, корреляционной зависимости между ними и их фракционного распределения. Определено, что на сортах "Турон" с увеличением длины зерна маша с 4,6 до 6,5 мм их ширина увеличивается с 3,5 до 4,5 мм, на сортах "Дурдона" с увеличением длины зерен 4,3 до 6,2 мм их ширина увеличивается с 3,5 до 4,7 мм, на сортах "Кахрабо" с увеличением длины зерен 4,6 до 6,5 мм их ширина увеличивается с 3,5 до 4,8 мм и на сортах "Радость" с увеличением длины зерен 3,6 до 5,3 мм их ширина увеличивается с 3,0 до 4,0 мм. В результате экспериментов выявлено, что между шириной и толщиной зерна маша имеется зависимость и при этом коэффициент корреляции составляет в пределах 0,716–0,827. Очевидно, что при очистке зерен маша с фракционным разделением в качестве основного размера целесообразно принять ее ширину, исходя из фракционного состава 25 % рабочей поверхности решета должна быть предназначена для отделения зерен с шириной до 3,5 мм, 60 % для отделения зерен с шириной до 4,5 мм и 15 % для отделения зерен с шириной более 5 мм.

Ключевые слова: зерно маша, длина, толщина, ширина, коэффициент корреляции, зависимость, фракционный состав, очистка.

DETERMINATION OF CORRELATION AND DEPENDENCE AND FRACTIONAL DELIVERY OF MUNG BEAN GRAIN DIMENSIONS

K.D. Astanakov, d.t.s., associate professor, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

A.D. Rasulov - graduate student, scientific-research Institute for Agricultural Mechanization

Abstract

In the article it is presented that the results of research to determine the dimensions, correlation dependence and fractional distribution of mung bean grains. In "Turon" sort of mung bean, when the grain height increased from 4.6 mm to 6.5 mm and its width was 3.5 mm to 4.5 mm, while the "Durдона" sort increased from 4.3 mm to 6.2 mm, grain length from 3.5 mm to 4.7 mm, in "Kahrabo" sort - length from 4.6 mm to 6.5 mm and width from 3.5 to 4.8 mm, in sort "Radost" length from 3.6 mm to 5.3 mm, width from 3.0 mm to 4.0 mm. According to the experiment, there is a strong correlation between the width and thickness of the kernel grain, with the correlation coefficient ranging from 0.716 to 0.827. As it is seen, it is advisable to use the width of wax grain as its main criterion for fractional cleansing, and according to the fraction composition of the machine, the machine separates the fraction by 25% of the working surface up to 3.5 mm, 60% width and 4.5 mm. 15% should be designed to extract grains greater than 5.0 mm wide.

Key words: mung grain, length, thickness, width, correlation coefficient, dependence, fractional composition, cleaning.

Кириш. Дунё миқёсида ва республикамізда дуккакли экинларга, жумладан, мошга бўлган талаб ортиб бормоқда. Аини вақтда республикамізда мошнинг асосий ва ғалладан сўнг такрорий экин сифатида етиштириш кенг йўлга қўйилган бўлиб, етиштирилган ҳосил ички бо-

зорни тўлдириш билан бирга уни экспорт қилиш имконини ҳам бермоқда.

Аммо жаҳон бозорида экспорт қилинадиган мошга қўйиладиган муайян талаблар уни тозалаш ва саралаш ишларига жиддий эътибор қаратган ҳолда сифатли амал-

қалинлиги 3,31 мм. дан 4,84 мм. гача оралиқда ва “Радость” навида эни 2,96 мм. дан 3,96 мм. гача, қалинлиги 3,01 мм. дан 4,19 мм. гача оралиқда ўзгариши аниқланди.

Юқоридаги натижалар бўйича мош донининг узунлиги билан қалинлиги орасидаги боғлиқлик аниқланганда, “Турон” навида ўзаро боғлиқликни ифодаловчи корреляция коэффициентлари 0,477 ни, “Дурдона” навида 0,421 ни, “Қахрабо” навида 0,393 ни, “Радость” навида эса 0,469 ни ташкил этиши маълум бўлди.

Мош донининг узунлиги билан эни орасидаги корреляциявий боғлиқлик навида кўра коэффициентлари: “Турон” да 0,749 ни, “Дурдона” да 0,664ни, “Қахрабо” да0,696 ни, “Радость” даэса 0,486 ни ташкил этган бўлса, эни билан қалинлиги орасидаги корреляциявий боғлиқлик навида кўра коэффициентлари “Турон” да 0,716 ни, “Дурдона” да 0,741ни, “Қахрабо” да0,827 ни, “Радость” даэса 0,761 ни ташкил этди (2-жадвал).

Натижалар шуни кўрсатди, мошнинг барча навларида доннинг узунлиги билан қалинлиги орасида кучсизроқ корреляциявий боғлиқлик, узунлиги билан эни орасида ўртача ҳамда эни билан қалинлиги ўлчамлари орасида кучлироқ корреляциявий боғлиқликка эга экан.

Бундан кўринади, мош уруғини фракцияларга ажратиб

2-жадвал

Мош дони ўлчамларининг орасидаги корреляциявий боғлиқлик

№	Мош дони ўлчамларининг орасидаги корреляциявий боғлиқлик	Мошнинг навлари			
		Турон	Дурдона	Қахрабо	Радость
1	Узунлиги-қалинлиги	0,477	0,421	0,393	0,469
2	Узунлиги-эни	0,749	0,664	0,696	0,486
3	Эни-қалинлиги	0,716	0,741	0,827	0,761

тозалашда унинг асосий ўлчами сифатида энини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида келтирилган навларда мош донининг эни ва узунлиги орасида корреляциявий боғлиқлик даражасидан келиб чиқиб, уларнинг эни ва узунлиги бўйича тақсимоти ўрганиб чиқилди. Бунда мош донининг навида кўра узунлиги “Турон” да 4,6 мм. дан 6,5 мм. га уларнинг эни 3,5 мм. дан 4,5 мм, “Дурдона”да дон узунлиги 4,3 мм. дан 6,2 мм. га эни 3,5 мм. дан 4,7 мм, “Қахрабо”да дон узунлиги 4,6 мм. дан 6,5 мм. га эни 3,5 мм. дан 4,8 мм ва “Радость” да дон узунлиги 3,6 мм. дан 5,3 мм. га ортганда эни 3,0 мм. дан 4,0 мм. оралиғида бўлиши аниқланди (1-расм).

Юқоридаги ўлчамлар асосида навлар бўйича мош донлари энининг узунлигига боғлиқлигини ифодаловчи қуйидаги эмпирик ифодалар олинди:

“Турон” нави учун $b_w = 1,356 + 0,42l_w R^2 = 0,986$ (2)

“Дурдона” нави учун $b_w = 2,063 + 0,379l_w R^2 = 0,946$ (3)


“Қахрабо” нави учун $b_w = 1,723 + 0,437l_w R^2 = 0,967$ (4)

“Радость” нави учун $b_w = 2,278 + 0,267l_w R^2 = 0,972$ (5)


Ушбу эмпирик ифодалар мош донининг узунлиги ва эни орасидаги боғлиқликни 94,6–98,6 фоиз ($R^2=0,946-0,986$) аниқлик билан ифодалайди.

Мош донлари ўлчамларининг орасидаги корреляциявий боғлиқлик ва уларнинг тақсимоти асосида EXCEL дастуридан фойдаланиб, уларнинг <3 мм; 3,0–3,5 мм; 3,5–4,0 мм; 4,0–4,5 мм ва >4,5 мм ўлчамлар бўйича фракциявий тақсимоти ҳам аниқлаб чиқилди (2-расм).

Олинган натижаларга кўра, эни 3,0 мм. гача бўлган донлар миқдори “Турон”, “Дурдона”, “Қахрабо” ва “Ра-



1-расм. Мош донларининг узунлиги (l) ва эни (b) орасидаги корреляцион боғлиқлик графиги



2-расм. Мош дони энининг ўлчами бўйича тақсимоти

дость” навларида 1 фоизгачани, эни 3,0 мм. дан 3,5 мм. гача бўлган донлар миқдори “Турон”, “Дурдона” ва “Қахрабо” навларида 1,2–3,5 фоизни, “Радость” навида эса бирмунча юқори, яъни 51,3 фоизни, эни 3,5 мм. дан 4,0 мм. гача бўлган донлар миқдори “Турон” навида 40,5 фоизни “Дурдона” навида 35,3 фоизни, “Қахрабо” навида 27,8 фоизни ва “Радость” навида 46,9 фоизни, эни 4,0 мм. дан 4,5 мм. гача бўлган донлар миқдори “Турон” навида 52,3 фоизни “Дурдона” навида 50,3 фоизни, “Қахрабо” навида 58,3 фоизни ва “Радость” навида эса 0,7 фоизни ва эни 4,5 мм. дан катта бўлган донлар миқдори “Турон” навида 5,0 фоизни, “Дурдона” навида 10,8 фоизни ва “Қахрабо” навида 12,7 фоизни ташкил этган бўлса, “Радость” навида мазкур ўлчамдаги донлар кузатилмади.

Хулоса. Ўтказилган тажрибаларга кўра навларга қараб мош донининг эни билан қалинлиги орасидаги корреляциявий боғлиқлик коэффициенти 0,716–0,827 оралиғида бўлди, кучли боғлиқликка эга ва мош уруғини фракцияларга ажратиб тозалашда унинг асосий ўлчами сифатида энини қабул қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда мош донини фракцияларга ажратиб тозалайдиган машина ғалвиришчи юзасининг 25 фоизи эни 3,5 мм. гача, 60 фоизи эни 4,5 мм. гача ва 15 фоизи эни 5,0 мм. дан юқори бўлган донларни ажратиб олишга мўлжалланган бўлиши керак.

№	Адабиётлар	References
1	Астанақулов К.Д., Расулова Д. Дуккакли экинлар домини фракцияларга ажратиш ва тозалаш қурилмасини ишлаб чиқишга доир // "Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бошоқли дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги Ҳалқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Қарши, 2018. – Б. 178-180.	K.D.Astanakulov, A.D.Rasulov. <i>Dukkakli ekinlar donini fraksiyalarga azhratish va tozalash kurilmasini ishlab chikishga doir</i> [About development of equipment for separating to the fractions and cleaning the grain of the leguminous crops]. Future of development and condition of agro technologies of selection of the cereal crops, seed culturing and producing in the western regions of Uzbekistan: Collection of materials of the international scientific-applied conference. Karshi, 14–15 of May, 2018. Pp.178-180. (in Uzbek)
2	Mohsenin N.N. Physical Properties of Plant and Animal Materials. Gordon and Breach Science Publishers. New York, 1980. Pp. 90–100.	Mohsenin N.N. Physical Properties of Plant and Animal Materials. Gordon and Breach Science Publishers. New York, 1980. Pp. 90–100.
3	Wieneke F. Coefficient of friction of plants and fibers. Landtechnische Forschung. Berlin, 1956. No 5. Pp. 146–151.	Wieneke F. Coefficient of friction of plants and fibers. Landtechnische Forschung. Berlin, 1956. No 5. Pp. 146–151.
4	Kalkan F., Kara M. Handling, frictional and technological properties of wheat as affected by moisture content and cultivar. Powder Technology. 2011. № 213. Pp.116–122.	Kalkan F., Kara M. Handling, frictional and technological properties of wheat as affected by moisture content and cultivar. Powder Technology. 2011. No 213. Pp. 116–122.
5	Бурмистрова М.Ф. Физико-механические свойства сельскохозяйственных растений. – Москва: – 1956. – 164 с.	Burmistrova M.F. <i>Fiziko-mekhanicheskie svoystva sel'skokhozyaystvenno'kh rasteniy</i> [Physical-mechanical properties of agricultural plants]. Selkhozgiz, Moscow, 1956. 164 p. (in Russian)
6	Hauhouot-O. Hara M., Criner B.R., Brusewitz G.H., Solie J.B. Selected Physical Characteristics and Aerodynamic Properties of Cheat Seed for the Separation from Wheat. Agricultural Engineering International: the CIGR Journal of Scientific Research and Development. July 2000. Vol. II. Pp. 1–14.	Hauhouot-O. Hara M., Criner B.R., Brusewitz G.H., Solie J.B. Selected Physical Characteristics and Aerodynamic Properties of Cheat Seed for the Separation from Wheat. Agricultural Engineering International: the CIGR Journal of Scientific Research and Development. July 2000. Vol. II. Pp. 1–14.
7	Shimelis E., Meaza M., Rakshit S. Physico-chemical Properties, Pasting Behavior and Functional Characteristics of Flours and Starches from Improved Bean (<i>Phaseolus vulgaris</i> L.) Varieties Grown in East Africa. Agricultural Engineering International: the CIGR Ejournal. Manuscript FP 05 015. Vol. VIII. February, 2006. Pp. 1–19.	Shimelis E., Meaza M., Rakshit S. Physico-chemical Properties, Pasting Behavior and Functional Characteristics of Flours and Starches from Improved Bean (<i>Phaseolus vulgaris</i> L.) Varieties Grown in East Africa. Agricultural Engineering International: the CIGR Ejournal. Manuscript FP 05 015. Vol. VIII. February, 2006. Pp. 1–19.
8	Azadbakht M., Ghajarjazi E., Abdi-Gaol F., Amiri E. Determination of some physical and mechanical properties of Barkat variety of broad bean. Agricultural Engineering International: CIGR Journal Open access at http://www.cigrjournal.org . September, 2015. Pp. 1–12.	Azadbakht M., Ghajarjazi E., Abdi-Gaol F., Amiri E. Determination of some physical and mechanical properties of Barkat variety of broad bean. Agricultural Engineering International: CIGR Journal Open access at http://www.cigrjournal.org . September, 2015. Pp. 1–12.
9	Khoshtaghaza M., Mehdizadeh R. Aerodynamic Properties of Wheat Kernel and Straw Materials. Agricultural Engineering International: the CIGR Ejournal. Manuscript FP 05 007. Vol. VIII. March, 2006. Pp. 1–10.	Khoshtaghaza M. and Mehdizadeh R. Aerodynamic Properties of Wheat Kernel and Straw Materials. Agricultural Engineering International: the CIGR Ejournal. Manuscript FP 05 007. Vol. VIII. March, 2006. Pp. 1–10.
10	Каримов Ё.З. Донли аралашманинг айрим хоссалари ва улар асосида такомиллашган дон тозалаш машинасини ишлаб чиқиш // Фермер хўжаликларида агроинженерия хизматларини ривожлантиришнинг муаммолари: Республика илмий-амалий конференция маърузалар матни. 30-31 май 2008. – Гулбаҳор: ЎзМЭИ, 2008. – Б.215–219.	Karimov Y.Z. <i>Donli aralashmaning ayrim khossalari va ular asosida takomillashgan don tozalash mashinasini ishlab chikish</i> [Some properties of grain mass and development improved grain cleaning machine] Problems of development for agro engineering in farms: collections of lectures of scientific-applied conference of the Republic. 30–31 of May 2008. Gulbakhor: O'zMEI, 2008. Pp.215–219. (in Uzbek)
11	Астанақулов К.Д., Очилдиев О.Ш., Каримов М. Айрим бугдой навларининг физик-механик кўрсаткичларини аниқлашга доир // "Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси қишлоқ хўжалиги самарадорлигининг муҳим омили" мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Самарқанд, СамҶИ. II қисм, 2013. – Б. 134-136.	Astanakulov K.D., Ochilidiyev O.Sh., Karimov M.R. <i>Ayrim bugdoy, navlarining fizik-mekhanik kursatkichlarini aniklashga doir</i> [About determination of physical-mechanical indexes the some sorts of the wheat] The integration of science and manufacturing is an important factor of productivity of the agriculture: Collection of materials of scientific-applied conference of the Republic. Samarkand. SamIA. II-part, 2013. Pp. 134–136. (in Uzbek)
12	Астанақулов К.Д. Свойства пшеницы как основание для проектирования зерноуборочных машин // Ж.: Сельское хозяйство Узбекистана. – Ташкент, 2001. – № 5. – С. 36-37.	Astanakulov K.D. <i>Svoystva pshenitso kak osnovanie dlya proektirovaniya zemuborochnykh mashin</i> [Property of the wheat as a base for projecting cereal-harvesting machine] Agriculture of Uzbekistan. Tashkent, 2001. No. 5. Pp.36–37.
13	Simonyan K.J., El-Okene A.M., Yiljev Y.D. Some Physical Properties of Samaru Sorghum 17. Agricultural Engineering International: the CIGR Ejournal Manuscript FP 07 008. Vol. IX. August, 2007. Pp. 1–15.	Simonyan K.J., El-Okene A.M., Yiljev Y.D. Some Physical Properties of Samaru Sorghum 17. Agricultural Engineering International: the CIGR Ejournal Manuscript FP 07 008. Vol. IX. August, 2007. Pp. 1–15.
14	Ajit K.M., Daniel E., Ekefre N.K., Pattanaik U.J., Archie L.W., Latimore M. Thermal properties of sweet sorghum bagasse as a function of moisture content. Agricultural Engineering International: CIGR Journal Open access at http://www.cigrjournal.org December, 2017. Pp. 1–6.	Ajit K.M., Daniel E., Ekefre N.K., Pattanaik U.J., Archie L.W., Latimore M. Thermal properties of sweet sorghum bagasse as a function of moisture content. Agricultural Engineering International: CIGR Journal Open access at http://www.cigrjournal.org December, 2017. Pp. 1–6.

15	Aviara N.A., Mamman E., Umar B. Some physical properties of balanitesaegyptiaca nuts.Biosystems Engineering,2005.92(3): Pp. 325–334.	Aviara N.A., Mamman E., Umar B. Some physical properties of balanitesaegyptiaca nuts.Biosystems Engineering, 2005.92(3): Pp. 325–334.
16	Ayman H., Amer E., Mohamed M.A., Moustafa H., Abdul R.O.A. Moisture dependent physical and mechanical properties of chickpea seedsInternational Journal of Agriculturaland Biological Engineering, 2010.3(4): Pp. 80–93.	Ayman, H., Amer E., Mohamed M.A., Moustafa H., Abdul R.O.A. Moisture dependent physical and mechanical properties of chickpea seedsInternational Journal of Agriculturaland Biological Engineering, 2010.3(4): Pp. 80–93.
17	Singh H.J., Dipankar De., Sahoo P.K. Physical properties of soybean cultivated in NEH region of IndiaAgricultural Engineering International: CIGR Journal Open access at http://www.cigrjournal.org .September,2014. Pp.1–5.	Singh H.J., Dipankar De., Sahoo P.K. Physical properties of soybean cultivated in NEH region of IndiaAgricultural Engineering International:CIGR Journal Open access at http://www.cigrjournal.org . September, 2014. Pp.1–5.
18	Tavakoli H.,Rajabipour A.,Mohtasebi S.S. Moisture-Dependent Some Engineering Properties of Soybean Grains Agricultural Engineering International: the CIGR Ejournal. Manuscript 1110. Vol. XI. February, 2009. Pp. 1–14.	Tavakoli H.,Rajabipour A.,Mohtasebi S.S. Moisture-Dependent Some Engineering Properties of Soybean GrainsAgricultural Engineering International: the CIGR Ejournal. Manuscript 1110. Vol. XI. February,2009. Pp. 1–14.
19	Chukwu, O., OrhevbaB.A. Determination of selected engineering properties of soybean (glycine max) related to design of processing machine Journal Agricultural Food Technology, 2011. 1(6): Pp. 68–72.	Chukwu, O., OrhevbaB.A. Determination of selected engineering properties of soybean (glycine max) related to design of processing machineJournal Agricultural Food Technology, 2011. 1(6): Pp. 68–72.
20	Астанақулов К.Д. Соя ва унинг донининг физик-механик ҳамда ўримбоплик хоссаларни аниқлаш. Агроилм – Тошкент, 2018. Махсус сон. – Б. 53-54.	Astakulov K.D. <i>Soya va uning donining fizik-mekhanik khamda urimboplik khossalarni aniklash</i> [Determination of physical–mechanical and harvesting condition properties of the soybean and its grain] // Agro Science. Tashkent, 2018. Special edition. Pp. 53–54. (in Uzbek)
21	Deshpande S.D., Bal S., OjhaT.P. Physical properties of soybean.Journal of Agricultural Engineering Research, 1993. Pp. 89-98.	Deshpande, S.D., Bal S., OjhaT.P. Physical properties of soybean. Journal of Agricultural Engineering Research, 1993, Pp. 89-98.
22	AjibolaO.O., OniS.A., Aviara N.A.Sorption equilibrium and thermodynamic characteristics of soyabean.Biosystems Engineering 87(2): 2004. Pp.179–190.	AjibolaO.O., OniS.A., Aviara, N.A.Sorption equilibrium and thermodynamic characteristics of soyabeanBiosystems. Engineering 87(2): 2004. Pp. 179–190.
23	Усмонова Г. MS Exselda ishlash asoslari. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2006. – 52 б.	Usmonova G. <i>MS Exselda ishlash asoslari</i> [Base of working by MS Excel].Tashkent: Scienceand Technology, 2006. 52 p. (in Uzbek)
24	Кобзарь А.И. Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва: Физматлит, 2006. – 816 с.	Kobzar A.I. <i>Prikladnaya matematicheskaya statistika</i> [Applied mathematical statistics]. For engineers and scientific–employees. Moscow: PhysMathlit, 2006.816 p. (in Russian)
25	Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва: Агропромиздат, 1985. – 347 с.	Dospikhov B.A. <i>Metodika polevogo opyta</i> [Method of field experiment]. Moscow: Agropromizdat, 1985. 347 p. (in Russian)

SUBSTITUTION OF THE WORKING BODY PARAMETERS FOR LUBRICATION OF SOIL WHEEL BEARING SEEDS OF PASTURE AND ORNAMENT PLANTS

УЎТ: 631.316.

ЧЎЛ ЯЙЛОВ ОЗУҚАБОП ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ УРУҒЛАРИНИ ЭКИШДА ТУПРОҚНИ ЮМШАТАДИГАН ИШЧИ ҚУРОЛ ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

А.К. Игамбердиев - т.ф.д., проф.в.б., Э.Т. Фармонов - докторант

Ташкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада чўл яйлов озуқабоп ўсимликлар ҳосилдорлигининг камлиги чорвачиликни ривожлантириш, уларнинг сонини сақлаб қолиш ва оширишда муаммолар мавжудлиги, табиий ёввойи ҳолда ўсадиган истиқболли чўл озуқабоп ўсимликларнинг экишни механизациялаш ҳисобига яйловлар ҳосилдорлигини табиий кўпайишига нисбатан 2–10 маротабага ошириш мумкинлиги, озуқабоп чўл экинлари уруғларининг физик-механик хоссаларини бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг физик-механик хоссалари ва экишга қўйиладиган агротехник талаблардан кескин фарқ қилиши, қишлоқ хўжалиги экинларининг экишга мўлжалланган сеялкаларни қайта-жиҳозлаб ишлатиш ижобий натижа бермаётганлиги сабабли уруғларнинг механик таъсир кўрсатмайдиган сифатли экадиган технология ва кенг қамровли универсал сеяланинг тупроқни юмшатадиган ишчи қуролнинг янги конструкцияси тавсия қилинган ва параметрларини асослаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Бунинг учун ишчи қуролларни ўтли тупроққа экишга йўл-йўл қилиб сифатли ишлов бериши учун грядилга 10–12 см. кенгликда, 10–12 см. чуқурликда 2 қатор ҳамда 2 қатламда жойлаштириш, тупроқни сирпаниб кесувчи конструктив ўткирланиш бурчагини $2\beta = 52^\circ$, қалинлигини $S_n = 6 \text{ мм.}$ қийматлари мақбул бўлиши келтирилган.

Таянч сўзлар: чўл, ўсимлик, уруғ, чорвачилик, ишлов бериш, экиш, сеялка, ҳосилдорлик.

ОБОСНОВАНИЕ ПАРАМЕТРОВ РАБОЧЕГО ОРГАНА ДЛЯ РЫХЛЕНИЯ ПОЧВЫ ПРИ ПОСЕВЕ СЕМЯН ПАСТБИШНЫХ И ПУСТЫННЫХ РАСТЕНИЙ

А.К. Игамбердиев - д.т.н., и.о.проф., Э.Т. Фармонов - докторант

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье приведены результаты исследований по обоснованию параметров новой конструкции рабочего органа для полосовой обработки почв широкозахватной универсальной сеялкой, способной обеспечить качественный посев семян пустынных растений без повреждений, решению проблем низкой урожайности перспективных дикорастущих пустынных кормовых растений, сохранения и увеличения численности каракулеводческого стада, за счет механизации посева и увеличения продуктивности пастбищ, в 2–10 раз, так как из-за физико-механических свойств семян пустынных кормовых растений, резко отличающихся от таковых сельскохозяйственных культур, положительные результаты от применения посевных агрегатов не достигаются. Для увеличения продуктивности и качественного посева семян пустынных кормовых растений предложен рабочий орган для полосовой обработки почв при посеве шириной 10–20 см., глубиной 10–20 см., который установлен на грядиле в 2 ряда, с рациональным углом заточки режущей части, равной $2\beta = 52^\circ$, толщиной ножа, $S_n = 6 \text{ мм.}$

Ключевые слова: пустыня, растение, семена, животноводство, обработка, посев, сеялка, урожайность.

SUBSTANTIATION OF THE WORKING BODY PARAMETERS FOR LUBRICATION OF SOIL WHEN SEEDING SEEDS OF PASTABLE AND DESERT PLANTS

А.К. Igamberdiyev - DSc., professor, E.T Farmonov. - doctoral student

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

The article presents the results of studies to justify the parameters of the new design of the working body for strip soil treatment with a wide-spread universal seeder, capable of providing high-quality sowing of seeds of desert plants without damage, solving low yield problems of promising wild desert fodder plants, preservation and increase in the number of Astrakhan herds, due to mechanization of sowing and increase in productivity of pastbish, by 2–10 times, since due to the physicommechanical properties of seeds of desert fodder plants, which are very different from those of agricultural crops, positive results from the use of sowing units are not achieved to increase productivity and high-quality sowing of seeds of desert fodder plants, and a working body is proposed for strip tillage when sowing 10–20 cm wide, 10–20 cm deep, at the second one is mounted on the bed in 2 rows, with a rational sharpening angle of the cutting part equal to $2\beta = 52^\circ$, knife thickness, $S_n = 6 \text{ мм.}$

Key words: Desert, plant, seeds, animal husbandry, processing, sowing, seeder, productivity.

Кириш. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, деярли бар вақтнинг ўзида Ўрта Осиёнинг қатор илмий-тадқиқот институтиларида табиий ёввойи чўл озуқабоп ўсимликларининг маданийлаштириш бўйича кенг кўламадаги илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, яй-

ловларни яхшилаш мақсадида Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти (ҚЧЭИТИ), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника институти ва бошқа қатор илмий-тадқиқот институтларининг олимлари ва мутахассислари томонидан Ўрта Осиё ва Қозғистон-

да табиий флорадан 259 турдаги 29 таси табиий ёввойи ҳолда ўсадиган истиқболли чўл озуқабоп ўсимликларидан юқори ҳосилдорлиги ва абиотик кескин ўзгарувчан омилларга чидамли чўл озуқабоп ўсимликлари синовдан ўтказилган ва табиий яйловларни яхшилаш учун фойдаланишга тавсия қилинган. Шу даврларда академик Л.С.Гавевская, профессорлар З.Ш. Шамсутдинов, М.М.Махмудов, катта илмий ходим В.Ю.Шегай ва бошқа тадқиқотчилар томонидан бу соҳада олиб борилган тадқиқотлар асосли ёритилиб борилган [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10]. Уларнинг ҳулосаларига кўра, чўл ва ярим чўл яйловлари ҳолатини табиий ёввойи ҳолда ўсадиган истиқболли озуқабоп чўл ўсимликларини экиш билан яхшилаш яйловлар ҳосилдорлигини табиий кўпайишига нисбатан 2–10 маротабага ошиши мумкинлиги исботланган [11].

Шу мақсадда Қозоғистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтида (КазНИИМЭСХ) прутняк (изен)ни экиш учун қайта жиҳозланган СТН-2,8 сеялкаси ва маккажўхори донини экиш сеялкаси СКГН-6К қўлланилинган [12]. Булар қаторида ушбу илмий-тадқиқот муассасасида сочилмайдиган яйлов ўсимликлари уруғларини қаторлаб ва ёппасига ҳаво оқими билан экадиган махсус сеялка ҳам ишлаб чиқилган [13].

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ)да чўл озуқабоп ўсимликлар уруғларини экиш учун СУ-24 сеялка базасида махсус роторли экиш аппаратига эга бўлган сеялка ишлаб чиқилган. Шунингдек, изен уруғини экиш учун қайта жиҳозланган СТУК-47 сеялка ҳам тавсия қилинган [14].

Ўрта Осиё ўрмончилик илмий-тадқиқот институтида (СредаЗНИИЛХ) дискли экиш аппаратига эга ва уруғларни ерга ҳаво оқими билан ташлайдиган уйғунлашган махсус ССТ-3 сеялка ишлаб чиқилган. Бу сеялка шудгорланган майдонларда саксовул ва изен уруғларини экиш учун мўлжалланган [15].

Кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили. Таҳлиллар озуқабоп чўл экинлари уруғини экадиган ва ишлаб чиқариш талабини қаноатлантирадиган сеялка мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бунинг асосий сабабларидан бири озуқабоп чўл экинлари уруғларининг физик-механик хосаларининг бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг физик-механик хосаларидан кескин фарқ қилиши, қишлоқ хўжалиги экинларини экишга мўлжалланган сеялкаларни тўғридан-тўғри қўллаш, уларни қайта жиҳозлаб ишлатиш ижобий натижа бермаётганлиги ҳисобланади.

Бундан ташқари истиқболли табиий ёввойи чўл озуқабоп ўсимликлари билан яйловларнинг яхшилаш ишлари, уларнинг таназзули билан курашиш ҳозирги кунга қадар асосан муайян шароитларга мос келмайдиган қишлоқ хўжалиги техникалари базасида олиб борилмоқда. Чўл-яйлов чорвачилиги учун умумқабул қилинган аниқ машиналар мажмуаси мавжуд эмаслиги яйловларни яхшилаш ишларини катта ҳажмда сифатли бажариш ва сифатли унувчан уруғларни ишлаб чиқариш имконини бермаяпти.

Яйлов озуқабоп ўсимликлар уруғларини уруғ етиштириш хўжаликларида экишнинг мавжуд ҳолати ҳам замонавий талабларга жавоб бермайди. Яйловлар маҳсулдорлигини ошириш муаммолари, шунингдек, уруғ ишлаб чиқариш, уруғларни экиш меъёри ва саёз чуқурликда қандаш бўйича агротехник талабларни қаноатлантирадиган экиш агрегатларининг етишмаётганлиги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Илмий муассасалар мутахассисларининг чўл яйловларнинг ҳозирги ҳолати бўйича ҳулосаларига кўра, Ўзбекистон чўл яйловлари хўжалик белгиларига кўра 3 асосий типга ажратилган. Ўзбекистон чўл яйловларининг

40 фоизидан турли даражадаги яйловлар таназзули юзага келган [16] ва уларнинг ўртача ҳосилдорлиги 21 фоизга камайган [18]. Таназзулга учраган ва биринчи навбатда яхшиланиши керак бўлган яйловлар республикада 8,0 млн. гектарга яқин майдонни ташкил қилади.

Масаланинг қўйилиши. Маълумки, республикамиз ҳудудининг 60 фоиздан ортиқ қисми чўл яйлов ерлар эгаллаган ўта қурғоқчил минтақа ҳисобланади ва фақат 80–340 мм. дан ортмайдиган атмосфера ёғин-сочин миқдори ҳисобига чўл ўсимликлари ўсади. Шу майдонларнинг 20 млн гектари чорвачиликка ажратилган. Масаланинг долзарблиги шундаки, ҳозирги кунда, чўл яйловларидан йўғиб олинмайдиган озуқабоп ўсимликларнинг ҳосилдорлиги (қуруқ масса ҳисобида) гектаридан 1,5–3,0 центнердан ортмайди. Бундай кам ҳосилдорлик билан боқилмайдиган қорақўл қўйлари ва бошқа чорва моллари сонини кўпайтириш, ҳатто уларнинг сонини сақлаб қолиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда озуқабоп экинлар уруғларини механизациялашган ҳолда экишни амалга ошириш мақсадида, қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғини экишга мўлжалланган, қисман жиҳозланган сеялкаларнинг тажриба намуналари ва бошқа турдаги экиш машиналари ишлатилмоқда [18, 19]. Бундай сеялкаларнинг асосий камчилиги уруғ миқдорлагич аппаратларининг чўл озуқабоп экинларининг уруғини экишга мўлжалланмаганлиги ҳисобланади. Чунки, озуқабоп чўл экинларининг уруғлик аралашмалари физик, механик ва аэродинамик хоссалари билан бошқа уруғларнинг хоссаларидан кескин фарқ қилади, яъни уруғлари майда, енгил, мўрт, ҳажмий ва абсолют оғирлик қийматлари кичик, эзилиши, янчилиши ҳисобига биологик унувчанлик хусусиятининг йўқотиши, сифатсиз экилиши ҳисобланади. Шу боис чўл озуқабоп ўсимликлар уруғини экишга қўйилмайдиган агротехник талаблар бошқа қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини экишга қўйилмайдиган агротехник талаблардан фарқ қилади.


Чўл ва ярим чўл яйловларнинг ҳолатини яхшилаш ва улардан самарали фойдаланиш истиқболли йўларига оид илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришда тезроқ жорий этиш шу куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Юқорида баён қилинган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган илмий ечимлардан яна бири озуқабоп чўл ўсимликлари уруғларининг экишни механизациялаштириш ҳисобланади.

Ечиш усули. Чўл яйловларни озуқабоп ўсимликлар экиш йўли билан ҳосилдорлигини 2–5 маротабагача кўпайтириш, табиий ҳолатини яхшилаш истиқболли ҳисобланади. Бунинг учун биринчи навбатда табиий ҳолда ўсадиган юқори ҳосилли озуқабоп экинларнинг сифатли уруғларини тайёрлаш ва экишни механизациялаштириш тавсия этилади. Кўп йиллик олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида уруғларнинг экишда уларга деярли механик таъсир кўрсатмайдиган, озуқабоп чўл экинлари уруғларини сифатли экадиган технология ва кенг қамровли универсал сеялка тавсия қилинди. Бунинг учун озуқабоп чўл ўсимликлари уруғларининг экиш технологик жараёнини яхшилаш, уруғ сарфи ва исрофгарчилигини камайтириш усули тавсия этилди.


Тавсия этилаётган илмий-тадқиқот усули қорақўлчилик соҳасини янада ислоҳ қилишни таъминлаш, соҳада наслчилик ишларини илмий асосда йўлга қўйиш ва жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган сифатли қорақўл териларини етиштириш, Бухоро қорақўл териларининг нуфузини қайта тиклаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, қорақўлчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва яйловлардан самарали фойдаланишнинг ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Пре-

идентити томонидан 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сонли қарориди: чўл ҳудудларида озуқа ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг илмий ва амалий асосларини яратиш, чўл озуқабоп ўсимликлар истиқболли навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, чўл озуқабоп кинларни уруғликларни етиштириладиган майдонларда алғор агротехник тадбирларни жорий қилиш, ушбу майдонларни сифатли уруғликлар билан таъминлаш ва уруғлик етиштириш ҳажмини ошириш, яйловларнинг тупроқ ҳолатини шароитларини ҳисобга олган ҳолда мос навларни танлаш ва уларнинг уруғларини жадал кўлайтириш; инқизозга учраган яйлов майдонларини аниқлаш ва уларни тиклаш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш учун чўл озуқабоп кинларни экиш ишларини ташкил этиш, қоракўлчиликка ҳисислашган хўжаликларнинг талабига асосан озуқабоп кинлар уруғларини етказиб бериш каби белгилаб берилган асосий вазифалар асосида амалга оширилиши кўзда тутилади.

Асосий қисм. Тавсия этилаётган технологик жараёнда чўл яйлов озуқабоп ўсимликларининг уруғини яхши экишга тайёрланган тупроққа экиш кўзда тутилади. Чўл яйлов озуқабоп ўсимликларининг уруғларини экишда тупроқнинг таълим оралик масофада йўл-йўл қилиб (1-расм) юмшаиш технологияси ва уни бажарадиган иш органлар параметрларини асослаш бўйича олиб борилган илмий излаишлар натижалари агротехник талаб даражасида бегона симликлар ўсадиган ва уларнинг қолдиқлари бор тупроқнинг сифатли экишга тайёрлашга мосланган ёйсимон пичоқ шаклидаги иш органнинг янги конструкцияси яратилди (2-расм) [20].



1-расм. Озуқабоп чўл ўсимликларининг уруғларини йўл-йўл қилиб экиш технологияси схемаси



2-расм. Ёйсимон пичоқ шаклидаги тупроқни юмшатадиган янги иш органнинг схемаси


Тавсия этилаётган технология ва ёйсимон пичоқ шаклидаги иш органлар ўсимлик ва уларнинг қолдиқлари бўлган тупроқларнинг 10–12 см кенгликда ва 10–12 см чуқурликкача сифатли юмшатишни таъминлайди.

Технологик жараёнга кўра грядилга кулф ёрдамида қорилган ёйсимон пичоқнинг бўйлама вертикал текисликда ўткирилган тиғи билан ҳаракат йўналишига қаратилган шаклида ўтли тупроқнинг юмшатиш орқали амалга оширилади. Иш органнинг конструкцияси ясси дискнинг ¼ бўлағига тенг сектордан қирқиб олинган ёки логарифмик спирал

кўринишдаги шаклга эга бўлиши назарда тутилади (2-расм).

Таклиф этилаётган иш органнинг техник афзаллиги шундаки, унинг конструкцияси содда, кам метал сўғимли, технологик ростлаш учун кам вақт сарф қилиши ва мустаҳкам ишлаши билан бошқа иш органлардан фарқ қилади ҳамда конструктив афзалликка эга.

Иш органларни кулф ёрдамида грядилга маҳкамланиши уларнинг тупроққа белгиланган ишлов бериш чуқурлиги ва кенгликда ростлаш имконини беради. Ёйсимон пичоқ ўткирилган тиғи билан сирпаниб ўтли тупроққа енгил ботади ва ишлов бериш жараёнида уни сифатли уваланган ҳолга келтиради (3-расм).



3-расм. Ёйсимон пичоқли иш органнинг асосий параметрлари

Агротехника талаби бўйича иш органлар ўтли майдон кўндаланг кесими бўйича икки томондан 5–6 см масофада қаторлаб ростланади (2-расм). Иш органлар озуқабоп чўл ўсимликларининг уруғларини йўл-йўл қилиб экишга тайёрлаш учун шу йўлакчаларга ишлов бериш чуқурлиги ва кенглиги бўйича 2 қатор ўрнатилади. Иш органлар конструктив шаклининг қулайлиги уларнинг тезкор ишлашини таъминлайди ҳамда грядилга икки қатор жойлаштириш имконини беради.

Ёйсимон пичоқ шаклидаги иш орган ўтли тупроқнинг сифатли сирпаниб кесиб юмшатиши учун тупроқ ва ўсимликни сирпаниб кесиб кетиши лозим. Пичоқ тиғининг ўтмаслашиши тупроқ қатламини яхши юмшатмаслиги, ўсимлик ва унинг қолдиқларини кесмаслиги мумкин. Шунинг учун кесилмаган ўсимлик ва унинг қолдиқлари илашиб қолмаслиги учун пичоқ тиғи бўйлаб сирпаниш шартини бажариши керак. Демак, иш органи тупроқ қатламини сирпаниб кесмаса, ўсимлик ва унинг қолдиқлари ҳам сирпанимайди ҳамда кесилмайди.

Шунинг учун сирпаниш шarti қуйидагича бўлиши керак

$$\gamma < 90^\circ - \max(\varphi_c, \varphi_\phi) \quad (1)$$


бунда: φ_c - ўтли тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги, град; φ_ϕ - ўсимликларнинг ташқи ишқаланиш бурчаги, град.

Ёйсимон пичоқ шаклидаги иш орган тупроқни сирпаниб, кесиб ёки майдалаб кетиши инobatга олинган ва мақбул мезон сифатида унинг тиғидан ўтадиган бегона ўтлар сони қабул қилинган. Бунинг учун пичоқнинг юмшатиш чуқурлигига тенг қисмини γ бурчак билан ҳаракатланаётган чархланган пичоқ шаклида бўлади деган шарт қабул қилинган.

Фараз қилайлик, пичоқнинг AB тиғи v тезлик билан ҳаракатланаётган бўлсин (4-расм). Дастлаб бегона ўсимлик танаси тиғининг A нуқтасидан R куч таъсир этадиган йўналиш бўйича ҳаракатланиб, тиғ бўйлаб B₁ нуқтадан чиқиб кетгунча сирпансин (агар қирқилмаган бўлса).

Шу даврда тиғ l масофани босиб ўтсин.

$$\text{бунда: } l = l_1 + l_2; \quad l_1 = h_{\text{мг}} \text{ctg}\gamma; \quad l_2 = h_{\text{мг}} \text{tg}(\gamma + \varphi_\phi)$$



4-расм. Пичоқнинг мақбул тупроққа ботиш бурчагини аниқлаш схемаси

Агар $\cos(\gamma + \varphi_c) = \sin \gamma$, $\cos(\gamma + \varphi_c) = \cos(90 - \varphi_c)$, ёки $\gamma + \varphi_c = \pi/2 - \gamma$ эканлигини инобатга олсак, у ҳолда


$$\gamma = \frac{\frac{\pi}{2} - \max(\varphi_c; \varphi_\gamma)}{2} \quad (2)$$

(2) ифода орқали φ_c ва φ_γ ташқи ишқаланиш бурчларнинг максимал қийматларини мос ҳолда ($\varphi_c \approx 290-330$) ($\varphi_\gamma \approx 200-360$) инобатга олиб [21, 22, 23], пичоқнинг тупроққа ботиш бурчаги ўртача $\gamma = 29^\circ-31^\circ$ оралиғида топилди. Пичоқ секторининг эгрилик радиусини тупроққа ботиш бурчагидан келиб чиқиб схемадан (4-расм) аниқлаб олинди.

$$R = \frac{h_{\max}}{\operatorname{tg} \gamma \cdot \sin(\pi - \gamma - \varphi_{\gamma m})} \quad (3)$$

Бунда: h_{\max} - пичоқнинг тупроққа ботиш чуқурлиги, см; $\varphi_{\gamma m}$ - тупроқ ва ўсимликнинг ташқи ишқаланиш бурчларининг умумлашган қиймати.

(3) ифода пичоқ секторининг эгрилик радиусини тупроққа ботиш чуқурлиги ва бурчагига боғлиқлигини ифодалайди. Пичоқнинг тупроққа ботиш чуқурлиги эгрилик радиусига сезиларли ва ишқаланиш бурчаги кам таъсир этишини график таҳлилидан аниқлаш мумкин (5-расм).



5-расм. Пичоқ сектори эгрилик радиусининг тупроққа ботиш чуқурлиги ва ишқаланиш бурчагига боғлиқлик графиги


Пичоқнинг тупроққа ботиш чуқурлигининг $h_{\text{юм}} = 8$ см, ташқи ишқаланиш бурчагининг ўртача $\varphi_{\text{юм}} = 300^\circ$ ва тупроққа ботиш бурчагининг ўртача $\gamma = 30^\circ$ қийматларида секторининг эгрилик радиуси $R = 158$ мм. га тенг эканлигини аниқланган.

Пичоқ тиғининг ўткирлини бурчаги мақбул тупроққа ботиш бурчаги билан v йўналиш бўйича ҳаракатини давом

этирганда $A-A$ кесим бўйича ҳосил бўлган β' га тенг бўлади (3-расм).

Пичоқ тиғи сирпаниб кесишида $\xi > \varphi_c$ ёки $N_m > F_{\max}$ шартлар ишқаланиш кучининг энг катта қийматиغا етганини кўрсатади, лекин у нормал босимнинг ташкил этувчиси N_m ни мувозанатда сақлай олмайди.

Шунинг учун m нуқтадаги тупроқ заррасининг пичоқ тиғи бўйича сирпаниши $N_m - F_{\max}$ кучлар таъсирида рўй беради. Шу муносабат билан m нуқтадаги тупроқ заррасига бир вақтнинг ўзида N_m ва $N_m - F_{\max}$ ёки N ва F_{\max} кучлар таъсир қилади. Тупроқ зарраси мустаҳкамлик чегарасига етиб емирилмагунча R куч таъсирида ёрилишни давом эттиради. Таъкидлаш керакки, ξ бурчакни қиймати қанча катта бўлса тупроқ заррасини сирпаниш даражаси шунча юқори бўлади. Агар тупроқ ёки бегона ўсимлик танаси пичоқ тиғидан кесилса, пичоқнинг бўйи томонида $\xi < \varphi_c$ ёки $\xi = \varphi_c$ ҳолатлари бўлади [26]. Демак, тупроқ ёки ўсимлик танасини кесишда тиғининг ўткирлиги асосий вазифани ўтайди ва унинг бўйини ёрдамчи вазифани бажаради (6-расм).



6-расм. Пичоқ тиғининг кесиш жараёни схемаси

Тажрибалар шуни кўрсатади, кесувчи пичоқлар билан сирпаниб кесишда материалнинг кесиш сифати яхши бўлади (тупроқ кам деформацияланади ва тоза кесиш юзасига эга бўлади) [20]. Бунга бир нечта сабаблар бор: биринчидан сирпаниб кесишда пичоқ тиғи билан ўтли тупроқнинг чекланган жуда кичик контакт юзасига таъсир этилади ва араланиш ҳодисаси рўй беради; иккинчидан сирпаниб кесишда пичоқ 2β ҳақиқий бурчагидан кичик самарали (трансформацияланган) $2\beta'$ ўткирлини бурчагига тенг бурчак билан кесакка ботади (3-расм); учинчидан сирпаниб кесишда пичоқ тиғининг самарали узунлигининг камайиши ҳисобига кесиш қаршилиги кам бўлади. Сирпаниб кесиш жараёнида ўткирлини бурчаги кесиш йўналишига нисбатан ўз қийматини ўзгартиради, яъни пичоқнинг қиялиги ёки сирпаниш бурчаги нисбатан камаяди. Трансформацияланган самарали $2\beta'$ ўткирлини бурчаги пичоқнинг 2β чархланиш ва аб кесиш бурчаги билан чамбарчас боғлиқдир [19, 20].

Аввал келтирилган маълумотларга асосланиб, пичоқ тиғининг чархланган бўйни l узунлигини 6–8 мм оралиқда, қалинлигини ўртача 6 мм қийматда қабул қилсак, у ҳолда

$$\sin \beta = \frac{\delta}{l} \quad \beta = \arcsin \frac{\delta}{l} \quad (4)$$

l нинг 6...8 мм оралиғида $\beta = 22^\circ-30^\circ$ тенг бўлади.

$$\operatorname{tg} \beta' = \operatorname{tg} \beta \cdot \sin \gamma \quad (5)$$

(5) ифодани инобатга олсак, $\beta = 22^\circ-30^\circ$ қийматларида $\beta' = 10^\circ-14^\circ$ тенг бўлади.

улоса. Тадқиқотлар бўйича қуйидагиларни хулоса
и мумкин:

тичоқнинг тупроққа ботиш бурчаги ўртача $\gamma = 29^{\circ}-31^{\circ}$
иқ қийматда тупроқ ва ўсимликка ишқаланиш кучи ва
иқа қаршилиқнинг кам бўлишини таъминлайди;
тичоқ тигининг узунлиги бўйича солиштира босим кам
ди ва натижада кесишга қаршилиқ кучи ҳам кам бўлади;

- пичоқнинг конструктив ўткирланиш бурчаги ўртача $2\theta = 52^{\circ}$, қалинлиги $S_n = 6 \text{ мм}$ қийматлар мақбул ҳисоб-ла-
нади.

- пичоқнинг тупроққа ботиш чуқурлигининг $h_{\text{кн}} = 8 \text{ см}$,
ташқи ишқаланиш бурчагининг ўртача $\varphi_{\text{жм}} = 30^{\circ}$ ва тупроққа
ботиш бурчагининг ўртача $\gamma = 30^{\circ}$ қийматларда эгрилик ра-
диуси $R = 158 \text{ мм}$. га тенг бўлади.

Адабиётлар	References
Гаевская Л.С. Саламанов Н. С. Пастбища пустынь и полупустынь Узбекистана. – Ташкент: Изд. «ФАН», 1975. – 138 с.	Gayevskaya L.S. Salamanov N. S. <i>Pastbishcha pustin i polupustin Uzbekistana</i> [Pastures of the desert and semi-desert of Uzbekistan]. Tashkent: Publishing. "FAN", 1975, 138 p. (in Russian)
Шамсутдинов З. Ш. – Улучшение пастбищ и полевое кормопроизводство в каракуле-водческих хозяйствах Узбекистана. В сб. Природные условия животноводства и кормовая база пустынь. Ашхабад: Изд-во АН Туркменской ССР. 1963. – С. 347-355.	Shamsutdinov Z. SH. <i>Uluchsheniye pastbishch i polevoye kormoproizvodstvo v karakule-vodcheskikh khozyaystvakh Uzbekistana</i> [Pasture improvement and field feed production in the karakul-aquaculture enterprises of Uzbekistan]. On Sat Natural conditions of animal husbandry and food supply of deserts. Ashgabat, Publishing House of the Academy of Sciences of Turkmenistan. SSR, 1963, Pp. 347-355. (in Russian)
Шамсутдинов З.Ш., Ширинская В.Н., Махмудов М., Шегай В.Ю. – Заделка семян-обязательный агротехнический прием при улучшении каракулеводческих пастбищ. Труды института каракулеводства. – Самарканд, 1963, Том 13. – С. 323-332.	Shamsutdinov Z.SH., Shirinskaya V.N., Makhmudov M., Shegay V.YU. <i>Zadelka semyan-obyazatel'niy agrotekhnicheskii priyem pri uluchshenii karakulevodcheskikh pastbishch</i> [Seeding is a mandatory agrotechnical method for improving astrakhan pasture]. Proceedings of the Institute of Astrakhan breeding. Volume 13, Samarkand, 1963, Pp.323-332. (in Russian)
Шамсутдинов З. Ш., Чалбаш Р. Агротехнические указания по улучшению пустынных и полупустынных пастбищ Узбекистана. – Ташкент, 1969. – 38 с.	Shamsutdinov Z. SH., Chalbash R. <i>Agrotekh-nicheskiye ukazaniya po uluchsheniyu pustynnykh i polupustynnykh pastbishch</i> [Agrotechnical guidelines for improving desert and semi-desert pastures Of Uzbekistan]. Tashkent, 1969, 38 p. (in Russian)
Шамсутдинов З. Ш., Ибрагимов И.О. Долголетние пастбищные агрофитоценозы в аридной зоне Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1983. – С. 70-79.	Shamsutdinov Z. SH., Ibragimov I.O. <i>Dolgoletniye pastbishchnyye agrofytotsenozy v aridnoy zone Uzbekistana</i> [Long-term pasture agrophytocenoses in the arid zone of Uzbekistan]. Tashkent. Fan, 1983, Pp. 70-79. (in Russian)
Ларин И. В. Пустынные и полупустынные пастбища и развитие животноводства. Москва, "Колос", 1967. – С. 3-50.	Larin I. V. <i>Pustynnyye i polupustynnyye pastbishcha i razvitiye zhivotnovodstva</i> [Desert and semi-desert pastures and livestock development]. Moscow, "The Ear", 1967, Pp. 3-50. (in Russian)
Байгулов Д.П. Камиллов К. Некоторые агротехнические особенности семенных посевов изеня на богаре. – Ташкент: "Фан", 1969. – С. 45-67.	Baygulov D.P. Kamilov K. <i>Nekotoryye agrotekhnicheskiye osobennosti semennykh posevov izenya na bogare</i> [Some agrotechnical features of seed crops of izen on a dehydrator]. Tashkent, Publishing. "Fan", 1969, Pp. 45-67. (in Russian)
Камиллов К. Сроки посева и нормы высева семенного изеня на богаре Узбекистана. – Ташкент: «Фан», 1969. – 230 с.	Kamilov K. <i>Sroki poseva i normy vyseva semennogo izenya na bogare Uzbekistana</i> [sowing dates and sowing rate of seed izen on the dryland of Uzbekistan]. Tashkent, Publishing. "Fan." 1969, 230 p. (in Russian)
Нагорный Ю.М. Сбор семян прутняка и закладка семенных участков (Рекомендация). – Алма-Ата: «Кайнар», 1972. – 325 с.	Nagornyy YU.M. <i>Sbor semyan prutnyaka i zakladka semennykh uchastkov (Rekomendatsiya)</i> [Collection of barley seeds and laying of seed plots (Recommendation)]. Alma-Ata "Kaynar", 1972, 325 p. (in Russian)
Акрамов З. Проблемы хозяйственного освоения пустынных и горно-предгорных территорий. – Ташкент: Изд-во Узбекистан, – 1974. – 175 с.	Akramov Z. <i>Problemy khozyaystvennogo osvoyeniya pustynnykh i gorno-predgornykh territoriy</i> [Problems of economic development of desert and mountain-foothill territories]. Publishing. House of Uzbekistan, Tashkent, 1974, 175 p. (in Russian)
Мухамедов М. Г., Дуриков М. Х. Агротехнические указания по возделыванию изеня в Туркменистане. – Ашхабад: "Ылим", 1986. – 10 с.	Mukhamedov M. G., Durikov M. KH. <i>Agrotekhnicheskiye ukazaniya po vzdelyvaniyu izenya v Turkmenistane</i> [Agrotechnical instructions for the cultivation of izen in Turkmenistan - Ashgabat]. Publishing. Ylim, 1986, 10 p.(in Russian)
Батыршин А.Г. Механизация процессов улучшения пустынных пастбищ. – Алма-Ата: «Кайнар», 1972. – 350 с.	Batyrrshin A.G. <i>Mekhanizatsiya protsessov uluchsheniya pustynnykh pastbishch</i> [Mechanization of desert pasture improvement processes]. Alma-Ata, Kaynar, 1972, 350 p. (in Russian)
Солдатов В.Т. Исследование процесса высевания семян пустынных кормовых растений. Автореферат к.т.н. дисс., – Алма-Ата, 1972. – 28 с.	Soldatov V.T. <i>Issledovaniye protsessa vyseva semyan pustynnykh kormovykh rasteniy</i> [Investigation of the process of sowing seeds of desert fodder plants]. Abstract of Ph.D. Diss., Alma-ata, 1972, 28 p. (in Russian)
Сеялка саксаульно-травяная. Сельскохозяйственная техника, (Каталог) – Москва: ЦНИИИТЭЦ, 1975.	Seyalka saksaulno-travyanaya. <i>Sel'skokhozyaystvennaya tekhnika, katalog</i> [Seeded saxaulun-seeder(Agricultural machinery, Catalog)]. Moscow, TsNIITETS, 1975. (in Russian)

15	Патент на изобретение РУз IAP 04515. Сеялка широкозахватная/Фармонов Э.Т., Корсун А.И., Горлова И.Г.//Расмий ахборотнома – Ташкент, 2009. – №2.	<i>Patent na izobretenie RUz. IAP 04515. Seyalka shirokozakhvatnaya</i> [Wide seeder]. Farmonov E.T., Korsun A.I., Gorlova I. G. Tashkent. 2009. No.2 (in Russian)
16	Рафиков А. А. Геологический мониторинг пустынь Узбекистана и разработка стратегии борьбы с опустыниванием // Бюллетень ГНТК РУз., – Тошкент, 1997. № 3. – С. 48-53.	<i>Rafikov A. A. Geologicheskii monitoring pustyn' Uzbekistana i razrabotka strategii borby s opustynivaniyem</i> [Geological monitoring of the deserts of Uzbekistan and the development of a strategy for combating desertification] Bulletin of SSTC RUz.. Tashkent, 1997, No. 3, Pp. 48-53. (in Russian)
17	Махмудов М.М. Қорақўлчилик яйловларининг ҳозирги аҳоли ва истиқболи фитомелиорантларни танлаш критерийлари // "Ўл-яйлов чорвачилигини ривожлантириш муаммолари" мавзусидаги Республика илмий амалий конференцияси материаллари туплами. – Самарқанд, 2005. – С. 187-189.	<i>Maxmudov M.M. Korako'chilik yaylovlarinin g hozirgi ahvoli va istiqboli fitomeliorantlarni tanlash kriteriyalari</i> [The current state of astrakhan pasturage and the prospects for choosing the criteria for phytomeliorants]. Collection of materials of the Republican scientific-practical conference "Problems of desert-pasture development". Samarkand, 2005, Pp.187-189. (in Uzbek)
18	Худойбердиев Т.С., Муродов Р., Вохобов А. Сепилган дон уруғининг тепасига ёйилган тупроқ қатламининг бир текисда бўлишини таъминлаш// "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2016. №01(3). – Б. 45-47.	<i>Xudoyberdiev T.S., Murodov R., Voxobov A. Sepilgan don urushining tepasiga yozilgan tuproqni aniklab berishning bitta tekisida bulishini ta'minlash</i> [Provide evenly distributed soil layer on top of sown grain]. Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya". Tashkent, No01 (3). 2016. Pp.45-47. (in Uzbek)
19	Патент РУз FAP 20190168. Способ обработки почвы и посева семян в аридных пастбищах и устройство для его осуществления/ Фармонов Э.Т., Игамбердиев А.К. от 26.08.19.	<i>Patent RUz. FAP 20190168. Sposob obrabotki pochvy i poseva semyan v aridnix pastbishakh i ustrovstvo dlya yego osushestvleniya</i> [A method of tillage and sowing seeds in arid pastures and a device for its implementation]. Farmonov E.T., Igamberdiyev A.K. from 08.26.19. (in Russian)
20	Резник Н.Е. Теория резание лезвием и основы расчета режущих аппаратов. Москва. Машиностроение, 1975. – 311 с.	<i>Reznik N.Ye. Teoriya rezaniye lezviyem i osnovy rascheta rezhushchikh apparatov</i> [Theory of blade cutting and the basics of calculating cutting devices]. Moscow, Mechanical Engineering, 1975, 311 p. (in Russian)
21	Игамбердиев А.К., Солижонов С. Тупроқ намлигини сақловчи, суғоришда сув сарфини тежовчи ғуза қатор ораларига мослаштирилган сирпанма экичнинг конструктив параметрларини асослаш. // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2015. – №2. – Б. 49-53.	<i>Igamberdiev A.K., Solijonov S. Tuproq namligini zharlovchi, suvorishida suvni kaytarib beris</i> [Justification of constructive parameters of sliding plant, adapted to inter-row rows of cotton, saving soil moisture and saving water consumption for irrigation]. Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya" Tashkent, No2. 2015. Pp. 49-53. (in Uzbek)
22	Пильненко А.К. Кинематическая трансформация угла заточки лезвия дискового ножа // Межвузовский сборник "Науковё нотатки". – Луцк, 2012. – Вып. №39. – С. 159-162.	<i>Pil'nenko A.K. Kinematcheskaya transformatsiya ugla zatochki lezviya diskovogo nozha</i> [Kinematic transformation of the angle of sharpening the blade of a circular knife]. Intercollegiate collection "Science Notes". Lutsk, 2012. Vol. 39. Pp. 159-162. (in Russian)
23	Рудаков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. – Ташкент: Фан, 1974. – С. 158-197.	<i>Rudakov G.M. Tekhnologicheskiye osnovy mekhanizatsii seva khlopchatnika</i> [Technological foundations of the mechanization of cotton sowing]. Tashkent, Publishing. Fan, 1974. Pp.158-197. (in Russian)
24	Сергиенко В.А. Технологические основы механизации обработки почвы в междурядьях хлопчатника. – Ташкент: Фан, 1978. – 112 с.	<i>Sergiyenko V.A. Tekhnologicheskiye osnovy mekhanizatsii obrabotki pochvy v mezhduryad'yakh khlopchatnika</i> [Technological fundamentals of mechanization of soil cultivation in the inter-rows of cotton]. Tashkent, Publishing. Fan, 1978, 112 p. (in Russian)
25	Турбин Б.Г., Лурье А.Б., Григорьев С.М., Иванов Э.М., Мельников С.В. Сельскохозяйственные машины. Теория и технологический расчет / Под ред.Б.Г.Турбина. – Ленинград: Машиностроение, 1967. – 577 с.	<i>Turbin B.G., Lur'ye A.B., Grigor'yev S.M., Ivanov E.M., Mel'nikov S.V. Sel'skokhozyaystvennyye mashiny. Teoriya i tekhnologicheskii raschet</i> [Agreecultural machines. Agreecultural equipment. Theory and Technological Calculation]. Edited by B.G. Turbin. Leningrad. Mechanical Engineering, 1967, 577 p. (in Russian)
26	Игамбердиев А.К. Ғуза қатор ораларига кузги бугдой экишни механизациялашнинг илмий-техникавий ечими: Техн. фан. Докт. ... дис. автореф. – Тошкент: ТИҚХММИ, 2018. 60 б.	<i>Igamberdiyev A.K. Guza kator oralariga kuzgi bugdoy ekishni mekhanizatsiyalashning ilmiy-tehnikaviy echimi</i> : [Scientific and technical solution of the mechanized sowing of winter wheat between rows of cotton.]. Tashkent, TIAME, 2018. 60 p.

УЎТ: 629.114

ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ АВТОНОМ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ (ТРАКТОРЛАРИ)ДА ЭРОГЛОНАСС НАВИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Ғ.А. Холиқова - PhD, доцент, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Ғ.С. Рустамов - илмий изланувчи, А.К. Шарипов - илмий изланувчи
Тошкент шаҳридаги Турин Политехника Университети

Аннотация

Ғалла мавсумида комбайн ўримида кечикишлар содир бўлса, 2 кунда, 5% дон ерга тукилиши мумкин, бир кунлик комбайн ўрайдиган ғалла миқдори 99,3 тоннани ташкил этса, исрофгарчилик 4,9 тоннани ташкил қилади. Қўлланилаётган тизимда ўртача ҳисобда кунига 17 минут тўхталишлар олди олинганда, мавсум давомида 3,5 тонна дон йўқотилишининг натижаси олинмоқда. Мавзунинг долзарблиги шундан иборатки, агротехник тадбирларни бажараётган қишлоқ хўжалиги техникасида носозликлар юзага келганда вақтдан унумли фойдаланиш учун Эроглонасс навигация тизимларидан қўллаш зарур қилинган, бу тизимда бир бузилиш ҳолати ва тури ўрганилган. Шу билан бирга қандайдир шароитда дала шароитида содир бўлган носозликларни бартараф этишда иш шароити, унинг зарарли ва хавфли омиллардан муҳофаза қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникасидан комбайннинг аτροφ-муҳитга таъсири ўрганилди ва баён қилинди.

Таянч сўзлар: машиналар ишончилиги, қишлоқ хўжалиги техникаси, агротехник тадбирлари, "Class" комбайнлари, дроп-система, "Галилей", "Эроглонасс".

РАЗРАБОТКА РЕКОМЕНДАЦИЙ ПО ПРИМЕНЕНИЮ НАВИГАЦИОННЫХ СИСТЕМ EROGLONASS НА АВТОНОМНЫХ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВАХ (ТРАКТОРАХ) В УЗБЕКИСТАНЕ

Ғ.А. Холиқова - PhD, доцент, Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства
Ғ.С. Рустамов - научный сотрудник, А.К. Шарипов - научный сотрудник
Ташкентский Политехнический Университет, г. Ташкент

Аннотация

Задержки в уборке урожая во время зернового сезона, приводят к потере урожая пшеницы на 5% за 2 дня, при дневной производительности уборки зерна 99,3 тонны, потери составляют 4,9 тонны. Если в среднем, в день в ользуемой системе сократить время потерь на 17 минут, то за сезон дополнительно можно получить 3,5 тонн пшеницы. Актуальность темы состоит в применении навигационной системы Эроглонасс для эффективного использования техники при возникновении неисправностей в сельскохозяйственной технике, в этой системе был изучен один тип неисправностей, изучены также рабочие условия для устранения неисправностей в полевых условиях, от опасных и вредных факторов а также влияние комбайна на окружающую среду.

Ключевые слова: надежность машин, сельскохозяйственная техника, агротехнические мероприятия, гидросистема комбайны "Class", "Галилей", "Эроглонасс".

DEVELOPMENT OF RECOMMENDATIONS FOR USE OF EROGLONASS NAVIGATION SYSTEMS ON AUTONOMOUS AGRICULTURAL VEHICLES (TRACTORS) IN UZBEKISTAN

Kholiqova - PhD, associate professor, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers
Rustamov - researcher, A. Sh. Sharipov - researcher, Turin polytechnic University in Tashkent

Abstract

there are delays in the harvest during the grain season, 5% of the wheat can be spilled in 2 days, and the daily grain harvesting capacity is 99.3 tons, and the loss is 4.9 tons. On average, 17 minutes a day interruptions in the system used are noted. Over 3.5 tons of wheat is consumed during the season. The relevance of the topic is stated in the application of a navigation system for the efficient use of time in the event of malfunctions in agricultural machinery performing agro-technical activities, which have been studied as a kind of disorder. At the same time, the working conditions for the troubleshooting in field conditions were studied, and the effects of the combine on the environment from the hazardous and hazardous factors and the effect of the combine on the environment.

Key words: reliability of machines, agricultural machinery, agrotechnical activities, Class combine, hydrotreatment, Galileo, Eronglonass.

Кириш. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш мамлакат аҳолисининг 60 фоизидан ортиқ қисми яшаётган қишлоқларнинг фаровонлик даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу муносабат билан сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимида институционал ислохотлар амалга оширилди, пахта хом ашёси ва бошоқли дон маҳсулотларининг давлат томонидан кафолатланган харид нархларини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлиги оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер модели кенг жорий этилмоқда, натижада охириги йилларда пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ҳажми мазкур экин тури учун ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларининг 52 фоизини ташкил этди. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда самарали бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бермапти. Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан бошқаришнинг яхлит тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида, шунингдек 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ келадиган йўналишлар ишларни амалга ошириш куннинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади [1].

Қуриб чиқиладиган муаммонинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили ва манбаларга ҳаволалар.

Қишлоқ хўжалиги машиналарига техник сервис кўрсатиш тизимининг таҳлили. Ҳозирги кунда озиқ-овқатга бўлган талаб ортиб бораётган пайтда қишлоқ хўжалигига бўлган эътибор ҳам ўсиб, жадал ривожланиб бормоқда. Бу ривожланишда асосий восита қишлоқ хўжалиги машиналари бўлиб ўз самарасини тўла бажаришда камчиликларни сезиларли даражада мавжудлиги маълум. Қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга, яъни қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилишда биринчи ўринда ундан фойдаланишни ва ишончлилиқни йўлга қўйиш керак. Қишлоқ хўжалиги машиналарини ишончлилиқ кўрсаткичларини таъминлаш учун эса техник сервис марказларини замонавий ёндошган ҳолда илмий амалий жиҳатдан чуқур ўрганиб чиқиш зарур.

Академик Ш.У.Иўлдошевнинг «Машиналар ишончлилиги ва уларни таъмирлаш асослари» дарслигида машиналарнинг ишончлилиқ кўрсаткичлари тасодифий қийматлар категориясига киради ва ишончлилиқга ҳисоблаганда эҳтимоллик назарияси ва математик статик услублардан фойдаланган ҳолда аниқлаш тавсия этилган [2].

Бу эҳтимолликларни ўрганиб чиқадиган бўлсак, қишлоқ хўжалиги техникаларда бу бузулиш эҳтимолларини бартараф этишдаги назарий изланишлар амалиётда қўлланилмоқда. Ҳозирги кунда техник сервис марказларини яхши ташкиллаштирилгани қишлоқ хўжалиги техникасининг иш унумини оширади. Қишлоқ хўжалиги техникаларнинг носозликларни ўз вақтида бартараф этишда, ўрганилмаган қираларни ўрганиб чиқиб бу ишларда жиддий ёндошган ҳолда техник сервис марказларини замонавийлашган автоматлаштирилган тизимлар билан сифат даражасини яхшилаш мақсадга мувофиқдир.

унумдорлигининг пасайишига, маҳсулот сифатининг яхшиланган олиб келади. Кечикиш бошқариш тизимидинamik кўрсаткичларини анча пасайтирувчи асосийлардан бири ҳисобланади. Кечикиш, умумий ҳолда, ий, ўзгарувчан ёки тасодифий миқдор бўлиб, бошқартизимининг динамика кўрсаткичларини анча пасайтири асосий факторлардан бири ҳисобланади. Шунинг кечикишли тизимларни ўрганишнинг маълум усуллартакомиллаштириш ва янги машинага-йўналтирилганни яратишга зарурият пайдо бўлади.

екикишга эга дифференциал тенгламалар биринчи а математик биология муаммоларини кўриб чиқишда или ўрганилди. XX аснинг ўрталарида функционал ференциал тенгламалар назарияси турғунлик ва турли техник воситаларни бошқариш муаммоларини ўрганиш н фаол ривожлана бошланди. Математик моделлар тизидида ушбу тенгламалардан фойдаланишнинг кенг иматлари сўнги ярим аср давомида функционал диффеиал тенгламалар назариясига қизиқиш ва сезиларли жланишни аниқланди. Ушбу назариянинг ривожланиши хи, тенденциялари ва ҳозирги ҳолати тўлиқ аниқланГадқиқотлар шуни кўрсатдики, кечиктирилган тизимлар м хусусиятларга эга ва оддий дифференциал тизимчун олинган натижалар уларга бевосита тегишли эмас. екикишга эга тизимларни ўрганиш катта қийинчилик а дуч келади ва аниқ ечимларни қуриш фақат алоҳида арда мумкин. Бошқа томондан, бундай тизимларнинг л-ҳаракати кўп жиҳатдан усуллар ва конструкциялар ида, оддий дифференциал тенгламалар назариясида суд бўлганларга ўхшаш тарзда тавсифланиши мумкин. рецкий, Р.Т. Янушевский, Д. Сю, А.Мейер, П. Деруссо, й, Ч.Клоуз, А.В.Солодов, В.А. Солодова, А.А., А.А.Қов ва бошқариш назарияси соҳасидаги бошқа олимлар нидан бу жавҳага киритилган жиддий ишларни айтиб и керак. Кўп тадқиқотчиларнинг меҳнатлари туфайли рги кунда кечикишли узлуксиз ва дискрет тизимлартаҳлил ва синтез масалаларини муваффақиятли ечиши н. Аммо кечикишли кўп ўлчамли узлуксиз тизимларелели тизимларнинг, кенг- ва частота-импульсли тиарнинг моделлаштириш ва тадқиқ қилиш масалалари охиригача ечимини топмаган [9, 10, 11, 12, 13, 14].

адқиқотлар усуллари. Ушбу ишда доимий ва ўзгарувчан ишга эга тизимлар математик тавсифининг шарҳи бажази. Қуйилган масалаларни ечиш учун автоматик бошқариш зиясидан, тизимли таҳлилдан, кечикувчан аргументли дифференциал тенгламалар назариясидан фойдаланилди.

адқиқотлар натижалари ва таҳлиллар. Тизимнинг давомидаги ҳаракати, унинг бир ҳолатдан бошқасигиши тизимни ўрганишнинг муҳим объекти бўлиб ҳианади. Динамик тизимнинг t_0 (t_0 - вақтнинг бошланғич ати) дақиқадаги ҳолати, $t_0 < t < t_1$ вақт оралиғи учун илган қандайдир бир кириш функцияси билан бирга, а ҳар қандай $t_1 > t_0$ да ягона чиқиш функциясини адекватникловчи ахборот бўлади. Тизим ҳолатини n ўлчовли ктор билан баён этиш мумкин, деб фараз қилинди. Бу орнинг n ташкил этувчилари:

$$X(t) = [x_1(t), x_2(t), \dots, x_n(t)]$$

нинг ўзгарувчан ҳолатлари бўлади. Баён этиш учун n сувчи керак бўладиган тизимни n - тартибли тизим, деб ади. Динамик тизим учун $X(t_0)$ нинг ҳақиқий ҳолатини ва си кириш ($U(t), t \geq t_0$) таъсирини билиш тизим чиқиш ифининг ($Y(t), t \geq t_0$) ҳозирги ва кейинги қийматлариипиш учун етарли. Демак, тизим чиқиш тафсифининг си қийматлари, тизимнинг ўзининг ҳақиқий қийматиға ишга имкон берадиган усулга боғлиқ эмас экан.

Ҳар мазкур тизим, ҳолатлар фазоси ёрдамида намоён йўл қўйса ва оддий дифференциал тенгламалар би-

лан баён этилса, унда ҳолат тенгламасини қуйидаги кўринишда келтириш мумкин:

$$X'(t) = F(X(t), U(t)), \quad (1)$$

$$Y(t) = G(X(t), U(t)), \quad (2)$$

бу ерда: n ўлчовли F функция ва m ўлчовли G функция бир қийматлидир. (1) ва (2) тенгламалар ҳолат тенгламаларининг стандарт шакли кўринишида маълум.

Ҳамма тизимларни ҳам ҳолатнинг чек ўлчовли тенгламалари ёрдамида баён этиб бўлмаслигини осонгина кўриш мумкин. Масалан, қандайдир бир тизимнинг t_0 дақиқадаги ҳолати киришдаги таъсир ва тизимнинг $[t_0 - \tau, t_0]$ вақт оралиғидаги ҳолат реакцияси билан аниқлансин.

Охирги шарт, тизим ҳолати $t_0 - \tau \leq t \leq t_0$ оралиқда аниқланган функцияга боғлиқ эканлигини билдиреди, яъни таърифини қаноатлантирадиган ҳеч қандай чек ўлчамдаги фазони кўрсатиш мумкин эмас. Кечикишли узлуксиз тизимлар айнан ҳолатнинг чек ўлчамдаги фазосига эга бўлмаган тизимлари синфига тегишли бўлади. Кечикишга эга $t_0, \theta \leq t, \leq t_0$ учун бошланғич $\varphi(t)$ функцияли тизим ҳолатининг тенгламаси қуйидаги кўринишга эга:

$$X'(t) = \Phi(X(t), U(t), X(t-\theta)), \quad (3)$$

$$Y(t) = H(X(t)). \quad (4)$$

(3)-тенглама кечикувчи аргументли дифференциал тенглама дейилади [15]. Унда $X(t)$ функция, умумий ҳолда, қандайдир t вақт дақиқасида тизим ҳолатини баён этувчи n ўлчовли ҳақиқий вектор. $U(t)$ функция - кировчи таъсирларнинг m ўлчовли ҳақиқий вектори бўлади. $\theta = \tau(t)$ функция кечикишни тавсифлайди, умумий ҳолда $X(t)$ векторнинг ҳар бир ташкил этувчиси учун ҳар хил. Бошланғич $\Phi(t)$ функция $t_0, \theta \leq t \leq t_0$ кесмада n ўлчовли узлуксиз ҳақиқий вектор кўринишида берилади.

$$X(t) = \varphi(t), \quad t_0, \theta \leq t \leq t_0 \quad (5)$$

хоссаларга эга ва $t \geq t_0$ учун (3) тенгламани қаноатлантирувчи $X(t)$ вектор-функция кечикувчи аргументли, ёки оддий қилиб айтганда, кечикишга эга дифференциал тенгламанинг ечими дейилади. Функция турига боғлиқ равишда θ дифференциал тенгламалар кечикишига кўра бир неча турларга бўлинади [16, 17, 18, 19].

а) Доимий кечикишли дифференциал тенгламалар. Агар θ миқдор ечимнинг ҳамма мавжуд бўлиш интервалида ўзгармас бўлса, $\theta = \tau = \text{const}$, (3) тенглама қуйидаги кўринишга келади:

$$X(t) = \Phi(U(t), X(t), X(t_0 - \tau)), \quad t \geq t_0 \quad (6)$$

б) Ўзгарувчан кечикишли дифференциал тенгламалар. $t_0, \theta = \tau(t)$ вақтнинг θ бўлакли-узлуксиз функцияси бўлсин. Унда (3) тенглама қуйидаги кўринишни қабул қилади:

$$X(t) = \Phi(U(t), X(t), X(t - \tau(t)), \quad t \geq t_0 \quad (7)$$

в) Ночизиқ кечикишли дифференциал тенгламалар. Θ функция нафақат вақтга, балки изланаётган $X(t)$ функцияга ёки унинг $X'(t)$ ҳосиласига ёки унисига ҳам, бунисига ҳам бир вақтда боғлиқ бўлиши мумкин [19]:

$$\Theta = \tau(t, X(t)), \quad \Theta = \tau(t, X'(t)), \quad \Theta = \tau(t, X(t), X'(t))$$

Ночизиқ кечикишли мос дифференциал тенгламалар қуйидаги кўринишни олади:

$$X'(t) = \Phi(U(t), X(t), X(t - \tau(t, X(t))), \quad (8)$$

$$X'(t) = \Phi(U(t), X(t), X(t - \tau(t, X'(t))), \quad (9)$$

$$X'(t) = \Phi(U(t), X(t), X(t - \tau(t, X(t), X'(t))), \quad (10)$$

г) Нейтрал турдаги дифференциал тенгламалар. Бу синф тенгламаларига $\Phi(\cdot)$ функцияси изланаётган кечикувчи аргументга эга функцияга, шунингдек, унинг ҳосиласига боғлиқ бўладиган тенгламалар киради. Нейтрал турдаги дифференциал тенгламалар нафақат бошланғич функциянинг, балки унинг ҳосиласининг ҳам берилишини талаб қилади. Бундай тенгламалар билан баён этилувчи тизимлар, амалиётда жуда оз учрайди.

Агар доимий кечикувчи ўзгарувчиға эга тизим чизиқли бўлса, уни қуйидаги кўринишдаги дифференциал тенгла-

малар билан баён этиш мумкин:

$$X'(t) = AX(t) + BX(t-\theta) + CU(t), \quad (11)$$

бу ерда: A матрица $n_x \cdot n$ ўлчамга эга, B матрицанинг ўлчами ҳам шунга тенг: $n_x \cdot n$, C матрица ўлчами эса $n_x \cdot m$.

Бундай тизимнинг чиқши миқдорлари қуйидаги муносабат билан аниқланади:

$$Y(T) = H X(t), \quad (12)$$

бу ерда: H – $p \times n$ ўлчамли матрица.

Хулоса. Кечикиш ҳодисалари технологик жараёнлар, шу жумладан қишлоқ ва сув хўжалиги объектларини бош-

қаришда учрамоқда. Кечикишнинг параметрларини ўзгартириш тизимнинг турғунлиги ва аниқлигига кучли таъсир кўрсатади. Кечикишнинг таъсирида автоматик бошқарув тизимининг ишлаш сифати пасайиши мумкин. Кечикиш, умумий ҳолда, доимий, ўзгарувчан ёки тасодифий миқдор бўлиб, бошқариш тизимининг динамик кўрсаткичларини анча пасайтирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун кечикишли тизимларни ўрганишнинг маълум услубларини такомиллаштириш ва янги машинага-йўналтирилганларини яратишга зарурият пайдо бўлади.

№	Адабиётлар	References
1	S. I. Niculescu. Delay Effects on Stability: a Robust Control Approach. Springer, Berlin, 2001. Pp.45-54	S. I. Niculescu. Delay Effects on Stability: a Robust Control Approach. Springer, Berlin, 2001. Pp.45-54
2	W. Michiels, & S. I. Niculescu. (2014). Stability, Control, and Computation for Time-Delay Systems: An EigenvalueBased Approach (Vol. 27). Siam. 459 p.	W. Michiels, & S. I. Niculescu. (2014). Stability, Control, and Computation for Time-Delay Systems: An EigenvalueBased Approach (Vol. 27). Siam. 459 p.
3	K. Yamanaka and E. Shimemura, Use of multiple time-delays as controllers in IMC schemes, Int. J. Control, vol. 57. London. 1993. Pp.1443-1451.	K. Yamanaka and E. Shimemura, Use of multiple time-delays as controllers in IMC schemes, Int. J. Control, vol. 57. London. 1993. Pp.1443-1451.
4	Chen, J., Gu, G., Carl N. Nett, A new method for computing delay margins for stability of linear delay systems, Systems & Control Letters, Volume 26, Issue 2, 22 September 1995. Sydney. Pp.107-117.	Chen, J., Gu, G., Carl N. Nett, A new method for computing delay margins for stability of linear delay systems, Systems & Control Letters, Volume 26, Issue 2, 22 September 1995. Sydney. Pp.107-117.
5	Громов Ю.Ю., Земской Н.А., Лагутин О.Г. Системы автоматического управления с запаздыванием. Учебное пособие – Тамбов, 2007. – 76 с.	Gromov Yu.Yu. Zemskoy N.A., Lagutin O.G. <i>Sistemi avtomaticheskogo upravleniya s zapazdivaniem</i> [Automatic control systems with delay]. Manual Tambov, 2007. 76 p. (in Russian)
6	Дралюк Б.Н., Синайский Г.В. Системы автоматического регулирования объектов с транспортным запаздыванием. – Москва, 1969. – 72 с.	Dralyuk B.N., Sinaisky G.V. <i>Sistemi avtomaticheskogo regulirovaniya ob'ektov s transportnim zapazdivaniem</i> [Systems of automatic regulation of objects with transport delay]. Moscow, 1969. 72 p. (in Russian)
7	Ким, Д.П. Теория автоматического управления. Линейные системы. – Москва, 2010. – 312 с.	Kim, D.P. <i>Teoriya avtomaticheskogo upravleniya. Lineynye sistemy</i> . [Theory of automatic control. Linear systems]. Moscow, 2010. 312 p. (in Russian)
8	Коновалов Б.И. Теория автоматического управления. – Санкт – Петербург, 2016. – 224 с.	Konovalov B.I. <i>Teoriya avtomaticheskogo upravleniya</i> [Theory of automatic control]. Saint Petersburg, 2016. 224 p. (in Russian)
9	Гурецкий Х. Анализ и синтез систем с запаздыванием. – Москва, 1974. – 328 с.	Guretsky H. <i>Analiz i sintez system s zapazdivaniem</i> [Analysis and synthesis of systems with delay]. Moscow, 1974. 328 p. (in Russian)
10	Янушевский Р.Т. Управление объектами с запаздыванием. – Москва, 1978. – 410 с.	Yanushevsky R.T. <i>Upravlenie ob'ektami s zapazdivaniem</i> [Delayed Object Control]. Moscow, 1978. 410 p. (in Russian)
11	Сю Д., Мейер А. Современная теория автоматического управления и ее применение. Перевод с английского. – Москва, 1972. – 544 с.	Hsu D., Meyer A. <i>Sovremennaya teoriya upravleniya i eyo primeneniye</i> [Modern Control Principles and Applications]. Translation from English. Moscow, 1972. 544 p. (in Russian)
12	Деруссо П., Рой Р., Клоуз Ч. Пространство состояний в теории управления (для инженеров). – Москва, 1970. – 620 с.	Derusso P., Roy R., Close C. <i>Prostranstvo sostoyaniy v teorii upravleniya dlya inzhenerov</i> [Space of states in control theory (for engineers)]. Moscow, 1970. 620 p. (in Russian)
13	Солодов А.В., Солодова Е.А. Системы с переменным запаздыванием. – Москва, 1980. – 384 с.	Solodov A.V., Solodova E.A. <i>Sistemi s peremennim zapazdivaniem</i> [Variable Delay Systems]. Moscow, 1980. 384 p. (in Russian)
14	Кадыров А.А. Графовые методы в задачах моделирования и исследования интегрированных систем управления. – Ташкент, 2011. – 186 с.	Kadyrov A.A. <i>Grafovie metodi v zadachakh modelirovaniya i issledovaniya integrirovannikh sistem upravleniya</i> . [Graph methods in problems of modeling and research of integrated control systems]. Tashkent, 2011. 186 p. (in Russian)
15	Кадыров А. А. Теория разнотемповых дискретных систем управления. – Ташкент, 2013. – 168 с.	Kadyrov A.A. <i>Teoriya raznotempovikh diskretnikh sistem upravleniya</i> [Theory of discrete control systems of different tempos]. Tashkent, 2013. 168 p. (in Russian)
16	Убайдуллаева Ш.Р. Использование метода динамических графовых моделей для расчета линейных систем с запаздыванием // Научно-технический журнал "Современные материалы, техника и технологии". – Курск, 2016. – №5 – С. 193–198.	Ubaydullaeva Sh.R. <i>Ispolzovanie metoda dinamicheskikh grafovikh modeley dlya raschyota lineynikh sistem s zapazdivaniem</i> [Using the method of dynamic graph models to calculate linear systems with delay]. Scientific and Technical Journal "Modern Materials, Engineering and Technologies", No5, 2016, Russia, Kursk. Pp. 193-198 (in Russian)
17	Убайдуллаева Ш.Р. Графовое моделирование двумерной линейной стационарной системы автоматического управления с постоянным запаздыванием // Научно-технический журнал "Современные материалы, техника и технологии". – Курск 2017. – №1. – С. 215–220.	Ubaydullaeva Sh.R. <i>Grafovoye modelirovaniye dvumernoy lineynoy stacionarnoy sistemi avtomaticheskogo upravleniya s postoyannim zapazdivaniem</i> [Graph modeling of a two-dimensional linear stationary automatic control system with constant delay]. Scientific and technical journal "Modern materials, engineering and technology", No.1(9), February 2017, Kursk. Pp. 215-220 (in Russian)
18	Убайдуллаева Ш.Р., Усмонов Ж.И. Использование метода динамических графовых моделей для расчета двумерных непрерывных линейных систем с запаздыванием в отдельных каналах // Научный журнал «Вестник Бухарского государственного университета». – Бухара, 2018. – №4. – С. 35-39.	Ubaydullaeva Sh.R., Usmonov J.I. <i>Ispolzovanie metoda dinamicheskikh grafovikh modeley dlya raschyota dvumernikh nepreerivnykh lineynikh sistem s zapazdivaniem v separatnykh kanalakh</i> [Using the method of dynamic graph models for calculation two-dimensional continuous linear systems with delay in separate channels]. Scientific journal "Bulletin of the Bukhara State University", No. 4, September 2018. Pp. 35-39. (in Russian)
19	Убайдуллаева Ш.Р., Использование метода динамических графовых моделей для расчета релейных систем автоматического управления // Научный журнал «Вестник Бухарского государственного университета». – Бухара, 2018. – №3. – С. 43-48.	Ubaidullaeva Sh.R. <i>Ispolzovanie metoda dinamicheskikh grafovikh modeley dlya raschyota releynykh sistem avtomaticheskogo upravleniya</i> [Using the method of dynamic graph models for calculating relay systems of automatic control]. Scientific journal "Bulletin of the Bukhara State University", No.3, September 2019. Pp. 43-48. (in Russian)

Г: 67.620.4

ТЕХНИК ЧИГИТДАН ПАХТА МОЙИ ОЛИШДА МАВЖУД МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИШДА ЭЛЕКТРО ТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*А. Турдибоев - ассистент, Ш.Б. Юсупов - ассистент, Д.М. Акбаров магистрант
Ташкентский институт ирригации ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*

Аннотация

Мақолада техник чигитдан пахта мойи олишда сарфланадиган энергия харажатлари "Тошкент ёғ-мой" АЖ мисолида аниқланган бўлиб, 1 тонна маҳсулотга $1,2 \cdot 10^6$ кҶ энергия сарфланиши келтириб ўтилган. Техник чигитдан пахта мойи олишда энергетик самарадорликни ошириш учун чигит янчилмасига электроимпульсли ишлов бериш электротехнологиси тақлиф қилинган. Электроимпульсли ишлов бериш билан чигит мағзи ҳужайрасининг шикастланиш даражасининг кўпи олиш миқдорига боғлиқлигининг аналитик ифодаси ишлаб чиқилган. Олиб борилган тажриба натижалари бўйича маҳсулот намлиги 10 фоизни, ишлов берилмаётган маҳсулот қалинлиги 5–10 мм бўлганда, разряд кучланиши 6–6,5 кВ, конденсатор сизими 0,7–0,8 мкФ ва импульслар сони 18–20 тага оширилганда маҳсулотнинг шикастланиш даражаси 0,85 фоизни ташкил этиши ва бу кўрсаткичлар энергия тежамкор параметрлар деб ҳисобланади. Электроимпульсли ишлов бериш орқали чигитдан олинадиган мой миқдорини ошириш ва технологиядаги энергетик харажатларни камайтириш имкони мавжудлиги исботланган.

Таянч сўзлар: техник чигитлар, янчилма, пресслаш, экстракциялаш, электроимпульс, разряд кучланиши, импульс сони, сизим.

СУЩЕСТВУЮЩИЕ ПРОБЛЕМЫ ПРИ ПОЛУЧЕНИИ ХЛОПКОВОГО МАСЛА ИЗ ТЕХНИЧЕСКИХ СЕМЯН И ПРИМЕНЕНИЕ ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ МЕТОДОВ ПРИ ИХ РЕШЕНИИ

*А. Турдибоев - ассистент, Ш.Б. Юсупов - ассистент, Д.М. Акбаров - магистрант
Ташкентский институт инженеров ирригации и мелиорации сельского хозяйства*

Аннотация

В статье на примере АО "Ташкент ёғ-мой" изучены энергозатраты при получении хлопкового масла из технических семян, приведено потребление энергии $1,2 \cdot 10^6$ кДж на 1 тн продукции. Для повышения энергетической эффективности получения хлопкового масла из технических семян предложена электротехнология электроимпульсной обработки измельченных семян. При электроимпульсной обработке было разработано аналитическое выражение степени повреждения клеток семян в зависимости от количества полученного масла. По результатам проведенных экспериментов отмечено, что влажность продукта составила 10%, при толщине обрабатываемого продукта 5–10 мм, разряде напряжения 6–6,5 кВ, емкости конденсатора 0,7–0,8 мкФ и увеличении количества импульсов на 18–20 параметры повреждения продукта считаются энергосберегающими. Доказана возможность увеличения количества масла получаемого из семян, путем электроимпульсной обработки и снижения энергозатрат.

Ключевые слова: Технические семена, измельчение, опрессовка, экстракция, электроимпульс, напряжение разряда, количество импульсов, емкость.

EXISTING PROBLEMS IN PRODUCING COTTON OIL FROM TECHNICAL SEEDS AND APPLICATION OF ELECTROTECHNOLOGICAL METHODS TO SOLVE THEM

*A. Turdiboev - assistant, Sh.B. Yusupov - assistant, D.M. Akbarov - magistrate
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*

Abstract

The article uses the example of Tashkent Yog-Moy JSC to study the energy consumption of producing cottonseed oil from technical seeds, and shows the energy consumption of $1.2 \cdot 10^6$ kJ per 1 ton of product. To increase the energy efficiency of producing cottonseed oil from industrial seeds, an electrotechnology of electropulse treatment of crushed seeds is proposed. To increase the energy efficiency in the production of cottonseed oil from technical seeds, we offer electrotechnology of electric pulse treatment of crushed seeds. When electropulse processing was developed analytical expression that the degree of damage to the seed cells depends on the amount of oil received. According to the results of the seed cells of the experiments, the moisture content of the product was 10%, with a thickness of 5–10 mm of the processed product, the discharge voltage was 6–6.5 kV, the capacitor capacitance was 0.7–0.8 mF with an increase in the number of pulses for 18–20 product damage energy saving options. It is proved that it is possible to increase the amount of oil obtained from seeds by processing electric pulse technology, and to reduce energy consumption in the technology.

Key words: technical seed, grinding, crimping, extraction, electrical pulse, discharge voltage, number of pulses, capacity.

Қириш. Бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам энергия ресурслар нархини ошиб бориши ишлаб чиқариш корхоналарида энергия тежамкорлик мақсадлари билан илгари суради. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхо-

наларида маҳсулот таннархини асосий ташкил этувчиси сифатида энергияга бўлган тўловлар ҳисобланмоқда ва у умумий энергобалансда 94 фоизни ташкил этади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир бирлигига сарфланаётган

нисбий энергия сарфининг кўплиги экспортга тайёр маҳсулотга нисбатан хомашё чиқариш самаралироқ бўлишига олиб келмоқда. Энергия ресурсларни тежаш орқали ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотнинг таннархини камайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ташқи ва ички бозордаги рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир. Республикада ишлаб чиқарилаётган ёғ-мой маҳсулотларининг бирлигига сарфланаётган нисбий энергия сарфи ривожланган Европа давлатлари АҚШ ва Японияга нисбатан 3–4 марта катта эканлигини кўриш мумкин. Бу эса электр энергия нисбий сарфини камайтириш бўйича имкониятлар борлигини ва бу борада тадқиқот ишларини олиб бориш кераклигини кўрсатади [1].

Юқоридаги таҳлил пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариладиган техник чигитдан олинadиган мой миқдорини ошириш билан бир қаторда энергия самарадорликка эришиш муаммоси мавжудлиги ва бу борада илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини кўрсатади. Техник чигитдан пахта мойи ажратиб олиш бир қанча кетма-кет бажарилишини ўз ичига олган технологик жараёнларда амалга оширилади. Ёғ-мой ишлаб чиқаришда ҳар бир технологик жараён учун сарфланаётган энергия миқдорини аниқлаш учун бевосита ишлаб чиқариш жараёни мисолида “Тошкент ёғ-мой” комбинати маълумотлари базаси, меъёрий ҳужжатлари ўрганилди. 1-расмда асосий, тайёрлов, иккинчи ва қўшимча операцияларнинг узвий боғлиқлигининг технологик схемаси ва ҳар биржараён учун энергия сарфи келтирилган.



1-расм. Пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқаришнинг технологик схемасининг энергия харажатлари

Олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарида сарф қилинаётган энергия, технологик жараённинг асосий қисмига тўғри келмоқда (намлаш, чақиш, янчиш, қовуриш ва пресслаш). Ўсимлик мойини олиш усулларига қараб ишлаб чиқариш технологик схемалари икки асосий гуруҳларга бўлинади: пресслаш ва экстракциялаш билан тугаландиган схемалар. Ўз навбатида бу икки гуруҳнинг ҳар бири турли вариантларда алоҳида ёки биргаликда ишлатилиши мумкин. Технологик жараёнлар ўз навбатида асосий, тайёрлов, ёрдамчи ва қў-

шимча операциялардан ташкил топади. Асосий операцияларга мойли уруғларни майдалаш (янчиш), қовуриш, пресслаш ва экстракция йўли билан ёғ олиш усуллари киради. Тайёрлов операцияларига мойли уруғларни қабул қилиш, қуритиш, сақлаш, ифлосликлардан тозалаш ва қобиғини мағзидан ажратишлар киради. Ёрдамчи операцияларга эса шрот таркибидан эритувчини ҳайдаш, ёғини ажратиб олиш, эритувчини реганерация ва рекуперация қилиш киради. Қўшимча жараёнларга эса пресслабёки экстракциялаш усули билан олинган мойларини тозалаш, фосфатид концентратини олиш ва оқсил моддаларини ажратиш киради [2].

Республикадаги мавжуд ёғ-мой заводларида 1 тонна чигитни қайта ишлаш учун $1,2 \cdot 10^6$ ГДж энергия сарфланмоқда [3]. Пахта мойи ишлаб чиқариш технологиялари энергия сиғимдор жараён бўлишига қарамасдан маҳсулот таркибидаги мойни амалдаги технология бўйича тўлиқ сиқиб олиш имкони йўқ [4].

Бугунги кунда амалдаги технология бўйича маҳсулотнинг мойлилик миқдорига нисбатан прес мойининг чиқиши 11,8%, экстракция мойининг чиқиши 5,8%, кунжарадаги қолдиқ мой миқдори 6,31%, шротдаги қолдиқ мой 0,51 фоизни ташкил қилади [5, 6, 7].

Масала қўйилиши. Маълумки, ҳар қандай пресслаш усули билан мой олинганда қолдиқ маҳсулот кунжарада анчагина миқдорда (7–16%) мой қолади [8]. Шу туйғайли кунжарадан ёки тўғридан-тўғри ҳали мой ажратиб олинмаган маҳсулотдан мойни органик эритувчилар ёрдамида эритиб олиш иқтисодий жиҳатдан зарур ҳисобланади, чунки пресслаш йўли билан олинаётган ўсимлик мойлари миқдори аҳоли истеъмоли талабларига етарли эмас. Албатта, экстракция билан олинган ўсимлик мойининг сифати пресслаш усули билан олинганга нисбатан пастроқдир, чунки экстракцион мой таркибидаги липидлардан ташқари организм учун фойдасиз бўлган турли органик моддалар эритувчида эриб ўтган бўлади. Имконият борича экстракция усули билан ўсимлик мойлари техник мақсадларда ишлатилиши лозим [9].

Бугунги кунга қадар ўсимлик мойи олишда энергия тежовчи электротехнологиясини яратиш, технологик жараёнларда сарфланаётган энергияни тежаш, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлсада амалда электрофизик таъсирлар билан бирламчи ишлов бериш технологиялари ишлаб чиқариш корхоналарида ҳозирги кунгача жорий этилмаган [10].

Ўсимлик хомашёсидан мойни ажратиш, протоплазманинг қовушқоқлиги, эластиклиги ва бошқа хусусиятларига боғлиқ. Протоплазманинг бу кўрсаткичлари хомашёга дастлабки ишлов бериш ва уни пресслаш каби ташқи таъсирларга қаршилик кўрсатиш қобилятини белгилайди. Протоплазмада дастлабки ишлов натижасида қанчалик катта бузилиш рўй берган бўлса, мой чиқиши шунчалик кўп бўлади [11, 12, 13, 14].

Чигит, соя, зиғир, кунжут протоплазмасига механик майдалаш кам таъсир кўрсатади. Бундай маҳсулотларни пресслашда мой чиқиши жуда кам, мой миқдорини ошириш учун ушбу маҳсулотларнинг хужайра протоплазмасини кўпроқ бузувчи таъсирлардан фойдаланиш керак

Ечиш услуби. Маълумки бугунги кунда ўсимликларга ва меваларга электрофизик таъсирлар билан бирламчи ишлов бериш орқали энергетик самарадорликка эришилмоқда, жумладан, электроимпульсли разрядлар билан бирламчи ишлов бериш энг самарали усул ҳисобланади, бу мой олиш жараёнини жадаллаштиради ва энергия сарфини камайтиради [15].

Ўсимлик маҳсулоти хужайрасининг шикастланиш даражасининг ўзгариши ва электр импульсли ишлов бериш

нуният орасидаги боғлиқликни аниқлашда электр импульсли ишлов беришнинг асосий факторлари (U, C, n) материалнинг шикастланиш даражаси S кўрсаткичлари асидаги боғлиқликни аниқлаш керак.

А.Раджабов тадқиқотларида ўсимлик материаллариға эвалар ва узум) электр импульсли ишлов бериш жараётенгламаларини аниқлаган, яъни ўсимлик материаллиға электр импульсли ишлов беришда шикастланиш даражаси куйидагича тавсифлаган:

$$S = S_0 \frac{Q_{ed}}{K_1} + S_{max} \left[1 - e^{-\frac{Q_{ed}}{K_1}} \right] \quad (1)$$

бунда: S_0 ва S_{max} - ўсимлик материалли шикастланиш даражасининг бошланғич ва максимал қиймати; Q_{ed} - битта импульс энергияси, дЖ; n - импульслар сони, дона; K_1 - автги импульсга нисбатан кейингисидики шикастланиш эфти камайишини тафсифловчи коэффициент [16].


Техник чигит янчилмасига электр импульсли ишлов берганда маҳсулотга бирданига электр, механик ва бошқа кторлар таъсир қилади, бу комплексда хужайраларнинг лиқлигини ва парохим хужайраларни шикастлайди. Нақсда чигит хужайраларини ҳажм буйича бир текисда буишига олиб келади. Техник чигит янчилмасига электр тувли ишлов берилганда маҳсулотнинг намлиги ва қалиги инобатга олиниши шарт. Чунки чигит янчилмаси мой олинаётганда маҳсулотга иссиқлик билан ишлов иш ҳароратига ва чигитнинг сортига қараб намлиги турла бўлади. Шуларни инобатга олган ҳолда А. Раджабов юнидан қўлланилган хужайра шикастланиш даражасини қловчи ифодани куйидагича ёзиш мумкин.

$$S = S_0 \frac{Q_{ed} \cdot m \cdot f}{K_1 \cdot h} + S_{max} \left[1 - e^{-\frac{Q_{ed} \cdot m \cdot f}{K_1 \cdot h}} \right] \quad (2)$$


бунда: f - ишлов берилаётган маҳсулотнинг намлик даражаси (чигит янчилмаси учун 0,085 дан - 0,12 гача) [17]. h - ишлов берилаётган маҳсулотнинг қалинлиги.

Мой, хужайра деворидики электролитик ҳамда хужайра орасидики бўш ҳолатда жойлашган. Электроимпульс сирида хужайраларда микро тешиқлар ҳосил қилиш с, балки хужайра мембранасини бузиш ва мойни физик атдан механик ҳолатга ўтказиш ҳисобланади [18, 19, 20]. Электроимпульсли ишлов бериш самарадорлигини элаш ва ишлов берилаётган объектнинг ҳолатини кўрвчи параметр сифатида маҳсулотнинг шикастланиш ажаси қабул қилинган.


Натижалар таҳлили ва мисоллар. Электроимпульсли юв беришнинг ҳар бир кўрсаткичларини шикастланиш ажасига кўрсатаётган таъсирини ўрганиш учун юкориселтириб ўтилган усул буйича бир қатор тажрибалар ирилган. Тажрибалар натижаси буйича чигит мағзига строимпульсли ишлов бериш буйича тадқиқотлар ўтилган ва уларнинг натижасидики куйидаги боғланиш грапарни қурилган (2, 3, 4, 5, 6, 7-расмлар).




2-расм. Чигит мағзининг 6 кВ разряд кучланишида шикастланиш даражасига импульслар сонига боғлиқлиги (C-конденсатор сизими)




3-расм. Солиштирма энергия ҳаражатиинг импульслар сонига боғлиқлиги




4-расм. 6 кВ разряд кучланишида чигит мағзининг шикастланиш даражасига конденсатор сизимининг боғлиқлиги



5-расм. Чигит мағзи хужайраси C=0,8 мкФ да шикастланиш даражасининг разряд кучланишига боғлиқлиги



6-расм. Чигит янчилмасининг намлигига боғлиқ ҳолда хужайрадаги мой тутиб турувчи тўқималарнинг шикастланиш даражасини кучланишга боғлиқлиги



7-расм. Ишлов берилаётган чигит янчилмасини қалинлигига боғлиқ ҳолда мой тутиб турувчи тўқималарнинг шикастланиш даражасининг кучланишга боғлиқлиги

Юқоридаги боғлиқлар шуни кўрсатадики, импульслар сони 2–18 гача кўпайиши билан маҳсулотнинг шикастланиш даражаси маълум миқдорда ошади, кейинчалик импульслар сони ошиши билан бузилишлар даражаси унчалик кўпаймайди. Конденсатор ҳажмини 1,2 мкФ. дан ошириш эса ишлов бериш самарадорлигини кескин пасайишига олиб келади ҳамда энергия сарфи ошади. Конденсатор ҳажмини ошириш шикастланиш даражасини пасайишига олиб келади. Разряд кучланишининг ишлов берилаётган техник чигит синфига боғлиқ холда 6–6,5 кВ га оширганда шикастланиш даражаси кескин ошади ва энергия ишлов берилаётган маҳсулотнинг бутун ҳажми бўйича сарфланади. Разряд кучланиши ва импульслар сони доимийлигида чигит мағзи шикастланиши оптимал даражада бўлиши учун конденсатор ҳажми 0,7–0,8 мкФ бўлиши керак. Конденсатор ҳажмини ошириш шикастланиш даражасини пасайишига олиб келади. Дастлабки ўтказилган тажриба натижаларида

1-жадвал

Электроимпульсли ишлов берилган пахта чигити янчилмасидан олинган мой чиқиши натижалари

Импульслар сони, п.та.	Ишлов берилган кучланиш, кВ.	Ишлов берилган маҳсулот		Ишлов берилмаган назорат маҳсулот	
		Янчил-манинг оғирли-ги, кг.	Чиққан ёғ миқдорининг янчилмага нисбати % да	Янчил-манинг оғирли-ги, кг.	Чиққан ёғ миқдорининг янчилмага нисбатан % да
18	4	1,59	27,03	1,59	27,54
18	4,5	1,54	27,22	1,54	26,86
18	5	1,53	28,64	1,53	27,29
18	5,5	1,57	29,80	1,57	27,64
18	6	1,60	30,89	1,60	26,87
18	6,5	1,58	31,56	1,58	27,62

техник чигит янчилмасига электроимпульсли ишлов берилганда разряд кучланишининг хар бир қийматида (6,... 6,5 кВ) импульслар сонини (n) 18 тадан бериб ўрганилди. Улчаш натижалари 1-жадвалда келтирилган. Электр импульсли ишлов берилгандан кейин ишлов берилган мағиз ва чигит намуналари экстракция усули билан текширилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики чигит янчилмаси, яъни ишлов берилмаган маҳсулотдан олинган ёғ миқдори 27,62% ни ташкил этган бўлса, электроимпульс билан ишлов берилганда кучланиш ориштири билан чигитдан олинаётган ёғ миқдорини ошишини кўринади. Бунда энг юқори разряд кучланиши 6.5кВ да ёғмиқдорининг ишлов берилмаган чигитга нисбатан 4% га ошганлигини кўриш мумкин.

Хулоса. Техник чигит навига боғлиқ холда мойлилик миқдори ўртача 26-27%ни ташкил этади. Амалдаги технология бўйича маҳсулотнинг мойлилик миқдорига нисбатан прес мойининг чиқиши 11,8%, экстракция мойининг чиқиши 5,8%, кунжаарадаги қолдиқ мой миқдори 6,31%, шароитдаги қолдиқ мой 0,51% ни ташкил қилади. Таклиф этилаётган технологияни қўллаш натижасида пресслаб мой олиш жараёнининг ўзида чигит таркибидаги мойни кўпроқ миқдорда сиқиб олиш, бир бирлик маҳсулотга сарфланаётган энергияни камайтириш имконини беради. Техник чигит янчилмасига электр импульсли ишлов берилганда маҳсулотнинг намлиги ва қалинлиги инobatга олиниши шарт. Тажриба натижалари-га кўра маҳсулот намлиги 10% ни, ишлов берилаётган маҳсулот қалинлиги 5-10 мм бўлганда, разряд кучланиши 6-6,5 кВ, конденсатор сиғими 0,7-0,8 мкФ ва импульслар сони 18-20 тага оширилганда маҳсулотнинг шикастланиш даражаси 80-85% ни ташкил этади ва бу кўрсаткичлар энергия тежамкор параметрлар ҳисобланади. Таклиф этилаётган электротехнологияни қўллаш натижасида пресслаб ёғ олиш жараёнининг ўзида чигит таркибидаги ёғни кўпроқ миқдорда сиқиб олиш, қовуриш жараёнининг давомийлигини камайтириш ва ўз навбатида экстракция қилиниб олинadиган техник мой миқдорини камайтириш имконини беради.

№	Литература	References
1	Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017.	<i>Uzbekiston Respublikasini yanada rivozhlantirish buyicha harakatlar strategiyasi. Uzbekiston Respublikasi konun khuzhzhatlari toplami. Toshkent, 2017</i> [Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan. Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, 2017] (in Uzbek).
2	Методика определения экономической эффективности использования в народном хозяйстве новой техники, изобретений, рационализаторских предложений”. – Москва: Госкомизобретений, 1998. – 32 с.	<i>Metodika opredeleniya ekonomicheskoy effektivnosti ispol'zovaniya v narodnom khozyaystve novoy tekhniki, izobreteniy, ratsionalizatorskikh predlozheniy</i> [Methodology for determining the economic efficiency of the use in the national economy of new equipment, inventions, rationalization proposals]. Moscow State Committee on Inventions, 1998. 32 p (in Russian)
3	Салимов З. Интенсификация технологических процессов производства растительных масел. – Ташкент: Узбекистан, 1981. – 266 с.	<i>Salimov Z. Intensifikatsiya tekhnologicheskikh protsessov proizvodstva rastitel'nykh masel</i> [Intensification of technological processes for the production of vegetable oils] Tashkent: Uzbekistan, 1981. 266 p (in Russian)
4	Закгейм А. Ю. Введение в моделирование химико-технологических процессов. – Москва: Химия, 1982. – 288 с.	<i>Zakheim A. Yu. Vvedeniye v modelirovaniye khimiko-tekhnologicheskikh protsessov</i> [Introduction to the simulation of chemical-technological processes] Moscow.: Chemistry, 1982, 288 p. (in Russian)
5	Белобородов В.В. Основные процессы производства растительных масел. – Москва: Пищевая промышленность, 1966. – 478 с.	<i>Beloborodov V.V. Osnovnyye protsessy proizvodstva rastitel'nykh masel</i> [Basic processes for the production of vegetable oils] Moscow: Food Industry, 1966, 478 p. (in Russian)
6	А.Ф.Сафаров. Разработка теоретических основ разрушения клеточной стенки маслосодержащих материалов воздействием электромагнитных полей. отчето научно-исследовательской работепро программе 3-Ф "Биология, химия, медицина" за 2009-2011 гг. – Ташкент. – С. 123–147.	<i>A.F.Safarov. Razrabotka teoreticheskikh osnov razrusheniya kletochnoy stenki maslosoderzhashchikh materialov vozdeystviyem elektromagnitnykh poley. otchet nauchno-issledovatel'skoy rabotepo programme 3-F</i> [Development of the theoretical foundations of cellular destruction walls of oil-containing materials by electromagnetic fields. Report on the research work of the program 3-F] "Biology, Chemistry, Medicine" for 2009-2011 Tashkent. Pp. 123-147. (in Russian)
7	Лисицын А.Н., Григорьева В.Н. Проблемы глубокой переработки маслосодержащего сырья и экологической безопасности получаемых жировых продуктов. Масложировая промышленность. – Москва, 2001. – № 4. – С. 14–25	<i>Lisitsyn A.N., Grigorieva V.N. Problemy glubokoy pererabotki maslosoderzhashchego syr'ya i ekologicheskoy bezopasnosti poluchayemykh zhirovyykh produktov</i> [Problems of deepprocessingofoil-containingrawmaterialsandenvironmentalsafetyoftheresultingfattyproducts] Maslozhirovaya prom-st, 2001; No 4. Moscow, Pp. 14-25 (in Russian)

8	Артиков А.А., Сафаров А.Ф., Маматкулов А.Х. Терморационная обработка мятки семян хлопчатника. В книге «Тезисы докладов Всесоюзной научной конференции «Разработка и совершенствование технологических процессов, машин, оборудование хранения и транспортировки продуктов питания». Москва, 26-28 мая 1987. – С.64-66.	Artikov A.A., Safarov A.F., Mamatkulov A.Kh. <i>Termoradiatsionnaya obrabotka myatki semyan khlopchatnika</i> [The rroradiation treatment of cottonseed mints] In the book "Theses of reports of the All-Union Scientific Conference" Development and improvement of technological processes, machines, equipment for storage and transportation of food. " Moscow, May 26-28, 1987. Pp 64-66 (in Russian)
9	Артиков А. А., Сафаров А.Ф., Шомурадов Т.Р., Гафуров К.Х., Базарбаева Д.Ш., Способ извлечения масла из плодовых косточек. А.с. № 1739624 по заявке № 4811766 от 09. 04. 90. – С.96-99	Artikov A.A., Safarov A.F., Shomuradov T.R., Gafurov K.X., Bazarbaeva D.Sh., Sposob izvlecheniya masla iz plodovykh kostochek [The method of extracting oil from the fruit seed] № 1739624 on the application number 4811766 from 09. 04. 90. Pp 96-99
10	Сафаров А. Ф., Артиков А. А., Усманов А. У., Маматкулов А. Х. Исследование влияния ИК-жарения мятки семян хлопчатника на качественные показатели масла. // Тез. докл. респуб. научно-техн. конф. "Научно-практические аспекты комплексного использования хлопчатника как сырья для пищевой промышленности. – Ташкент, 1990. – 123 с.	Safarov A. F., Artikov A. A., Usmanov A. U., Mamatkulov A. Kh. <i>Issledovaniye vliyaniya IK-zhareniya myatki semyan khlopchatnika na kachestvennyye pokazateli masla</i> [Investigation of the effect of infrared frying of cotton-seed mints on the quality indicators of oil] Tez. report repub scientific and technical conf. "Scientific and practical aspects of the integrated use of cotton as a raw material for the food industry. Tashkent, 1990. 123 p. (in Russian)
11	Хабибов Ф.Ю., Джурраев Х.Ф., Абдурахмонов О.Р.Кобилев Х.Х. Интенсификация процесса сушки сельхозпродуктов комбинированным методом подвода энергии. Научно-технический журнал «Химия и химическая технология» №3, Москва 2010 г. – С. 45-49	Khabibov F.Yu., Dzhuraev Kh.F., Abdurahmonov O.R. Kobilov Kh.H. <i>Intensifikatsiya protsessa sushki sel'khozproduktov kombinirovannym metodom podvoda energii</i> [Intensification of the drying processo fagri cultural products by the combined methodofenergy supply], Nauchno-Technical Journal "Chemistry and Chemical Technology" No. 3, Moscow 2010. Pp 45-49. (in Russian)
12	Сафаров А.Ф., Артиков А.А., Усманов А.У., Маматкулов А.Х., Сарымсаходжаев А.Р. Влаготепловая обработка маслосодержащих материалов//Пищевая промышленность. Москва. ВО "Агропромиздат", 1990, №9, – С. 25-26.	Safarov A.F., Artikov A.A., Usmanov A.U., Mamatkulov A.X., Sarymsakhodzhaev A.R. <i>Vlagoteplovaya obrabotka maslosoderzhashchikh materialov</i> [Moisture-heat treatment of oil-containing materials]/Food industry. Moscow. VO "Agropromizdat", 1990, No. 9, Pp. 25-26. (in Russian)
13	Усманов А. У., Маматкулов А. Х., Додаев К. О., Джурраев Х. Ф. Оптимизация процесса ИК-жарения мятки семян хлопчатника // Тез. докл. Республ. научно-практ. конф. молодых ученых и специ алистов. -Ташкент: ТашХТИ, 1988. – 3 с.	Usmanov A.U., Mamatkulov A.Kh., Dodaev K.O., Dzhuraev Kh.F. <i>Optimizatsiya protsessa IK-zhareniya myatki semyan khlopchatnika</i> [Optimization of the process of infrared frying of the myatka seed of a cotton planter]/Tez. report Rep. scientific and practical conf. young scientists and specialists. Tashkent. Tashkent State Technical Institute, 1988. 3 p. (in Russian)
14	Артиков А.А., Сафаров А. Ф., Маматкулов А. Х., Саидмуратов У. А. и др.Способ выделения масла из семян хлопчатника. По заявке № 4657716/13/009180 от 12.01.89.	Artikov A.A., Safarov A.F., Mamatkulov A. X., Saidmuratov U.A., and others.Sposob vydeleniya masla iz semyan khlopchatnika [The method of extraction of oil from cotton seeds]According to the application number 4657716/13/009180 from 01/12/89. (in Russian)
15	А.Турдибоев, Д. Акбаров Новая электротехнология производства хлопкового масла "Илмий тадиқот ва кадрлар тайёрлаш тизимида инновацион хамкорликни ривожлантиришнинг муаммолари ва истиқболлари" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман. – Бухоро, 2017. – Б.147-149.	A.Turdiyboev, D.Akbarov <i>Novaya elektrotekhnologiya proizvodstva khlopkovogo masla</i> [New Electrotechnology for the Production of Cotton Oil]/International scientific-practical conference "Problems and prospects of development of innovative cooperation in the field of scientific research and personnel training". Bukhara, 2017, Pp 147-149. (in Russian)
16	A. Radjabov, A. Turdiyboev, D. Akbarov The problems of energy efficiency in extracting fat and oils from cotton seeds and theirsufficient solutions journal "Irrigatsiya va melioratsiya" №4(10).2017	A. Radjabov, A. Turdiyboev, D. Akbarov .The problems of energy efficiency in extracting fat and oils from cotton seeds and theirsufficient solutions journal "Irrigatsiya va melioratsiya"№4 (10). 2017
17	Вахидов А.Х., Холиқназаров У.А., Шайманов Н.А. Электроимпульсли ишлов бериш орқали пахта иойи ишлаб чиқаришнинг энергия самарадорлигини баҳолаш "Аграр соҳани барқарор ривожлантиришда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси" мавзусидаги профессор-ўқитувчи ва ёш олимларнинг I илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент. 2017. – Б. 226–228.	Vakhidov AH, Holiknazarov OA, Shaymanov N.A. <i>Elektroimpul'sli ishlov berish orkali pakhta moyi ishlab chikarishning energiya samaradorligini baholash</i> [Energy efficiency of cotton production by electro-bulb processing] Collection of materials of I-scientific-practical conference of young scientists and professors-teachers on theme "Integration of science, education and production in the sustainable development of the agrarian sector" Tashkent, 30-31 July 2017 Pp. 226-228. (in Uzbek)
18	А.Х.Вахидов, М.Н.Саломов, А.А.Турдибоев. Электроимпульсли ишлов беришнинг чигит янчилмаси хужайраси структурасининг шикастналигига таъсири. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси, 1 (59) Тошкент. 2015 йил, 94-96 б	A.Kh.Vakhidov, M.N.Salomov, A.A.Turdiyboev. <i>Elektroimpul'sli ishlov berishning chigit yanchilmasi khuzhayrasi strukturasing shikastnalishiga ta'siri</i> [The effect of electro-pulsed processing on the severity of the cellular structure] Uzbekistan Agrarian Science Notification. 1(59) Tashkent 2015, Pp. 94-96. (in Uzbek)
19	А.Х.Вахидов, И.Э.Таджибекова, А.А.Турдибоев. Преимущество использования электрофизических методов при производстве растительного масла. X Международная научно-практическая конференция "Аграрная наука – сельскому хозяйству". Барнаул, 2015 г. Сборник статей, Книга 3, С.30-31	A.Kh.Vakhidov, I.E.Tadzhibekova, A.A.Turdiyboev. <i>Preimushество ispol'zovaniya elektrofizicheskikh metodov pri proizvodstve rastitel'nogo masla</i> [The advantage of using electrophysical methods in the production of vegetable oil] X International Scientific and Practical Conference "Agrarian Science - Agriculture". Barnaul, 2015. Collection of articles, Book 3, Pp. 30-31. (in Russian)
20	А. Вахидов, А. Турдибоев, У. Холиқназаров The efficiency of electro hydro impulse in primary processing of cotton seed in oil producion "Актуальные проблемы аграрной науки, производства и образования" Материалы II международной заочной научно-практической конференции молодых ученых и специалистов на иностранных языках. – Воронеж, 2016. – 75 с	A. Vakhidov, A. Turdiyboev, U. Holiknazarov The efficiency of electro hydro impulse in primary processing of cotton seed in oil producion <i>Aktual'nyye problemy agrarnoy nauki, proizvodstva i obrazovaniya</i> "Materialy II mezhdunarodnoy zaочноy nauchno-prakticheskoy konferentsii molodykh uchenyykh i spetsialistov na inostrannykh yazykakh" [Current problems of agricultural science, production and education] Materials of the II International Correspondence Scientific and Practical Conference of Young Scientists and Specialists in Foreign Languages] Voronezh-2016. 75 p. (in Russian)

УЎТ: 631.3

АГРАР ТИЗИМИ ХЎЖАЛИКЛАРИДАГИ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАР РЕСУРСИДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Ш.У.Йулдошев - т.ф.д., профессор, академик, С.О. Холова - ассистент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада, қишлоқ ва сув хўжаликларидagi машина ва агрегатларни такомиллаштириш, улар ресурсида самарали фойдаланиш, қайта тиклаш, техник хизмат кўрсатиш, сақлаш ва диагностикалаш бўйича Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва йиғилиш баённомаларининг мазмун-моҳияти ва қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тақлиф, тавсия ва технологиялар берилган. Қишлоқ хўжалигини техникалар билан таъминланганлигининг таҳлили, шунингдек, мелиорация ва қишлоқ хўжалиги техникаларини модернизациялаш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, сақлашга мосланганлиги ва ресурсини узоқ муддатга сақлашлилик бўйича моддий-техник базаларини тубдан яратишга қаратилган тавсиялар келтирилган.

Таянч сўзлар: агрегат, фермер, фойдаланиш, таъмирлаш (буткул, жорий), техник хизмат кўрсатиш, диагностика, ресурс, самарали фойдаланиш, "Режали огоҳлантирувчи" тизим, технологик жиҳозлар.

ПРОБЛЕМЫ ПОЛНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ РЕСУРСОВ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ В ХОЗЯЙСТВАХ АГРАРНОЙ СИСТЕМЫ

Ш.У. Йулдошев-д.т.н., профессор, академик, С.О. Холова - ассистент

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье приведены рекомендации и технологии, основанные на содержании Указа Президента, Постановлений Кабинета министров и протоколов Совета по совершенствованию машин и агрегатов в сельском и водном хозяйстве, эффективному использованию их ресурсов, техническому обслуживанию, хранению и диагностике. Проведен анализ поставок сельскохозяйственной техники, даны рекомендации по совершенствованию мелиоративных и сельскохозяйственных машин, организации технического обслуживания и создания материально-технической базы, обеспечению долгосрочного сохранения их ресурса.

Ключевые слова: агрегат, фермер, техническое обслуживание, ремонт (капитальный, текущий), техническое обслуживание, диагностика, ресурс, эффективное использование, «Планово-предупредительная» система, технологическое оборудование.

PROBLEMS OF FULL USE OF RESOURCES OF MACHINES AND MECHANISMS IN THE ECONOMY OF AGRARIAN SYSTEM

Sh.U. Yuldoshev- d.t.s., professor, academician, S.O. Kholova-assistant

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

The article presents recommendations and technologies based on the content of the President's decree, resolutions of the Cabinet of Ministers and Council protocols on improving machines and assemblies in agriculture and water management, efficient use of resources, maintenance, storage and diagnostics. An analysis of the supply of agricultural machinery, as well as recommendations for the improvement of reclamation and agricultural machinery, the organization of maintenance and the creation of the material and technical base, as well as the long-term preservation of their resources.

Key words: aggregate, farm, maintenance, repair (full, current), storage, workshops, maintenance, diagnostics, resource, service life, effective use, scheduled warning system, technological equipment.


Кириш. Республикамиз аграр соҳа тизимлари хўжаликларидagi мавжуд техникалар (машина, механизм, насос агрегатлар ва бошқалар) бўйича улкан салоҳиятга эга. Бу эса, агротехник ва технологик жараёнларни сифатли бажаришни, меҳнат сарфини камайтириш, иш унумдорлигини оширишни самарадорлик билан бажарилишини таъминлайди. Шу соҳани ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 октябрдаги «Қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ф-5394-сонли фармойишига асосан, Вазирлар Маҳкамасининг (2018 йил 2 ноябрда) йиғилиш баённомасида қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникалар ёки уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб

чиқарувчи корхоналар ҳолатини ўрганиш ва 2019 йил 18 январда "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ги қарорида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани, амалий жиҳатдан янгича ёндашувда ва салмоқли ҳаракатлар қилинаётгани маълум [1, 2].

Мавжуд муаммолар. Ҳозирги кунга қадар қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва уни механизациялаш энг муҳим устувор йўналишлар бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки, қишлоқ хўжаликлардаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мамлакатимизнинг иқтисодийотини ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда,

фақат қишлоқ аҳолиси, балки мамлакатимиз аҳолисининг моддий фаровонлигини ошириш, хўжаликлардаги машина ва механизмлар ресурсларидан тўлиқ, самарадорлик билан фойдаланиш ва бебаҳо бойлигимиз бўлган сув, еришнинг унумдорлиги, унинг сифатини мунтазам яхшилаб олиш, уларнинг ва машина механизмлар ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш билан узвий боғлиқдир.

Кириш. Ҳозирги пайтда жисмоний тарбия ва спортнинг жамият ҳаётидаги роли ошиб бормоқда. Жумладан, жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий фаолияти бир қатор турли кўникмалар билан белгиланади. Кўпгина олимлар фикрига кўра, ўқитувчининг педагогик кўникмасини белгиловчи омиллардан бири—ундаги дидактик қобилиятларнинг шаклланганлик даражаси ҳисобланади. Шу боис, дидактик маҳоратнинг шакллантириш жараёнини йўлга қўйиш масаласи ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқот-

майди. Демак, тадқиқотнинг вазифаларидан бири дидактик қобилият моҳиятини назарий ташкил этиш саналади.

Кўникмага бериладиган таъриф олимлар томонидан турлича талқин этилади. Жумладан, К.К.Платонов: "Кўникма шаклланиб шахс хусусиятига, малакага айланади", деган бўлса, Е.П.Ильин: "Кўникма – фаолият қоидалари ва мақсадига мувофиқ маълум бир ҳатти-ҳаракат ёки фаолиятини бажариш усулларига амалий эга бўлиш демакдир", деб фикр юритади, А.И.Щербанов эса: «Дидак-

тик кўникма малаканинг юқори даражасини таъминловчи, ўқитувчининг касбий вазифасини ижодий бажаришга йўналтирилган психологик ва амалий хатти-ҳаракатларнинг мураккаб динамик мажмуига эга бўлиш”, каби фикрларни илгари суради.

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа бир қатор ҳужжатларда жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий тайёргарлигига бўлган қуйидаги кўникмалари белгилаб берилган:

- жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг самардорлигини баҳолаш;

- миллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жисмоний соғломлаштириш машғулотларининг асосий турларини тузиш ва ўтказиш;

- жисмоний тарбия машғулотларини тиббий-биологик ва педагогик назорат қилишни амалга ошириш қобилияти;

- ҳаракатланиш машқларини ўргатиш ва танланган спорт бўйича шахснинг жисмоний хусусиятларини ривожлантириш;

- жароҳатланишнинг олдини олиш бўйича тадбирларни режалаштириш ва турли воситалар ҳамда усуллардан фойдаланиш.

Педагогик бошқариш жараёнини болалар ва катталарни ўқитиш бўйича педагогик вазиятларни ҳал этиш жараёни сифатида кўриб чиқиб, муаллиф педагогик фаолият таркибидан 5 та асосий функциявий компонентни ажратиб берган:

- сиёсий-педагогик тизим ишлашининг барча аспекта-ри тўғрисидаги маълумотни олиш;

- конструктив—олдиндаги ўқув машғулотлар режасини тузиш ва унга тайёргарлик кўриш;

- лойиҳалаштирувчи—таълим ва тарбия дастури ҳамда режаларини, мақсад ва вазифаларини таърифлаш;

- коммуникатив—таълим жараёни қатнашчиларининг ўзаро муносабати ва алоқаси;

- ташкилий - белгиланган режадаги таълим ва тарбия дастурининг амалий бажарилиши.

В.М.Корецкий томонидан ишлаб чиқилган педагогик бошқарув моделида бошқарувнинг 4 та асосий вазифаси ажратиб кўрсатилган: режалаштириш, умумий ташкиллаштириш, тезкор бошқарув ва назорат. Унинг фикрича, ушбу функцияларнинг ҳар бири технологик операциялар доирасига мос келади. Таҳлил доирасида ўқув-тарбия жараёнини режалаштириш функциясининг педагогик бошқарув моделини тақдим этилди.

Бу уларни амалга оширишни таъминловчи технологик операцияларнинг қуйидаги доирасига мос келади:

- шуғулланувчиларнинг тайёргарлик ҳолатининг меъёрий кўрсаткичларини аниқлаш;

- мақсадларга бўлган муддатлар ва меъёрий талабларни аниқлаш;

- шуғулланувчиларнинг келгуси фаолият шароитларини баҳолаш;

- шуғулланувчиларнинг тайёргарлик ҳолатининг меъёрий кўрсаткичларини таърифлаш;

- белгиланган вазифаларга ўхшаш восита методларини аниқлаштириш ҳамда уларни машғулотлар тизимида тақсимлаш;

- режалаштириш ҳужжатларини расмийлаштириш.

Педагогик фаолиятнинг тахминий асосларини шаклланишининг муваффақияти жисмоний тарбия ўқитувчисининг ушбу технологик операцияларни қанчалик эгаллаганига боғлиқ.

Хулоса. Қайд этилган материалларни умумлаштирган ҳолда маҳоратлар доирасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар таълим фаолиятининг тўлиқ таълимий асосларини шакллантириш учун зарур, мазкур маҳоратларга қуйидагилар кирди:

- таълимнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш ва шакллантириш;

- олдига қўйилган мақсадларни ҳисобга олган ҳолда таълим мазмунини аниқлаштириш;

- ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро алоқадор фаолиятини кенгайтирилган таълим мазмуни сифатида ўқув жараёнини моделлаштириш.

Ажратиб кўрсатган қобилиятларнинг 3 гуруҳи таълим мақсади, мазмуни ва жараёни билан боғлиқ. Айнан мана шу 3 компонент аввало бўлажак ўқиш фаолиятининг тахминий асосини шакллантиришда ҳисобга олинади.

Педагогик фаолиятнинг ушбу босқичида бажариладиган бошқа барча хатти-ҳаракатлар ва операциялар доираси қуйидаги 3 та вазифадан бирини ҳал этишга хизмат қилади: таълим мақсади, таълим мазмуни, таълим жараёнининг тавсифи.

Ўқитувчини тайёрлаш бўлажак фаолиятининг тахминий асосларини шакллантириш билан бир қатор ташкилий тадбирларни амалга оширишни ўз ичига олади. Шу боис ушбу босқичга таълим вазифаларини сифатли ҳал этиш учун шарт-шароитларни ташкил эта олиш қобилиятини ҳам киритиш мақсадга мувофиқдир.

№	Адабиётлар	References
1	Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний маданият ва спорт тўғрисида”ги қонуни. – Тошкент, 2015	<i>Uzbekiston Respublikasining 2015 yil 4 sentyabrda kabul qilgan "Jismoniy madaniyat va sport tugrisida"gi konuni</i> [President decree of the Republic of Uzbekistan from September 4, 2015 "About physical culture and sport"] Tashkent http://lex.uz . (in Uzbek)
2	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚС – 3031 - сонли қарори. – Тошкент, 2017	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev 2017 yil 3 iyundagi Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora tadbirlari tugrisida</i> [President decree of the Republic of Uzbekistan from June 3, 2017. 3031] Tashkent http://lex.uz . (in Uzbek)
3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт” соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-568 сонли Фармони. – Тошкент, 2018.	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyev 2018 yil 5 martdagi "Jismoniy tarbiya va sport" sohasida davlat boshkaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari tugrisida"gi PF-568 sonli Farmoni</i> [About measures to improve the system of public administration in the field of "Physical culture and sports] March 5, 2018 Tashkent http://lex.uz . (in Uzbek)

4	Мирзиёев Ш.М. "Буюк келажгимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз". – Тошкент: Ўзбекистон 2017.	Sh.M. Mirziyoyev. Buyuk kelazhagimizni mar-d va olizhanob khalkimiz bilan kuramiz [Let's Build a great future together with a brave and generous people] Tashkent: Uzbekistan. 2017. (in Uzbek)
5	Герашенко И.Г., Зубаров Ю.А. "Роль инновации в спортивной педагогике. Теория и практика физической культуры". – Ташкент, 2012. – №69. – 10 с.	Gerashenko I, Zubarov Yu. <i>Rol innovatsii v sportivnoy pedagogike</i> [The Role of innovation in sport pedagogy] Theory and practice of physical culture. 2012. No69.10 p. (in Russian)
6	Саломов Р.С., Каримов Ф.А. Жисмоний тарбияда педагогик технологиялар. – Тошкент, 2004. – 241 б.	Salomov R. S. Karimov, F. A. <i>Jismoniy tarbiyada pedagogik texnologiyalar</i> [Educational technology in physical education]. Tashkent. 2004. 241 p. (in Uzbek)
7	Ильенкова С.Д. Инновационный менеджмент. Учебное пособие для студентов ВУЗов. – Тошкент, 2013. – С. 7-9	Ilyenkova S.D. <i>Innovatsionniy menezhment</i> [Innovative management] Textbook for University students 2013. Pp. 7-9. (in Russian)
8	Усмонходжаев Т.С. Талабалар ва усмирлар спорт машғулотлари назарияси ва услубиётлари. – Тошкент, 2006. – 238 б.	Usmanhodjayev T. S. <i>Talabalar va usmirlar sport mashgulotlari nazariyasi va uslubiyotlari</i> [The ories and methods of sports activities of teenagers and students]. Tashkent. 2006, 238 p. (in Uzbek)
9	Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Тошкент, 2012. – 158 б.	Azizhodjayeva N. N. <i>Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat</i> [Pedagogical technologies and pedagogical skills] Tashkent. 2012, 158 p. (in Uzbek)
10	Велинская М.Я., Горшков А.Г. Физическая культура и здоровый образ жизни студентов – КОНРУС. Москва: – 1999. – 158 с.	Velinskaya M., Gorshkov A. G. <i>Fizicheskaya kul'tura i zdoroviy obraz zhizni studentov</i> [Physical culture and healthy lifestyle of students] KONROS. Moscow, 1999, 158 p. (in Russian)
11	Кошбахтиев И.А. Основы оздоровительной физкультуры студенческой молодежи. – Ташкент, 2012. – 186 с.	Koshbahtiyev I. A. <i>Osnovy ozdorovitel'noy fizkul'tury studencheskoy molodezhi</i> [Fundamentals of Wellness physical education students] of MT. Tashkent. 1999. 186 p. (in Russian)
12	Матухно Е.В. Профессионально-прикладная физическая подготовка. Учебное пособие. – Киев, 2013. – 119 с.	Matuhno E. V. <i>Professional'no-prikladnaya fizicheskaya podgotovka</i> [Professionally applied physical training]. Textbook. Kiev. 2013, 119 p. (in Russian)
13	Умаров Д.Х.. "Средства и методы профессионально прикладной физической подготовки студентов и учащихся молодежи". Учебно-методическое пособие. – Ташкент, 2014. – 165 с.	Umarov D. H. <i>Sredstva i metody professional'no prikladnoy fizicheskoy potgotovki studentov i uchachshikhsya molodezhi</i> [Means and methods of professionally applied physical training of students and students of youth] Educational and methodical manual. Tashkent. 2014, 165 p. (in Russian)
14	Царева Л.В. Физическая культура и спорт в программе учебных занятий студентов неспециализированных ВУЗов. Учебное пособие. – Харьков, – 2008. – 231 с.	Tsareva L. V. <i>Fizicheskaya kultura i sport v programme uchebnykh zanyatiy studentov nespecializirovannykh VUZov</i> [Physical culture and sport in the program of training sessions of students of non-specialized Universities] Textbook. Kharkiv. 2008. 231 p (in Russian)
15	Эрдонов О.Л. Оздоровительная физическая культура в системе образовательного процесса по физическому воспитанию студентов. Учебное пособие. – Ташкент, 2012. – 211 с.	Erdonov O. L. <i>Ozdorovitel'naya fizicheskaya kul'tura v sisteme obrazovatel'nogo protsessa po fizicheskomu vospitaniyu studentov</i> [Improving physical culture in the system of educational process on physical education of students]. Textbook. Tashkent. 2012. 211 p. (in Russian)
16	Юнусова Ю.М. Теоретические основы физической культуры и спорта. – Ташкент, 2015. – 114 с.	Yunusova Yu. M. <i>Teoreticheskie osnovy fizicheskoy kul'tury i sporta</i> [Theoretical bases of physical culture and sport] Tashkent. 2015, 114 p. (in Russian)
17	Иргашев Б.Б. Валеология – Тошкент, – 2015. – 315 б.	Irgashev B. B. <i>Valeologiya</i> [Valeology] Tashkent. 2005, 315 p (in Uzbek)
18	Шарипова Д.Д. Формирование здорового образа жизни. Учебное пособие. – Ташкент, – 2012 – 182 с.	Sharipova D. D. <i>Formirovanie zdorovogo obraza zhizni</i> [Formation of a healthy lifestyle]. Textbook. 2012, 182 p. (in Russian)
19	www.pedagog.uz	www.pedagog.uz
20	www.edu.uz	www.edu.uz

УЎТ: 378:004

МОДУЛЬ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*З.К. Исмаилова - п.ф.д., профессор, Р.Х. Файзуллаев - п.ф.н., доцент в.б., Б.Р. Муқимов - ассистент
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*

Аннотация

Мақолада бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш, ҳамда амалиётга жорий этишда модуль технологиясидан фойдаланиш, Олий таълим ўқитувчисининг махсус фанларни ўқитишдаги муайян иш турлари, айниқса, ишлаб чиқариш-техник ва кўрсатмавий-технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш лаборатория ўқув ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, техника ва технологияларнинг янги моделларини ишлаб чиқиш ва улардан дарс жараёнида самарали фойдалана олиш, шу билан бирга махсус фанларни ўқитиш жараёнида назарий ва амалий машғулотларни, ихтисослик фанларига оид лаборатория ишларини ва ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларни ташкил этиш жараёнида интегратив таълим тамойилларига амал қилиш масалаларида ҳам модуль технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар бўйича фикр юритилган.

Таянч сўзлар: ўқув-билиш компетентлик, модулли-рейтинг, технологик ҳужжатлар, интерактив таълим, педагогик ташхис, ихтисослик фанлари, назарий ва амалий машғулотлар, модуль технологияси.

ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ НА ОСНОВЕ МОДУЛЬНОЙ ТЕХНОЛОГИИ

*З.К. Исмаилова - д. п. н., профессор, Р.Х. Файзуллаев - к.п.н., и.о.доцент, Б.Р. Муқимов - ассистент
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

Аннотация

В статье рассматривается состояние подготовки будущих специалистов к профессиональной деятельности, изучение их профессиональной компетентности в области специализации, разработка и внедрение инновационных методов педагогической диагностики, разработка инновационных методов обучения и использование модульных технологий, разработка специальной и технической документации, техническое обслуживание и использование лабораторного оборудования, разработка новых моделей техники и технологий, а также умение эффективно использовать их в обучении отмечена необходимость сосредоточения внимания на использовании модульных технологий в преподавании специальных дисциплин, включая теоретические и практические занятия, лабораторные работы по специальностям и применения принципов интегрированного обучения в организации учебных и производственных практик.

Ключевые слова: когнитивная компетентность, модульный рейтинг, технологическая документация, интерактивное обучение, педагогическая диагностика, специальности дисциплин, теоретическая и практическая подготовка, модульные технологии.

FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE SPECIALISTS BASED ON MODULAR TECHNOLOGY

*Z.K. Ismailova - d.p.s., professor, R.Kh. Fayzullaev - c.p.s., associate professor, B.R. Mukimov - assistant
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*

Abstract

The article discusses the study of the state of preparation of future specialists for professional activities, the study of their professional competence in the areas of specialization, development and implementation of innovative methods of pedagogical diagnostics, development and implementation of innovative methods of pedagogical diagnostics, the use of modular technologies in implementation and implementation in practice development of educational-methodical and instructive-technological documentation for specific types of work higher education teacher in teaching special disciplines, technical maintenance, special attention is paid to the use of modular technologies in the development of new models of equipment and technologies and their effective use in the educational process, as well as the implementation of the principles of integrated training in the process of organizing theoretical and practical classes, laboratory work in specialized disciplines and production practices in the process of teaching special disciplines.

Key words: educational and cognitive competence, technological documentation, interactive education, pedagogical diagnostics, specialization, theoretical and practical classes, modular technology.

Кириш. Умумжаҳон таълим Концепциясида илгари сурилган "инсоннинг бутун ҳаёти давомида сифатли таълим олишга имконият туғдириш" ғояси бўлажак касб таълими педагог кадрларининг касбий малакаларни пухта эгаллашлари учун барча ижтимоий-таълимий шарт-шароитларни яратишни тақозо этади. Европа иттифоқи ва ЮНЕСКО ташкилотлари томонидан қабул қилинган Сар-

бон декларацияси (Sorbonne Declaration) ва Иллинойс университети (АҚШ) "IEARN" ва "KIDLINK" минтақавий таълим дастурлари асосида мутахассислар тайёрлаш, уларнинг ўқув-билиш компетентлигини модулли-интегратив ва модулли-рейтинг ёндашувлар асосида такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Халқаро тажрибалар бўлажак мутахассисларнинг ўқув-билиш компетентлигини

модулли-рейтинг таълими асосида такомиллаштиришни лобаллашув шароитларига мослаштириш, ўқитишнинг *Interactive professionalism* шаклини қўллашнинг муҳимлигини кўрсатмоқда. Халқаро тажрибаларга кўра табиий, геҳник ва ижтимоий фанлар билан ишлаб чиқариш тузилмаларининг узвий алоқадорлигини чуқурлаштириш таълим самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатиданда таълим-тарбия мазмунини фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви асосида шакллантириш борасида гизимли ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “таълим сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим хизматларининг мавжудлиги ва самарадорлигини ошириш” [1] ва “зарур бўлган мутахассислар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг қўламда йўлга қўйиш” [2] каби устувор вазифаларнинг ижросини таъминлашда таълим олувчиларда эҳлит ва тизимли интегратив билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва таълим натижаларини диагностик баҳолаш муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлаш ҳолатини ўрганиш, уларнинг ихтисослик соҳалари бўйича касбий компетентлигини тадқиқ этиш, педагогик ташхислашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга қорий этишда модуль технологиясидан фойдаланишни гақозо этмоқда.

Модуль технологиядан анча йилдан бери фанларнинг ўргатишда қўлланилиб келишига қарамасдан, техник йўналишдаги фанларга кам қўлланилган. Модуль фанининг фундаментал тушунчаларини маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олиб ўрганади. Модуль технологияси ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у одам бош миясининг ўзлаштириш тизимга энг яхши мослашгандир. Модулли ўқитиш асоси инсон бош мияси тўқималарининг модулли ташкил этилганига таянади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда “Трактор ва автомобильлар” фанидан дарс беришда модулли ўқитиш технологиясини қўллаш мавзуни долзарблигини белгилайди.

Республикамизда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар пировард натижада жаҳон талаблари даражасидаги билим ва малакаларга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлашни кўзда тутди. Бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда дастурларида ривожланган давлатлар тажрибасидан ўрганилган билим ва малакалар тизими ўзининг ижодий аксини топмоқда. Ушбу тизимда касбий кўникмалари ҳам ўзининг аҳамияти ва қўлами билан муҳим ўрин тутди.

Демак, олий таълим тизимида тайёрланаётган бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини ҳам тубдан қайта кўриб чиқилиши талаб этилади. Олий таълим тизимида тайёрланаётган бакалавр битирувчиларни, айниқса, касб-ҳунар коллежларида ўргатувчи ўқитувчи-тарбиячиларни тайёрлаш жараёни педагогика олий ўқув юрларида ўзига хос шарт-шароитни талаб қилиш билан биргаликда, фанлараро алоқадорлик ҳамда изчиллик тамойилига таянган ҳолда ўқув-тарбиявий жараёни ташкил этувчи шароитни юзага келтиришни тақозо қилади [3]. Техник фанларни ўқитишда бўлажак ўқитувчиларининг математика ва табиий фанлар, ижтимоий-иқтисодий ҳамда умумкасбий фанларни узвий алоқада ўрганишлари талабларнинг бевосита касбий кўникма ва малакаларининг шаклланишида муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шу маънода, ҳар бир мутахассислик фанидан маъруза ва амалий машғулотларни ўтиб бориш жараёнида мутахассислик тушунчаларининг ўрни, уни баён қилиш зарурияти,

кетма-кетлиги, бошқа тушунчалар билан алоқадорлиги ва алоқадорликни рефлексив (рефлекс, беихтиёр), симметрик ёки анзитивлик (дарс жараёнида олинган билимлар мажмуини амалда ўз нутқида қўллаб олиши) ва бошқа хоссаларга бўйсунушига қараб, ҳар бир талабаниннг ўзини қандай салоҳияти билан қатнашаётганини аниқлаш имкониятига эга бўламиз. Олий ўқув юрларида бериладиган барча мутахассисликлар фанлари ичида асосан фақат маълумот берувчи, ўргатувчанлик функцияси билан чегараланиб қолмасдан фикрни ривожлантирувчи, интеграллаштирувчи, тарбияловчи функцияларига ҳам эгадир. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир фан ўқитувчисига талабаларни нафақат шу фан тузилмасида мавжуд бўлган илмий маълумотлар билан қуроллантириш, балки улар эгаллаган илмий тушунчаларни ривожлантириш ва бошқа тушунчалар билан интеграллашувини таъминлаш ҳамда талабаларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш вазифалари ҳам қўйилган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўқитувчи-олим навбатдаги ўқув машғулотига тайёргарлик кўришида ўқув материални юқорида санаб ўтилган талаблар ва тамойилларга риоя қилган ҳолда танлаши ва уни талабалар эътиборига ҳавола қилишида тегишли параметрлардан унумли фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Масаланиннг қўйилиши. Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиши унинг жамиятдаги ўрни педагогика олий ўқув юртидаги мажбурияти ва вазифаларига, ҳамда индивидуал қобилиятларига боғлиқ бўлади. Ўқитувчининг ижодий индивидуаллиги унинг индивидуал хусусиятлари (фикрлашнинг илмий таркиб топганлиги, ишга ижодий ёндашиши, ўз имкониятларини руёбга чиқаришга интилиши ва бошқалар) нинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Бўлажак касбий фан ўқитувчисининг ижодий индивидуаллигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг психологик-педагогик шарт-шароитлари қарама-қаршилигини ҳис қилиш, уларнинг топиш учун эса ўзига хослик ва мақсадга мувофиқлик каби касбий атамаларнинг таркиб топишида намоён бўлади [3]. Модулли таълим педагогик технологияларнинг бир тури сифатида таълим жараёнига тобора кенгроқ ёйилмоқда. Модуль сўзининг асл маъноси “модель” (франц. *modele* - намуна, лотинча – *modulus* – ўлчов) шартли образ (кўргазма, схема ва б.к.) яъни объект ёки объектли тизим маъноларини билдиради. Умумий маънода модуль технологиясини ўқитишда кўргазмали воситаларнинг бири сифатида ҳам тушуниш мумкин. “Модуль технологияси” термини халқаро тушунча модуль билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси – фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у, модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган информация блоки сифатида тушунилади [4]. Ўқитишнинг модуль тизими ҳақида расмий равишда биринчи марта, 1972 йил, ЮНЕСКОнинг Токиодаги бутун жаҳон концепциясида сўз юритилган эди. Модулли ўқитиш технологияси – функционал тизимлар, фикрлашнинг нейрофизиологияси, педагогик-психологияларнинг умумий назариясидан келиб чиқади [4, 5].

Модуль фанининг фундаментал тушунчаларини – маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади. Модуль – бу ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир [3]. Касб таълими жараёнида модулли ўқитиш ва баҳолашнинг илмий-педагогик асослари Қ.Т.Олимов, С.Ю.Ашурова, И.Отабоев, Н.Ҳ.Авлияқулов, М.И.Даминов, Ю.К.Бабанский, В.М.Гореев, М.А.Чошанов, Ю.Ф.Тимофеева ва хорижий мамлакат олимлари П.А.Юцявичене, J.D.Russell, B.Goldschmidt, M.Goldschmidt, G.Owens томонидан ўрганилган [3, 4, 5].

Асосий қисм. Олий таълим ўқитувчисининг махсус фанларни ўқитишдаги муайян иш турлари қуйдагилардан иборат эканлиги ҳаммага сир эмас албатта. Улар, айниқса, ишлаб чиқариш-техник ва кўрсатмавий-технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, лаборатория ўқув ускуналарига техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, техника ва технологияларнинг янги моделларини ишлаб чиқиш ва улардан дарс жараёнида самарали фойдаланиш ва ҳ.к. Шу боис махсус фанларни ўқитиш жараёнида назарий ва амалий машғулотларни, ихтисослик фанларига оид лаборатория ишларини, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларни ташкил этиш, битирув малакавий ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнида интегратив таълим тамойилларига амал қилиш масалаларида ҳам модуль технологияларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда таълим соҳасини ривожлантиришнинг самарали йўналишларидан бири – махсус фанларни модуль технологияси асосида ўқитишдир.

Маълумки, анъанавий таълимда ўқув мақсадлари асосан, билим беришга модуль технологияси асосида ўқитишда эса, талабалар фаолиятига йўналтирилади.

Модуль – бу фаннинг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва дидактик тамойил асосида тузилган ўқув материаллари бирлиги бўлиб, унда фан бўйича ўқув дастурлари кискартirilган ва чуқурлаштирилган тарзда табақалаштирилади

Натижада босқичча-босқич ўқитиш имконияти яратилади.

Агар талабаларни махсус фанлардан (мутахассисликка хос) модуль технологияси асосида ўқитиш тўғри ташкил этилса, таълимнинг ҳар қайси босқичида улар янги ўқув материалларини ўзлаштиради, кўникма ва малакасини такомиллаштиради. Модуль технологияси асосида ўқитиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади (1-расм) [6].

Модуль технологияси асосида ўқитишда дастлаб ўқув фанини ўқитишнинг мақсади ва мазмуни, модулларнинг мақсади ва мазмуни белгиланади. Ўқув мақсадлари модуль якунида таълим-тарбия натижаси сифатида талаба эришиши лозим бўлган билим, малака ва шахсий фазилат-



1-расм. Модуль технологияси асосида ўқитиш кетма-кетлиги

ларни белгилайди. Ўқув мақсадлари тармоқ таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилади. Улар: ўқув-дидактик материаллар ва ўқув воситалари дейилганда билим ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи ахборот манбалари, Модуль технологияси асосида ўқитишда ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли визуал воситалар, масалан, ўқув адабиётлари, картотека ва маъруза матнлари, тарқатма материаллар, амалий машғулотларда эса курс материаллари, услубий кўрсатмалардан фойдаланиш, Технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисида кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради. Иш соҳасига тегишли маҳсулотлар, жиҳозлар ва асбоблар дарс ёки амалий машғулот пайтида дидактик функцияга эга бўлса, ўқув воситаси сифатида

қўлланилиши мумкин бўлиб, асосан қуйидаги тамойилларга асосланади:

модулли ёндашув тамойиллари; модуллилик; мазмунли тузиш; динамик ҳаракатни таъминлаш (соддадан-мураккабга); самарадорлик; эгилувчанлик; натижаларни олдиндан аниқлаш; маслаҳатларнинг турли-туманлигини таъминлаш.

Модуль технологияси асосида ўқитишда ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли визуал воситалар, масалан, ўқув адабиётлари, картотека ва маъруза матнлари, тарқатма материаллар, амалий машғулотларда эса курс материаллари, услубий кўрсатмалардан фойдаланилади. Аудио-визуал воситалар тегишли соҳалар бўйича технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисида кенг қамровли реал тасаввурларни вужудга келтиради. Иш соҳасига тегишли маҳсулотлар, жиҳозлар ва асбоблар дарс ёки амалий машғулот пайтида дидактик функцияга эга бўлса, ўқув воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, натижавийликни таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб хизмат қилади бу эса 2-расмда келтирилган. Махсус фанларни модуль технологияси асосида ўқитишга тайёргарлик кўриш, яъни назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш учун дастлаб уч йўналишда иш олиб борилади [7].

Биринчидан, талабаларнинг тайёргарлиги ҳолати таҳлил қилиниб, уларнинг билими, ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси ва қобилияти тўғрисида маълумотга



2-расм. Махсус фанларни модуль технологияси асосида ўқитишга тайёргарлик кўриш

эга бўлинади. Чунки уларнинг ўзига бўлган ишончи, ўқишга бўлган қобилияти, шахсий ҳолати, жинси ва ёши таълим олишига муайян даражада таъсир кўрсатади. Талабаларнинг қобилиятига кўра табақалаштириш асосида уларга фанини мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

Иккинчидан, мавжуд шарт-шароитлар таҳлил этилади, у ўз ичига қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

ҳуқуқий шарт-шароитлар таҳлили, бунда таълим жараёнига тааллуқли ўқув режа ва дастурлар ўрганилади; машғулотларни ташкил этиш билан боғлиқ шарт-шароитлар таҳлили. Мазкур йўналишда модуль таркибига кирган назарий ва амалий машғулотлар ташкил қилинадиган жой, ўқув устахоналари ҳолати, амалий тажрибаларга тайёргарлик кўриш ва бошқалар ўрганилади;

техникавий шарт-шароитлар таҳлили, бунда техник жиҳоз ва мосламалар, ўқув ва ёрдамчи аудиовизуал воситаларнинг яроқлилик ҳолати, шунингдек, электр токи, сув ва ҳоказоларнинг мавжудлиги ўрганилади.

Учинчидан, махсус соҳалар таҳлил қилиниб, модуллар

мазмунини белгилашда зарур бўладиган ўқув материаллари ва бошқа манбалар ўрганилади. Масалан:

- махсус соҳалар бўйича дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётлар;
- техникавий адабиётлар (илмий-техник журналлар, махсус мақолалар, патентлар);
- машина ва мосламалардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар.

Модул таркибига киритилган назарий машғулотларни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади [7].


Қизиқтириш (мотивация уйғотиш). Махсус фанларни модуль технологияси асосида ўқитишда назарий машғулотларни қизиқарли, ҳатто дарсга тааллуқли бўлмаган маълумот билан бошлаш мумкин. Масалан, мавзу билан боғлиқ қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикматни тушунтириш билан дарс бошланади. Бу ўқувчилар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг шу соҳага ёки кейинги дарсларда ўрганиладиган мавзуга қизиқишига ёрдам беради. Маълумот (билим) бериш. Ўқитувчи талабаларга касб-ҳунар соҳаси бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар, ўқув суҳбатлари уюштиради, ўйин-машғулотлар ўтказилади. Янги модуль бирлигини ўрганишдан аввал ўтилган модуль бирликлари қисқача умумлаштирилган ҳолда такрорланади. Ўқувчи-талабаларга модуль бирлиги мос тарқатма материаллар берилади, бу ўқув жараёнини осонлаштиради. Уларни модуль бирлигига монанд равишда бирин-кетин тарқатиш ва кўриб чиқиш учун етарли вақт ажратиш, ўқувчи-талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун маълумотларни овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ. Таҳлиллар ва синтезлар, модуль бирликларини таҳлил қилиш ва синтезлаш орқали ўзлаштирилади, назарий билимларнинг амалий аҳамияти очиб берилади. Ўзлаштирилган билимлар фаннинг бошқа соҳаларига оид маълумотлар билан синтезланади ва амалда қўлланилади. Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин талабалар ўзлари бажарган ишларни баҳолаши лозим. Натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилиш ҳам ўта самаралидир.

Натижалар таҳлили. Олиб борилган тадқиқот ишлар натижасида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш мазмунини шакллантиришда умумқасбий ва махсус фанларни модульлари ўқитишда модуль-рейтинг назорати тизими ҳамда баҳолашнинг ассисмент, квалиметрик усуллари билан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилди. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини модуль-рейтинг технологияси асосида такомиллаштириш моделининг мотивацион, когнитив, фаолиятли, рефлексив ва креатив компонентлари аниқлаштирилди. Модуль фаннинг бўлим ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади. Модуль ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир. Модуль-рейтинг таълим технологиясининг мақсади талабаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат. Модуль-рейтинг технологияси фойдаланиш талабанинг модуль билан мустақил ишлаш жараёнида ўқув-билиш фаолиятининг муайян мақсадларига эришишни таъминлайди. Модуль-рейтинг технологиясини амалда жорий этиш муайян педагогик шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ. Би-

ринчи шарт-шароит: ўқитувчиларнинг мотивацияси. Иккинчи шарт-шароит: талабаларнинг мустақил таълим олиш ва билиш фаолиятини амалга оширишга тайёрлиги минимал билим ва амалий тажрибага эгаллиги. Учинчи шарт-шароит: модулларни кўпайтирилиши учун моддий имкониятларнинг мавжудлиги, ҳар бир ўқувчи дастурий таъминот билан таъминланган тақдирда самарали. Умумқасбий ва махсус фанлари модулларини ўқитиш жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш компетентлигини модуль-рейтинг таълим асосида такомиллаштириш модели ишлаб чиқилиб, унинг нафақат дидактик, балки ижтимоий-педагогик хусусиятга эга эканлиги асосланди. Бўлажак касб таълим ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш модели педагогик воситаларни ташкил қилади, улар ўртасида турли алоқалар ўрнатади, улардан фойдаланиш тартибини белгилайди ва ривожланиш динамикаси ҳамда яхлитлигини ҳисобга олади.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш ва мустақамлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчи-талабаларга тафаккур қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар берилади. Бу уларга билимларни қабул қилишнинг нисбий нофаол фазасидан фаол фазасига ўтиш учун имкон яратади. Ўқувчи-талабаларни гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш, мустақил равишда топшириқлар бажариш, эришган натижаларини тақдим этишга ўргатиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади. Модулни ўрганиш охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу – ўқитувчи ва талабалар фаолияти натижалари, уларни амалга ошган ва ошмаган ишлари юзасидан мулоҳаза юритиш учун яхлит имконият. Махсус фанларни модуль технологияси асосида ўқитиш борасида олиб борилган педагогик илмий-тадқиқот ишлар натижасига таяниб, шундай хулосаларга келиш мумкин (3-расм) [14].

Махсус фанларни модуль технологияси асосида ўқи-



3-расм. Махсус фанларни модуль технологияси асосида ўқитишга тайёргарлик кўриш

тишда кўпинча бевосита ва билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар тавсия этилади. Бевосита бошқариладиган амалий машғулотларда маърузалар, тақдиротлар ва намоийишлардан фойдаланилади. Шунингдек, машғулотларни савол-жавоблар, ўқув суҳбатлари, муаммони муҳокама қилиш асосида ташкил этиш ҳам яхши натижалар беради.

№	Литература	References
1	Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. N УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. № 6 (766) 70. –Ташкент: Правосудие, 2017. –38 с	O strateggi dalneshigo razvitiya Respubliki Uzbekistan ["On the strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan"] Meeting of the legislation of the Republic of Uzbekistan. No. 6 (766) 70. Tashkent. Justice, 2017. 38 p. (in Uzbek)

2	Обращение Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису. 22 декабря 2017 г. http://24.uz	<i>Obrasheniye Prezidenta Respubliki Uzbekistan k Oliy Majlisu</i> [Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis. December] 22, 2017 (in Uzbek)
3	Олимов К.Т., Авлякулов Н.Х., Рустамов Р. Модульная система обучения профессиональным наукам // Профессиональное образование. 2003. – № 2. – 18 с.	Olimov K.T., Avlyakulov N.Kh., Rustamov R. <i>Modul'naya sistema obucheniya professionalnem naukam</i> [Modular system of training in professional sciences] Vocational education. 2003. No. 2.18 p. (in Russian)
4	Ашурова С.Ю. Преподавание специальных дисциплин на основе модульных технологий. Профессиональное образование. – Ташкент. 2004. – С. 14-15	Ashurova S.Yu. <i>Prepodavanie special'nykh dissiplin na osnove modul'nykh tekhnologiy</i> [Teaching special disciplines based on modular technologies.] Professional education. Tashkent. 2004. Pp. 14-15 (in Russian)
5	Бородина Н.В., Самойлова Е.С. Модульные технологии в профессиональном образовании. Учебное пособие. – Екатеринбург, 1998. – 26 с.	Borodina N.V., Samoilova E.S. <i>Modul'nyye tekhnologii v professional'nom obrazovanii</i> [Modular technologies in vocational education.] Tutorial. Yekaterinburg, 1998. 26 p (in Russian)
6	Файзуллаев Р.Х. Повышение компетентности учителей в будущем профессиональном образовании на основе модульно-рейтингового образования. Автореферат. – Ташкент, 2018.	Fayzullaev R.Kh. <i>Poveshenie kompetentnosti uchiteley v budushem professionalnom obrazovanii na osnove modulno-reytingovogo obrazovaniya</i> [Improving the competence of teachers in future vocational education based on modularly-rated education] Abstract. Tashkent. 2018 (in Russian)
7	Исмаилова З.К., Химматалиев Д.О. Роль педагогической технологии разноуровневого обучения в современном профессиональном образовании // The Seventh International Congress on Social Sciences and Humanities, 2 nd April, 2016, Vienna 2016. – С.76-79.	Ismailova Z.K., Himmataliev D.O. <i>Rol pedagogicheskoy tekhnologii raznoyrovnevoy obucheniya v sovremennom professionalnom obrazovanii</i> [The role of pedagogical technology of multilevel training in modern professional education] The Seventh International Congress on Social Sciences and Humanities, 2 nd April, 2016, Vienna 2016, Pp. 76-79. (in Russian)
8	З.К.Исмаилова. Педагогика. Ташкент. Молия 2010 г. 153 с.	Z.K. Ismailova. <i>Pedagogika</i> [Pedagogy.] Tashkent. Lightning 2010. 153 p.
9	Ишмухамедов Р. Дж., Абдукадыров А., Пардаев А. Рабочая тетрадь директора (практические советы). Ташкент: Наука и технологии, 2007. – 122 с.	Ishmukhamedov R.J., Abdukadyrov A., Pardaev A. <i>Rabochaya tetrad direktora (prakticheskie sovete)</i> . [Director's workbook (practical advice).] Tashkent.: Science and technology, 2007. 122 p. (in Russian)
10	Таджибаева Д., Юлдашев А. Методика преподавания специальных предметов. – Ташкент, 2009.	Tadzhibaeva D., Yuldashev A. <i>Metodika prepodavaniya specialnekh predmetov</i> [Methods of teaching special subjects]. Tashkent, 2009. (in Russian)
11	Исмаилова З.К., Мусаев Р.С., Шойусупова А.А. «Современные технологии обучения», – Ташкент, 2010.	Ismailova Z.K., Musayev R.S., Shoyusupova A.A. <i>Sovremennye tekhnologii obucheniya</i> ["Modern technology of education."] Tashkent, 2010. (in Russian)
12	Учебно-методические материалы тренинга «Использование интерактивных методов обучения и современных информационно-коммуникационных технологий в образовательном процессе», Ташкент, 2013.	<i>Ispokizovanie interaktivnekh metodov obucheniya i sovremennekh informatsionno-kommunikatsionnykh tekhnologiy v obrazovatel'nom prosesse</i> ["Using interactive teaching methods and modern information and communication technologies in the educational process."] Tashkent, 2013. (in Russian)
13	Мирсаидов К.Ю. «Педагогический специалист подготовки и производства» – Ташкент, «Учитель». 1996.	Mirsaidov K.Yu. <i>Pedagogicheskii spetsialist podgotovki i proizvodstva</i> ["Pedagogical specialist of preparation and production"] Tashkent 1996 "Teacher". (in Russian)
14	Толипов Ю., Усманбаева М. Основы педагогических технологий. – Ташкент: 2006.	Tolipov Yu., Usmanbaeva M. <i>Osnovi pedagogicheskikh tekhnologiy</i> [Fundamentals of pedagogical technologies] Tashkent. 2006.(in Russian)
15	Исмаилова З.К. Педагогика. – Ташкент: Финансы, 2008.	Ismailova Z.K. <i>Pedagogika</i> . [Pedagogy.] Tashkent, Finance 2008 (in Russian)
16	Бордовской Н.В. Современные образовательные технологии: учебное пособие// под ред.. – Москва: КНОРУС, 2010	Bordovskoy N.V. <i>Sovremennye obrazovatel'nye tekhnologii: [Modern educational technologies: textbook under the editorship.]</i> Moscow. KNORUS, 2010 (in Russian)
17	Муслимов Н.А., Н.Каримова. Касб таълими ўқитувчиларнинг амалий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Ташкент: «Итисодиёт», 2012.	Muslimov N.A., N. Karimova. <i>Kasb talimi o'qituvchilarining amaliy kompetentligini shakllantirish tekhnologiyasi</i> [Kasb talimi Kituvchilarining amaliy kompetentligini shakllantirish technology] Tashkent: "Itisodiet" nashrieti, 2012. (in Uzbek)
18	З.К.Исмаилова. Методика преподавания. – Ташкент: Истиклол 2003. – 150 с.	Z.K. Ismailova. <i>Metodika prepodavaniya</i> [Teaching Methodology]. Tashkent.: Istiklol 2003. 150 p. (in Russian)
19	Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – Москва: ИРПО, 1995. – 336 с.	Bespalko V.P. <i>Pedagogika i progressivnye tekhnologii obucheniya</i> [Pedagogy and advanced learning technologies.] Moscow.: IRPO, 1995. 336 p. (in Russian)
20	Даминов М.И. Модульные технологии в образовании носят разрушительный характер и вызывают привыкание // Педагогические навыки. – Бухара, 2007. – С. 11-14.	Daminov M.I. <i>Modulnye tekhnologii v obrazovanii nosyat razrushitelnyy kharakter i vizivayut privikanie</i> [Modular technologies in education are destructive and addictive Pedagogical skills.] Bukhara, 2007. Pp. 11-14. (in Russian)
21	Файзуллаев Р.Х., Химматалиев Д.А. Современные инновационные технологии и профессиональный имидж: портфолио // Школа Будущего. – Москва, 2017. – №2. – С.140-144. (13.00.00; № 20).	Fayzullaev R.Kh., Himmataliev D.A. <i>Soveremennye innovatsionnye tekhnologii i professionalniy imidj: [Modern innovative technologies and professional image:] portfolio</i> School of the Future. Moscow, 2017. No. 2. Pp. 140-144. (13.00.00; No. 20). (in Russian)
22	Файзуллаев Р.Х. Модуль рейтингового образования и его значение в повышении компетентности будущих педагогов профессионального образования // Научно-методический журнал «Преподаватель и непрерывное образование». – Нукус, 2018. – № 4. – С. 66-70.	Fayzullaev R.Kh. <i>Moduliy reytingovogo obrazovaniya i ego znachenie v povishenii kompetentnosti budushikh pedagogov professionalnogo obrazovaniya</i> [The module of rating education and its importance in enhancing the competence of future teachers of vocational education] Scientific-methodical journal "Teacher and continuing education", Nukus, 2018. No. 4. P. 66-70 (in Russian)
23	Файзуллаев Р.Х., Исмаилова З.К. «Научно-методические основы формирования профессиональной компетентности будущих инженеров-педагогов». Монография. – Ташкент: «Искры литературы», 2018. – 132 с.	Fayzullaev R.Kh., Ismailova Z.K. <i>Nauchno-metodicheskie osnovi formirovaniya professionalnoy kompetentnosti bugushikh inzhenerov-pedagogov</i> . [Scientific and methodological foundations of the formation of professional competence of future engineers and teachers".] Monograph Tashkent, "Sparks of literature", 2018. 132 p. (in Uzbek)